


1971/6

ГУЛИСТОН

6
1971

ЭМС
№





Л. И. БРЕЖНЕВ:

Совет адабиёти ва санъати ходимларини Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган; улар ўз халқининг ишлари ва фикри-зикрини ифодалайдилар, уларнинг ижодий тақдири социалистик Ватан манфаатларидан ажралмасдир.

Биз ижодий изланишларга эътибор бериб қараш тарафдоримиз, шахсий истеъодлар ва талантларнинг камол топиши тарафдоримиз, социалистик реализм методи заминда пайдо бўлган формалар билан услублар ранг-баранглиги ва хилма-хиллигининг тарафдоримиз. Партия раҳбарлигининг кучи — санъаткорнинг халққа хизмат қилишдек олижаноб вазифага ихлосини ошира билишдан, уни жамиятни коммунистик негизларда қайта қуришнинг эътиқодли ва актив қатнашчисига айлантира билишдан иборат.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездида ҳисобот докладидан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди совет санъати ва адабиётининг бундан кейинги тараққиёт йўлларини равшан белгилаб берди, Ҳозирги пайтда совет ёзувчиларининг бутун диққат-эътибори, нучгайрати давримизнинг улкан масалаларини ёрқин акс эттириш, ажойиб замондошларимизнинг образларини яратишга қаратилган. Шу йилнинг июнида мамлакатимиз адиблари Ватанимиз пойтахти Москвада ўзларининг V анжуманига тўпланиб, адабиётимиз олдида турган энг муҳим вазифаларни муҳомама қиладилар.

Суратда: атоқли қорақалпоқ шоири, Бердақ мунофотининг лауреати Содиқ НУРИМБЕТОВ.

Г. ГРАФКИН фотоси

А

йни экиш-тикиш палласи эмасми, бунақанги пайтларда раҳбарлар ҳам идорада кам ўтиришди. Раис бирон ёққа кетиб қолмасдан кабинетда учрашиб, ишимни битириб олақолай деган ниятда мен атайлаб қишлоқ советига жуда байвақт бордим. Эшик олдидаги курсида бир мўйсафид ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг

ичкари кириб бораётган эдим:

- Кимда ишингиз бор? — деб сўраб қолди.
- Раисда
- Раис мажлис ўтказаяпти.
- Қандай мажлис?
- Далада ишлаётганларга медицина хизматини яхшилаш масаласини кўришяпти чамамда. Кечирасиз, бу ерликка ўхшайроқ турибсиз, мабодо шаҳарлик эмасмисиз?
- Шаҳарликман.
- Ҳойнаҳой, муҳбир бўлсангиз керак, топдимми?
- Топдингиз.

БИР ҚИШЛОҚ СОВЕТИДА

— Мен уларни бир қарашдаёқ билиб оламан. Негаки, уларнинг саволларига кўп жавоб беришга тўғри келган. Рухсат берсангиз, ўзимни таништирсам: Халқобод комбинатининг бош экономисти Макарвич бўламан. Умр бўйи марҳум Усмон Юсупов билан ишладим. Қаёққа борса мени экономист қилиб олиб кетарди, бу ерга ҳам ўша киши олиб келган... Қишлоқ совети ҳақида ёзмоқчимисиз дейман?

— Ёзмоқчимиз.

— Ёзинг, ёвса арзийдиган ишлар қилишяпти. Бундан уч йил олдин ёзаман десангиз мен эътироз билдирардим, Ҳозир эса, халқ номидан сўрайман, ёзинг! Раисни танийсизми?

— Йўқ.

— Азамат йигит. Ҳукуматнинг жамики меҳрибонлигини халққа етказадиган, халқнинг жамики илтимосини ҳукумат номидан бажо келтира оладиган тадбиркор йигит. Ўзи агроном, боғдорчилик агрономи. Ободончиликни яхши кўради. Муовини Муқаддам Пирматова ҳам ўзимиздан чиққан сўт соғувчи, бутун областга донғи кетган эди, эшитгандирсиз?

— Эшитганмиз.

— Халқ икковларини сайлади-ю, қишлоқ советига жон кирди. Ободончилик ишлари дейсизми, маданий-маиший хизмат масаласи дейсизми, иссиқ овқату, болалар боғчаси дейсизми... Қишлоқ совети астойдил енг шимарса, катта ишларни қилиб юбориши мумкин экан. Тўю маъракаларимизга ҳам тартиб кириб қолди. Магазину ошоналаримизни айтмайсизми! Қани, халқнинг талабини қондирмай кўришсинчи, эртасигаёқ ишдан олиб ташлашди... Ёзинг, қишлоқ совети, унинг азамат депутатлари ҳақида албатта ёзинг. Сизга қишлоқларимизнинг иқтисодига оид бирон рақам керак эмасми? Сўрасангиз сўраб қолинг, мен кетмоқчиман, машинам келиб қолди.

— Кечроқ идорангизга кирарман.

— Яхши, кутаман.

Ичкарида қишлоқ советининг сессияси давом этяпти. Коммунистик мўл-қўлчилик яратиш учун совхоз мезазорларида, колхоз далаларида тер тўқаётган, чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган колхозчилар, ишчиларнинг гами-ташвишида мажлис қилишяпти. Шонли сьездимиз йилида улар салкам 35 минг тонна турли хил қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш мажбуриятини олганлар.

Мажлис тугагач, раиснинг хонасига кирдим. Мамасодиқ Ҳасанбоев вазмин, камгап бир киши экан, шошмасдан ҳар бир сўзини фикр таразисида тортиб сўзлайди. Қишлоқ советига қарашли ҳўжаликлар сартормоқ: бақлажондан тортиб, канопгача етиштирилади бу ерларда.

15 минг эҳоли яшайди. Ана шуларнинг ҳуқуқ, манфаатлари қишлоқ совети орқали юзага чиқади. СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йил 8 апрелдаги қарорида «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка совети ўзига қарашли территорияда давлат ҳокимияти органи бўлиб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳамма масалаларни умумдавлат манфаатларини ва қишлоқ, посёлка меҳнаткашларининг манфаатларини кўзда тутган ҳолда қонунда берилган ҳуқуқлар доирасида ҳал этади...» дейилган.

— Қўрапсизми,— деб сўзида давом этди раис,— ҳокимиятимиз бизга қанақа ҳуқуқлар бериб қўйган! Ҳуқуқимиз ҳам, масъулиятимиз ҳам зўр. Ўзингизнинг хабарингиз бор, шонли партияимиз XXIV сьезди янги беш йиллик планларни таъдиқлаб берди. Ҳуқуқимизимиз халқнинг турмушини яна ҳам фаровонлаштириш учун катта режалар тўзди. Биз ҳам шулар асосида қишлоқ советимизнинг беш йиллик истиқбол планини тузиб чиқдик. Янги касалхона, мактаб, боғча бинолари қўрамади. Кўчаларни асфальтлаш, водопровод бермаган маҳаллаларга водопровод олиб бориш... хуллас, қилдиган ишларимиз жуда кўп. Буларнинг ҳаммасига халқ қўлига қўйган депутатлар бош-қош бўлиши керак. Биз ҳозир умумхалқ сайлови арафасида турибмиз. Қишлоқ советига — 94, район советига — 14, област советига — 3 ва республикага Олий советига — 1 депутат сайлашимиз керак. Ҳозир бўлиб ўтган мажлисимизда бошқа масалалар қатори сайловларга тайёргарлик масалаларини ҳам кўриб чиқдик. Ишларни ўзaro тақсимлаб олдик...

Қишлоқ совети раҳбарлари ташкилотчилиги билан Янгийўл районида ном чиқаришган. Сайловларга тайёргарлик, қишлоқларни округ, участкаларга бўлиш, участка комиссияларини тайинлаш — ҳаммаси намунали кетяпти бу ерда. Депутатлар ҳам астойдил ишлашяпти. Ҳар



Қишлоқ совети раиси Мамасодиқ Ҳасанбоев, муовини Муқаддам Пирматова.

куни икки-уч жойда учрашув, қилинган ишларнинг ҳисоби, бажарилмай қолган юмушларнинг ташвиши... Далаларда бўлиб колхозчи, совхоз ишчилари билан суҳбатлашганимизда област советининг депутатлари, сўт соғувчи Урия Иброҳимова, комбинат ишчиси Райхон Ахмад-жоновлар ишидан мамнун эканликларини айтдилар. Икки сайлов ўр-тасида янги ҳаммом, касалхона, мактаб бинолари қад қўтарибди, хонадонларга газу, чекка участкаларга Ильич нурлари бориб, уйларни мунаввар қилибди. Ана шу ишларда эл севган бу икки қизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Кишилар қишлоқ советининг депутати, касалхона бош враччи Саидкарим Орипов ҳақида фахр, ифтихор билан тўлқинланиб гапириб беришди. Ўзи ҳам сўрункисига сақиз мурта депутат бўлиб сайланибди. «Одамлар учун, лозим бўлса, жонини фидо қилишга тайёр,— дейди ўқитувчи Ҳасанбой Эралиев,— на кечани биллади, на кундузани, ҳаммиша эл-юрт хизматиде. Депутат деган мана шунақа бўлса. Мен унинг тўққизинчи марта ҳам сайланишини истар эдим, жон деб унга овоз бераман».

Мамасодиқ Ҳасанбоев билан кун бўйи дала айландик. Одамларнинг кўнгли шод, XXIV сьезд директивалари, Партия, Ҳукуматимизнинг меҳнат аҳлига қилаётган беқибс ғамхўрлиги уларнинг кунига-куч, ғайратга-ғайрат қўшибди, умумхалқ сайловини янги-янги меҳнат зафарлари билан кўтиб олишга олтантқибди.

Қайтаётганимизда мен ўртоқ Макарвич ҳузурига кирдим.

— Ўш, депутатларимизнинг иши билан танишингизми? — деб сўради бош экономист.

— Танишдик.

— Чакки эмас-а!


— Чакки эмас.

— Лекин бажарилмай қолган ишларимиз ҳам бор,— таъкидлаб гапира бўшлади бош экономист,— комбинатимиз янги, ер кўп экан деб дов-дархатни экиб ташлайверган эканмиз, ҳаммаси ҳосилга кирди. Энди уларни йиғиб-териб олишга ишчи кучи етишмаяпти. Ишчилар олайлик десак, турар-жой масаласи чатоқ... Янгитдан сайланадиган катта-кичик депутатларимизга нақазимиз шуки, уй-жой қурилишини яна авж олдиришимиз. Шунинг ҳам дафтарингизнинг бир чеккасига қайд қилиб кетинг. Маъқулми?

— Маъқул.

Худойберди ТўХТАБОВ

Калинин қишлоқ совети



ПАРТИЯМИЗ МАҚСАДИ- ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИ

Ф. ХУЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР енгил sanoat министри

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан партиямизнинг шонли XXIV съезди қабул қилган қарор ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани Директиваларини республикамиз енгил sanoati ишчи-хизматчилари қизгин маъқуллаб кутиб олдилар. Катта сийёсӣ ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бу қимматли ҳужжатлар, ҳар бир ишчи ва хизматчини меҳнатда янги галабаларга илҳомлантирди, ташаббусини оширди.

Сўнги йилларда енгил sanoatимиз халқ истеъмоли молларини кўп-лаб ишлаб чиқаришда бир қанча ютуқларни қўлга киритди. Утган беш йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 30 процент кўпайди. Қувончлиси шундаки, бу ўсиш, асосан, меҳнат унумдорлиги ҳисобига бўлди. Айниқса, устки трикотаж кийимлар 49,4 процент, тайёр кийимлар 68,4 процент, шоҳи газмол матолар тайёрлаш 35 процент ошганлиги қувонарлидир.

Енгил sanoat корхоналарини техника билан таъминлаш даражеси ҳам тинмай ўсиб борди. Ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот сифатини яхшилаш, уларнинг янги-янги турларини кўп-лаб ишлаб чиқариш имконини берди.

Халқ талабининг ўсиб бориши билан ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг тури ҳам йил сайин ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Енгил sanoatимиз ишчи-хизматчилари 1971 йил биринчи квартал планини муддатидан олдин адо этдилар, съезд олди социалистик мажбуриятларини тўла-тўқис бажариб, планга қўшимча 6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган 5 йиллик плани Директиваларида мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлашнинг ажойиб программаси белгилаб берилди, беш йилликнинг асосий вазифаси ва уни бажариш йўллари очиқ-ойдин кўрсатилди. Буни биз Ўзбекистон енгил sanoati тараққиёти йўллари мисолида ҳам кўриб турибмиз. Енгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1970 йилга нисбатан 66 процент кўпайтирилади. Бунда, асосан, халқ истеъмоли молларининг янги-янги турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини янада яхшилаш назарда тутилган.

Бу плани амалга оширишда меҳнат унумдорлигининг ўсиши муҳим аҳамият касб этади. Яъни планда кўрсатилган маҳсулотларнинг 90—95 процентини асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқарилади. 1975 йилга бориб шоҳи газламалар ишлаб чиқариш 2,5 баробар, трикотаждан ички кийимлар ишлаб чиқариш 79,4 процент, тайёр кийимлар 81,7 процент, чарм пойафзал 74 процент, чинни кийимлар 4,8 баробар, маданий-маиший ва рўзгор буюмлари 3,2 баробар кўпайтирилади. Шу беш йиллик давомида халқимизнинг кенг истеъмоли молларига бўлган талаби тўла қондирилади.

Тўққизинчи беш йиллик давомида 13 янги корхона ишга туширилади, жумладан, Бухоро ип-газлама комбинати, Қўқон кўн заводи, Гулистон тикувчилик фабрикаси, Урганч шоҳи тўқийш фабрикалари ишга туширилиб, маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлайди. Ҳозир ишлаб турган 14 корхона, жумладан, Марғилондаги «Атлас» фирмаси, Тошкент чинни заводи реконструкция қилиниб, уларнинг қуввати янада ошади.

Янги беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун

корхоналаримизда социалистик мусобақа авж олиб кетди. Ҳозиргача 30 мингдан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат зарбдори номини олишга муяссар бўлди. Тошкент Тўқимачилик комбинати тўқувчилари Л. П. Казанцева ва Е. Н. Губина ўртоқлар КПСС XXIV съезди шарафига янги беш йилликнинг биринчи йили планларини муддатидан илгари адо этишда ташаббускор бўлиб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бу ватанпарварлик ташаббусини кўллаб-қувватлади. Ўртоқ Казанцева сўзининг устидан чиқиб, биринчи квартал планини муддатидан олдин, 6 февралда адо этди — планга қўшимча 84 минг метр газмол тайёрлади. Ўртоқ Губина ҳам ваъдасига вафо қилмоқда.

Ҳозир икки дугонанинг издошлари уч минг кишидан ошиб кетди. Бу совет кишиларининг жонон партияимиз ва она-Ватанимизга чексиз садоқати, беқиёс ҳурмати рэмзидир.

Енгил sanoatимиз ишчи-хизматчиларининг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳамиша юксак қадрланиб келган. Шонли съездимиз арафасида Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси коллективи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Тошкент Тўқимачилик комбинати йигирувчиси, КПСС XXIV съезди делегати Буолма Жўраева, Марғилон «Атлас» фирмаси тўқувчиси Назирахон Ҳусановалар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Енгил sanoatимиз ишчи-хизматчилари партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигига янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиш, янги марраларни эгаллаш, коммунистик мўл-кўлчилик яратиш йўлида меҳнатда қаҳрамонликлар кўрсатиш билан жавоб бермоқдалар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 6 (54) 1971

Июнь

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1975 йилдан
чиқа бошлаган



КПСС XXIV съезди делегати Уринбой Алимов съезд таассуротлари, заводнинг истиқболи ҳақида ҳикоя қилади:



Завод байроғи.

Совет Иттифоқи коммунистларининг анжумани ўз ишини тугатганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. КПСС XXIV съезди делегат қилиб сайлаб, менга катта ишонч билдирган заводимиз коммунистларидан беҳад миннатдорман. Съезд ўз ишини тамомлағач, жонажон заводимга қайтишим билан ҳамкасбларим, дўстларим қўршовида қолдим.

Бизни Москвада катта ҳурмат билан кутиб олишгани, бўш вақтимизда пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини сайр этганимиз ҳақида қайта-қайта сўзлаб бердим. Айниқса, танафус вақтларида ажойиб кишилар: меҳнат қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи Маршали Баграмян, ёзувчи М. Шолохов билан учрашганимчи ҳикоя қилганимда дўстларим зўр қизиқиш билан тинглашди. Танафуслардан бирида Михаил Шолохов ўзбекистонлик бир гурупа делегатлар билан гурунглашиб қолди. У ўз ижодий режалари ҳақида гапирди. Биз ўзбек диёрининг меҳнат ютуқлари тўғрисида гапириб бердик.

Дам олиш куни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмасига бордим. Тўқимачилик саноати павильониغا кирдим. Бу ерда бизнинг завод ишлаб чиқарган дастгоҳларнинг саккиз

«авлоди» саф тортиб турибди. Машиналаримизни қўриб фахрландим. Улар совет ва чет эл тўқимачилик машинасозлиги мутахассислари томонидан юксак баҳоланган. Бир неча бор Иттифок ва жаҳон миқёсидаги кўрғазмаларнинг олтин медалларини олган. Шуларнинг кенжаси, бир йўла беш иш жаравинини бажарадиган «ПК-100М» йигирув-пишитиш машинасининг доврўғи жаҳонга таралган.


Саккизинчи беш йиллик давомида турли маркадаги тўқимачилик дастгоҳларидан етти мингга яқин корхонамиздан ер куррасининг турли томонларига юборилди.

Завод ўтган беш йилликда саккиз хил янги типдаги машина ишлаб чиқарди. Бундан халқ хўжалиги 21 миллион 770 минг сўмни манфаат кўрди. Металл ўрнига пластмасса ишлатишни йўлга қўйиб, шу давр мобайнида 1 миллион 217 минг сўм фойда олинди.

Директиваларда 1975 йилда газлама ишлаб чиқариш 10,5—11 миллиард квадрат метрга етказилсин, дейилган. Шу муносабат билан тўқимачилик саноати учун машиналар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам анча ортади. Бу бевосита бизнинг корхонамиз коллективи олдиға улкан вазифалар қўяди.

Утган беш йилликда заводимизда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11 процент, тўқимачилик саноати машиналари учун

ИҚБОЛИМ, ИСТИҚБОЛИМ



Оила аъзолари даврасида.

эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш 70 процент халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 40 процент, меҳнат унумдорлиги 27 процент ортди. Илгари йилига 1300—1400 дастгоҳ тайёрлаган бўлсак, беш йиллик охирига бориб, бу рақамни 2100 га етказмоқчимиз.

Беш йилликнинг биринчи йилидаёқ тўқимачилик саноатида 21 миллион сўмликдан зиёд йигирув, ростлаш ускуналари етказиб беришимиз керак. Бу ўтган беш йиллик бошида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан қарийб 4 миллион сўмлик кўпдир.

Корхонадаги тайёрлов, қуюв, механика ва бошқа цехлар бизнинг цехимиз учун ишлайди. Чунки «ПК—100М», «Р-168—3», «Р-92—3» ва бошқа хил тўқимачилик машиналари 6-цехда йиғилади. Буюртмаларнинг вақтида бажарилиши ҳам кўп жиҳатдан цехимиз меҳнаткашларига боғлиқ. Коммунистлар ва комсомоллар цех ишчиларининг кўпчилигини ташкил этеди. Бизнинг участкамизда 12 йигувчи слесардан олитаси коммунист. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси меҳнатга коммунистик муносабатда бўлмоқда. Улар тўрт йилдан буён коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни оқлаб келяпти.

Бир тўқимачилик дастгоҳини аниқ график бўйича 24 соатда йиғиб тайёрлаш керак. 14 йиллик иш тажрибамда ана шу нормани 18 соатда бажаришга муваффақ бўлганман. Ҳамкасбларим Н. Калинин, Ф. Бобрик, Р. Осинкин, Ф. Эргашев каби ўнлаб йигувчи слесарлар икки нормадан кам иш бажаришмайди. Бундай малакали кадрлар завод ва цех бўлимларида юзлаб топилади.

Демак, иш вақтининг ҳар бир минутидан, техникдан унумли фойдаланган ишчининг меҳнати албатта сермаҳсул бўлади. Маҳсулот сифати эса маҳоратга боғлиқ. Корхонамизнинг барча ишлаб чиқариш участкаларида замонавий техника, такомиллашган технологиядан яхши фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш кўп меҳнатини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга фақат шу йўллар билан эришиш мумкин, деб бўлмайди, албатта. Бунинг учун аввало ҳар бир ишчи билим ва маҳоратини тинмай ошириши, ўз устида ишлаши керак. Меҳнат фаолиятимда мен бунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдим.

Урта маълумот олгач, 4-техника билим юртининг бир йиллик курсини тамомлаб, 1957 йилда шу цехга ишга келган эдим. Дастлаб 25 киши эдик. Ҳозир ўшалардан икки киши цехда қолганмиз. Касбга меҳр-муҳаббат ҳам ишлаб чиқаришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.


Дўстим Суръат Акрамхўжаев тўқимачилик ва енгил саноат инженерлари институтининг механика факультетини тамомлади. Суръат КПСС XXIII съездида делегат бўлиб борган эди. Мен ҳам унинг изидан бордим. Аввал Марксизм-ленинизм институтининг тарих факультетини тамомлаб, назарий билимимни мустаҳкамладим. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Низоий номи Тошкент Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг ишлаб чиқариш асослари бўлимида ўқидим. Ҳозир диплом ишим ниҳоясига етай деб қолди.

Корхонамиз истиқболи билан менинг истиқболим чамбарчас боғлиқ. Жаҳонга машҳур бўлган Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Таштекстильмаш» заводининг тўқизинчи беш йилликдаги режалари аниқ ва истиқболи порлоқдир. Биз тайёрлаган машиналар Покистон, Уганда, Греция, Чехословакия каби йигирмадан ортқ мамлакатлардаги тўқимачилик корхоналарида ишлаб турибди.

Ҳа, менинг улғайишимда заводимнинг, завод коллективининг хизмати каттал

Уринбой АЛИМОВ,

«Таштекстильмаш» заводининг йигувчи слесари, XXIV съезд делегати



Корхонада яратилган энг янги станок.

С. БЕЗНОСОВ фотобари,

Й иллар ўтмоқда. Фашист босқинчилар жонажон Ватанимизга қарши уруш бошлаганига 30 йил, буюк Ғалаба-мизга 26 йил тўлди.

Тинч ва осойишта ўтган ҳар кун Ватан озодлиги учун олиб борилган жанг воқеа ларини биздан тобора узоқлаштиради. Она тупроғимизда тинчлик ва осойишталик тантанаси учун жанг қилганларнинг азиз номи халқлар қалбиде асрлар оша мангу яшайди. Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмай-ди.

Улуғ Ватан уруши йилларида қардош Белоруссия тупроғини озод қилиш учун олиб борилган қонли жангларда барча халқ ўғлонлари қатори ўзбек халқининг ҳам мингларча жасур фарзандлари қатнашди. Улар қаторида сеvimли шоиримиз Султон Жўра ҳам бор эди.

1943 йилнинг октябрида қақшатқич зарбага учраб ғарбга чекинаётган душман галларини изма-из қувган кўшинларимиз Сож ва Днепр соҳилларига етиб бордилар. Ғарбий соҳилда қулай марраларни эгаллаб, мудофаага ўтган душманга қарши шиддатли жанг бошлаб юбордилар.

Қаттиқ жанглар билан икки дарёни кечи-би, гитлерчи истеҳкомларни бирин-кетин қўлга киритдилар. Ҳар бир қарич жой учун жанг борар, душман эса чекинган сари қутуриб қаршилик кўрсатарди. Унга дам бермай қувиб келаётган совет кўшинлари қаторида гвардиячи жангчи Султон Жўра ҳам мислсиз жасорат кўрсатди.

Сож ва Днепр дарёларини даҳшатли жанглар билан кечиб ўтишда ва душман истеҳкомларини эгаллашда кўрсатган жасорати учун ҳукуматимиз гвардиячи пулемётчи Султон Жўрани «Иккинчи даражали Ватан уруши» ордени билан мукофотлади.

Шонли гвардиячилар боршчевка қишлоғида немисларнинг йирик кучларига дуч келиб қолишди. Мана шу қизгин жангда 1943 йилнинг 14 ноябрь куни ўзбек халқининг асл фарзанди, ишқин шоир, баҳодир жангчи Султон Жўра қахрамонларча ҳалок бўлди. Жанговар дўстлари унинг жасадини жанг майдонидан олиб чиқиб, ҳарбий қоидага мувофиқ ҳурмат ва эҳтиром билан дафн этишди. Султон Жўра хизмат қилган гвардиячи қисм жангчилари ўз дўстларининг хуни учун ёвдан шафқатсиз қасос олиш учун ҳужум жангларини янада қизгин давом эттириб, ғарбга томон илгарилаб кетдилар.

1963 йилнинг 22 июнида Козероги ўртоқлар мазориде ўзбек халқининг баҳодир ўғли Султон Жўра хотирасига ёдгорлик қўйилди. Тантанали митингда Султон Жўра билан бир қисмде жанг қилган сафдошлари, ҳарбий қисм вакиллари, колхозчилар, партия ва совет ходимлари, мактаб ўқувчилари тўпландилар.

Гомель область Речица район, Козероги қишлоғининг меҳнаткашлари уруш тамом бўлгандан буён қахрамон жангчиларнинг қабрини муқаддас жой сифатида гуллар билан беэаб келмоқдалар. Ҳар йили нишонланадиган Ғалаба куни ва Совет Армияси кунига бағишланган тантаналар қахрамонлар қабри жойлашган майдонда ҳам ўтказилади. Қишлоқ меҳнаткашлари ўз халоскорларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб, уларнинг қабрларига гулчамбарлар қўядилар.

Мана шу хушманзара гулзорда ўтган бир митингда мен ҳам қатнашдим. Митингда сўзга чиққан Речица район ҳарбий комиссарлигининг вакили ўртоқ Севашников ҳаяжонли нутқ сўзлади. У сўзининг охирида Султон Жўра хизмат қилган гвардиячи қисм командирининг сивсий ишлар бўйича ўринбосари Х. Алиевнинг Султон Жўранинг рафиқаси Мохира Жўраевага ёзган хатини ўқиб берди:

«Ҳурматли ўртоқ Жўраева!

Сизнинг турмуш йўлдошингиз гвардиячи

Сўзмас Гулчамбар

жангчи Султон Жўраев инсониятнинг ашаддий душмани — фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда қатнашиб, 1943 йилнинг 14 ноябрь куни қахрамонларча ҳалок бўлди.

Ҳурматли ўртоқ Жўраева! Сиз сеvimли Ватан олдида ўзининг улуғ бурчини бажарган умрдошингиз билан фахрлансангиз арийди. У муқаддас уруш тарихига киреди ва келгуси авлодлар уни фахр билан тилга оладилар.

Биз Султоннинг қабри устида туриб, Ватанимиз, халқимиз бошига оғир кулфатлар солган гитлерчилардан шафқатсиз ўч олишга қасамёд қилдик.

Митингда Султон Жўра ижоди ва жанговар фаолиятига бағишлаб музей ташкил қилган Калинин номи мактабининг директори И. Г. Ермаков, белорус шоири Анатолий Астрейко ўртоқлар нутқ сўзладилар. Шоир Астрейко Султон Жўранинг «Ҳайкал» ва «Пулемётчи овози» шеърларини ўз таржимасида, белорус тилида ўқиб берди.

Митингда Ўзбекистон ёзувчилари вакили сифатида мен ҳам шоирнинг таржимаси ҳоли ва ижодий йўли ҳақида сўзладим.

.. Султон Жўра 1910 йилда Бухоро область Шофиркон район, Чандир қишлоқ советига қарашли Қаралтоб қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У отанасидан ёшлигидеёқ етим қолиб, дастёрлик қилиб кун кечирди. Бировларнинг ишини қилиб бўлса ҳам, қишлоқ мактабиде

ўқиб, хат-саводини чиқарди. 1927 йилда Бухоро педагогике билим юртига ўқишга кирди. 1930 йилда билим юртини муваффақиятли тамом қилганден сўнг Андижонга келиб, аввал педагог билим юртида, сўнгра ўқитувчилар институтида ўқитувчилик қилди.

Ватанларвар шоир жанг йиллари ҳам «Соғиниб», «Чавандоз», «Соғинчилик салом», «Партия билети оларкан», «Пулемётчи овози» каби энг яхши шеърларини ёзди.

Фронтида шоирнинг ҳаётида асло унутилмас бир воқеа юз берди. У фидокор жангчи сифатида Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Коммунист деган юксак номга сазовор бўлиш шоирни бениҳоя руҳлантириб юборган эди. Шунинг учун ҳам у бу шодлиқни:

Мен бу кунни сира унутмайман;
Бу кун — менда янги теттилик.
Ҳаётимда бу кун байрам туси...
Қарашимда янги етуқлик. —

деб куйлаган эди. Шунинг учун ҳам коммунист жангчи душман устига шердек ташланиб, доим олдинги сафда бўлди.

Султон Жўра ўлимидан тўққиз кун илгари ёзган «Пулемётчи овози» шеърисида бундай деб куйлаган эди:

Армовим йўқ. Ватан жангида
Бурчим ўтэб, олдим жойимни.
Шу шарафчун орзу тонгида,
Талпинарди қалбим доимни.


Ғалабанинг соати яқин,
Эй, бўш келма, жангчи

«Максимим».
Биз энгамиз! Бу қатъий яқун,
Жангинг билан ишинг ҳақ сенинг!

Султон Жўра номини тилга олганимизда кўз олдимизда хушмуомала, одамоҳун, софдил ва очиқ кўнгул, садоқатли ва иродали шоир, педагог, фаол жамоатчи, устоз ва меҳрибон дўст намён бўлади.

Уз асарлари билан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги катта хизматлари учун 1968 йилда Николай Островский мукофотиға сазовор бўлган тенгдош, жанговар дўстим Султон Жўра абадий барҳаёт-дир.

Адахм РАҲМАТ



Козероги қишлоғида Султон Жўра хотирасига ёдгорлик ўрнатилган.

Беш йиллик қурилишларида

Ў

збекистон харитасига бир на-
зэр ташланг: Шимолий кенг-
ликнинг қирқинчи параллели
бўйлаб қулоч ёйган Урта
Осиёнинг осмонўпар тоғ-
лари орасида ромбсимон
Фарғона водийси ястаниб
ётибди. Бебаҳо марварид
деб номланган бу ромбнинг

бир учи шарқий томондан улугвор Тянь-Шань этак-
лариға бориб тақалган. Худди шу ерда дара бор.
Тоғ қорлари эриши билан шўх жилғалар Қорадар-
ёни лим-лим тўлдириб дара томон югуради. Бу
дарё суви водий миришқорлариға азал-азалдан
кўп севинч билан бирга ташвишлар ҳам олиб кел-
ган. Шунинг учунми, дерани Кампирравот деб ата-
шади. Узининг ўйиллари «қирқ қароқчиларни гўё
водий томонга шу «жодугар» йўллар эмиш... Қо-
радарё буларнинг онабоси деб бежиз аталмаган.
Баҳор тошқинларида ундан секундига бир минг
олти юз куб метр сув оқиб ўтади!

Асримизнинг ўттизинчи йилларида Совет ҳоки-
миятининг ёрдамиға таянган колхозлар бебеш
дарё йўлиға соқчи — Кампирравот сув тақсимлагич
тўғонини қуришди. Ужар дарё қисман жиявланиб,
деҳқон измиға кирди. Лекин баҳорда бирдан тў-
либ-тошиб келган жилғалар дарёға қўйилиб во-
дийнинг шарқий томонидаги чаңқоқ ерларни бир
қондириб, яна қурир, ерлар торс-торс ёрилиб ке-
тар, экинлар нобуд бўларди... Деҳқонлар бу исён-
кор кучни бутунлай жиявлаш, ўнинг суви билан
унумдор ерларни истаган пайта сўғориб, юқори
ҳосил олишни оруз қилардилар. Бунинг биргина
йўли бор — сув омбори қуриш. Шундагина баҳорда
тўпланган ўн миллионлаб куб метр сув билан ай-
ни ёз жазирамасида пахтазорлар, боғ-роғлар таш-
налигини қондирса бўлади.

Асов дарёларини жиявлашда қатнашган тажри-
бали ирригатор, Аму — Бухоро машина канали қу-
рилишиға раҳбарлик қилган, ҳозир эса Ўзбекистон
ССР Сув хўжалиги бош бошқармасининг раҳбари
Нажим Раҳимович Ҳамрове ҳикоясини давом эт-
тиради:

— Муболағасиз айтганда, бу деҳқонларнинг аза-
ли орузи эди. Оруз саккизинчи беш йиллик охи-
рларида рўйбга чиқа бошлади. 1969 йилда Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий Комитети ва Республика
Министрлар Совети «Андижон сув омбори қурили-
ши ҳақида» махсус қарор чиқарди. Партия ва Ҳу-
куматимизнинг пахтачиликни янада юксалтириш,
Ўзбекистон меҳнаткашлари фаровонлигини ошириш
ҳақида қилаётган янги ёрқин гомхўрлиги ҳамма-
мизни илҳомлантириб юборди. В. И. Лениннинг 100
йиллик тўйи арафасида Қорадарё йўлини тўсишға
киришилди. Улкан темир-бетон тўғонга замин қў-
йилди. Андижон денгизи етти минг гектар ерга қу-
лоч ёйди.

— Нажим Раҳимович, денгиздан миришқорла-
римиз ҳам анча-мунча манфаатдор бўлсалар ке-
рак-а?

— Албатта-да! Мана бу рақамларнинг мағзини
бир қақиб кўринг-а. «Халқлар дўстлиги» деб ном-
ланган бу ишоот аввалдан фойдаланиб келинаёт-
ган 416 минг гектар серхосил ерларни сув билан
тўла таъминлаш имконини беради. Шу ерларнинг
257 минг гектари Ўзбекистонда бўлса, 159 минг
гектари Киргизистондадир. Инкала республикада
44 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. Пахта дала-
ларининг хосилдорлиги эса гектар бошиға 2—4
центнерга ортади. Янги ўзлаштирилмаган ерлар-
дан ҳар йили 100 минг тонна пахта, 70 минг тонна
сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 150 минг тонна
мева, узум олинади.

Қурувчилар денгиз билан бирга, эски Кампирра-
вот ўрнида Қорабоғиш, Тополино, Хонобод каби кўр-

Ўзбекистон ССРда... Андижон сув омборини ва
Тўлмайин гидроузелини қуриш маддаллаштирил-
син.

(КПСС XXIV съезди Директиваларидан).

кам посёлкалар барпо этдилар. Универмаглар, мак-
таблар, меҳмонхоналар, болалар боғчалари, ки-
нотеатрлар... 1975 йилгача уларнинг сони тагин ҳам
кўпаяди. Тез кунда йилгача 570 минг куб метр бе-
тон плита тўйёрлаш қувватиға эга бўлган бетон-ша-
ғал комплекси ишға туширилади. Темир-бетон пли-
та ва усуналар тайёрловчи завод қурилмақда. Тў-
ғонга ҳамда сув ўтказувчи ишоотларға асос бўла-
диган ўзанин тазалаш ишлари қизитиб юборилди.
Денгиз қирғоқлариға бетон йўллар қурилмақда.

«Узгавводстрой» бошлқининг ўринбосари Вла-
димир Васильевич Чернов мўъжизали Андижон ден-
гизи ҳақида қизик гапларни айтди:

— 1972 йил кузида Қорадарёни жиявллаб уни
тўғоннинг бешта сув ўтказувчи дарвозасиға йўнал-
тирмаиз. Бундай қараганда ҳаммаси оддий ишлар
дек... Агар сув омбори тўғони тўққизи балли сейсми-
к зонада қурилайтганини айтсак, қурувчиларимиз зим-
масиға қандай масъулиятли вазифа юклангани аён
бўлади. Муस्ताқил ҳаракатланадиган, орасида турли
бўшлиқлар қолдирилган сурилувчи темир-бетон
пластиняларидан мамлакатимизда ҳалигача биронта
ҳам тўғон қурилмаган эди. Бунинг ҳисобига икки
миллион куб метр бетон тежаб қолинади!.. Эни
25 метрли бетон пластинялар зилзилага жуда бар-
дошли бўлиб, у Андижон атрофида доим кутилиши
мумкин бўлган табиий офатда ҳам собит туравера-
ди. Тўғоннинг бир километр радиуси ярим айлана-
си худди Рим пештоқларини эслатади. Худди шу
ерда 100 минг киловатт қувватға эга бўлган ГЭС ҳам
қад кўтарари. Электр станция тоғ этақларида янги
ўзлаштирилаётган ерларға насослар билан сув чи-
қариш имконини яратди. Тўғон мураккаб шароит-
да қурилмақда. Қоя жинсларининг дарё кетган
жойлари, бир ярим метр қалинлиқдаги тош билан
қопланиб қолган ерлар ҳам учрайди. Бетон ётқи-
зиш учун бундай жойларни портлатиш ман этилган.
Шу сабабли қояларни маҳорат ишлатиб ёнламаси-
ға йўниш, кескир машиналардан фойдаланишға тў-
ғри келаяпти... Мамлакатимиздаги ўнлаб илмий-тек-
шириш институтлари коллективлари ўн соҳада биз-
га ёрдам беришяпти.

«Узгавводстрой»нинг техника бошқармаси раҳ-
бари Александр Захарович Мамонтов ҳамда инже-
нер Надежда Михайловна Пожарова шўхбатға қў-
шилишди:

— Бу ерда қирқ тонналик «ГСКБ —450» типиди-
ги кўтарма кранлардан фойдаланилмақда. Уларнинг
сони ўн битта. Мана шу ҳам қурилиш кўлама наққа-
дар катта энгалигини юрсатиб турибди. Қурилиши-
мизға Совет Иттифоқининг ҳамма жойларидан ус-
талар келишяпти. Андижон денгизининг бунёдқорла-
ри етти минг кишидан иборат бўлади! Ҳозирданоқ қу-
рилиш ветеранлари — кран бошқарувчиси Геннадий
Худоложкин, бетончилар Зинаида Ботирова, Абде-
ким Гапиров, Назир Зокировнинг номлаи тилларда
достон бўлиб кетди.

Йиллар ўтар, азамат тўғон қаддини бутунлай
тиклаб, инсон қўлида сайқал топган мовий денгиз
чайқала-чайқала мавжланар... Ана ўшанда унинг
бунёдқорлари худди Днепргоз, Братск, Норак қу-
рувчилари каби зўр ишға қўйшган улушлари ҳақида
фахр билан гапирсалар ҳам ажаб эмас. Бугун эса,
партиянинг «Андижон сув омбори қурилиши жа-
даллаштирилсин» деган қақирғиға жавобан улар
яқдиллик билан: «Жадаллаштираимиз!» демоқдалар.

ВОДИЙНИНГ КУМУШ КАМАРЛАРИ

АНДИЖОН ДЕНГИЗИ:

Бу улкан денгиз қуриб
битказилгач, Ўзбекистон-
дан 257 минг гектар, Қир-
ғизистондан 159 минг гек-
тар ер сувға маъмур бўла-
ди. Иккала республикада
ўзлаштирилган 44 минг
гектар янги ерда ҳар йили
100 минг тонна пахта, 70
минг тонна сабзавот ва
полиз маҳсулотлари, 150
минг тонна мева-чева етиш-
тирилади.

КАТТА НАМАНГАН КА-
НАЛИ: 162 километр узун-
лиқдаги бу канал Бош тў-
ғонидан ҳар секундда 61 куб
метр сув ўтади. 27,8 минг
гектар янги ер боғ-бўстон-
га айланади.

Вячеслав КОСТИЯ

БИР ДЕНГИЗКИ, МУЪЖИЗА!

Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк...
 Кўклам қўёшдан кўрарган қирлар,
 Пўлат яғринларни кўтарган ерлар
 кўм-кўк!..

БАЛЛИ, НОРИН!

Шоир ўттинчи йиллардаёқ янги давр нафасидан гурурланиб, азимкор халқ шижоати-га, эркин меҳнат кучига тан берган, воҳамиз-ни заъқ-шавқ билан куйлаган, уни бахтлар водийси, деб атаган эди.

Шундан бери қарийб қирқ йил ўтибди. Улкамизнинг заҳматқаш кишилари ўз юр-тларининг хуснига хўси, файзига файз кўшиш йў-лида тобора жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Фаргона водийсини Ўзбекистоннинг дур-донаси дейишади. Бу — ҳақ гап. Сиз баланд тоғ чўққисига чиқиб, водийга бир назар со-линг-а, Куз ўнгинида нафис ва чиройли ба-норас тўн товлангандек бўлади. Кўм-кўк пах-тазорларга, кўркам боғларга оби-ҳаёт элтаёт-ган дарё ва сойлар, каналлар шу беқасам тўн устидан боғланган шойи белбоққа ўхшайди.

Яқинда, Наманганнинг Учқўрғон районида бўлганимизда катта бир қурилишнинг устидан чиқдик. Ҳамроҳимиз, шу райондаги «Комму-на» колхозининг эски деҳқони Бойдада ака Усмонов бизни азим дарё соҳили сари бош-лаб борарди.

— Норинга балли. Яна Норинга навбат. Ерни ҳам, элни ҳам тўйдираётган шу,— Бой-дада ака йўл-йўлакка дарёга қўли билан ишора қилиб, гапирар эди.— Бу дарёнинг энг яхши жиҳати шуки, деҳқон сувга ташна бўл-ганда тошади. Қирғоғига сиғмай оқади.

Ҳамроҳимиз дарё белига қурилган Учқўр-ғон гидроузелини, Катта Фарғона ва Шимо-лий Фарғона каналларини кўзда тутётган эди. Лекин дарё халққа осонликча ўз жило-вини тутқазгани йўқ. Бу ердаги ҳар бир сув иншооти халқнинг шижоати, техника қудрати билан бунёдга келган. Республика ҳукумати-нинг Наманган каналини қуриш ҳақида мах-сус қарор чиқарганига роса бир йил бўлди. Шундан бери канал қурилиши қизгин давом этмоқда. Бунга икки қурилиш — монтаж бош-қармаси ва икки кўчма механизациялашган колонна ишчилари, мутахассислари қатнаш-моқда.

Катта Наманган канали ҳам Норин дарёси-дан сув олади. Каналнинг узунлиги 162 ки-лометр. Бош тўғондан ҳар секундда 61 куб метр сув ўтади. 27,8 минг гектар янги ер ўз-лаштирилади, 16 минг гектар майдонда сув танқислигига барҳам берилади.

Мутахассисларнинг дастлабки ҳисобларига қараганда, шу канал бўйида янги ўзлаштири-ладиган ерлардан ҳар йили 50 минг тоннадан зиёдроқ пахта олинади. Янги богдорчилик ва узумчилик ҳўжаликлари барпо этилади.

Катта Наманган канали икки навбатда қури-лади: биринчи навбати 54 километр узунлик-да бўлиб, 1973 йилгача қурилади ва 5,7 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини беради; каналнинг иккинчи навбати 108 километрга чўзилиб, у 22,1 минг гектар янги ерни бўс-тонга айлантириш имконини беради.

Канал қурилиши жадал бормоқда. Қудрат-ли техникани жилозлаган юзлаб бульдозерчи, экскаваторчилар халқ қурилишида мислсиз фидокорлик кўрсатмоқдалар. Шулардан бири Мусохон Холиқовдир. Полдаги 17-механиза-ция билим юртини тамомлаган Мусохон экс-каватори билан Норин дарёсини жилозлашда, Учқўрғон гидроузели қурилишида, Катта Ан-дижон канали ва Маданият насос станциясини барпо қилишда қатнашди. У ўтган йилнинг ик-кинчи чорағида тупроқ қазич ишлари бўйи-ча социалистик мусобақада ғолиб чиқди ва «Москвич» машинаси билан мукофотланди. Мусохон меҳнат қилаётган 4-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ҳозир учинчи квар-тал ҳисобига ишламоқда. Бу йил Мусохон ҳа-ётда яна бир қувончли воқеа юз берди. У Наманган области коммунистларининг вакили сифатида Партиянинг XXIV съездида қатнаш-ди. Оддий ўзбек йигити бу шарафга ҳалол меҳнати билан эришди.


Мусохоннинг ҳамкасблари Сиддиқжон Баҳромов, Нейматжон Нишонов, Нурматжон Қорабобов, Александр Каданя, Виктор Горде-ев, Олимжон Жўраев каби экскаваторчи ва

бульдозерчилар ҳам ойлик нормаларини 120—140 процентга етказиб бажармоқдалар. ...Зарбдор қурилиш. Ҳайбатли машиналар бир зум тиним билмайди. Ҳамманинг фикри-зикри Норин дарёсига қаратилган, Ҳадемай, янги каналдан Норин суви оқа бошлайди.

С. ҒОҒУРОВ,
Ш. СИДДИҚОВ



КПСС XXIV съезди делегати, зарбдор экска-ватор машинисти Мусохон Холиқов.



Катта Наманган каналининг сув тақсимлагич иншооти.

Т

устувук ови одатда, бошқа овлардан бир-бир ярим ой кеч бошланади. Шундай бўлса ҳам, тустувук ови мавсумининг очилиши овчи-лари учун байрам ҳисобланади, чунки у жуда мароқли. Биз, Топқовий иккаламиз ов мавсумининг биринчи кунини ўзимизнинг севган жойимизда — Оллаёр Балқон тўқайида кутиб олдик.

Бадарров деб аталган эски дарё ўзанидан Аму қирғоқларигача ястаниб ётган хилват тўқайзор илгари тустувуқлар макони эди. Аммо бу ерда тонг отгач, кўзларимизга ишонмай қолдик. Тустувуқлар «макони» ёппасига шолизорга айланган, олдинги чакалазорлар ўрнида ўрқач-ўрқач эшилиб ётган ахлит шолизор балқиб келаётган қуёш нурида қирмизи товланарди. Бир йилда шунча ўзгариш юз берганига ҳайратда қолдик.

— Салом, хуш кўрдик, азиз меҳмонлар, — деб эски қадрдонимиз Оллаёр Балқон ҳар сафаргидек такаллуф билан пешвоз чиқди.

— Салом, Оллаёр ака! Адашмадикми, — деб тонг қотиб турдик.

— Ҳеч тонг қотадиган ери йўқ. Балқон оғаниннинг ўша «қасри» сизга мунтази. Фақат овқонани шолизор қилиб юбордик. Ҳа, энди тустувуқ кўпайгандан кўпаяди. Қани, кулбага, қайнаси яхши кўрганлар. Янги гурунчдан палов дамлаб кўйганман.

Милтиқларни нимқоронғи даҳлизда қолдириб, эшикдан бош суқчимиз билан тустувуқ гўштига дамланган паловнинг хуш бўйи димқоқа урди.

Турдан пойгагичага таканамат—гулли кигизлар тўшалган, ўчоқ мўриси шипдан чиқариб юборилган, яқка дезазали чоғроқ кулбада биринчи марта отламлашётганимиз йўқ. Бу атрофларга овга келганимизда ҳар гал шу ерда тўхтаймиз. Оллаёр ака шўх ва одамшаванда киши. Утган йили бир кеча тунаб қолганимизда у дутор билан қўшиқ айтиб, гоҳ қулгили чўпчаклар сўзлаб, ухламай тонг оттирганмиз.

У чой дамлаб олдимиизга қўяркан, тагин суздади:

— Урушдан олдин Хоразмда биринчи бўлиб гектаридан ўттиз центнер пахта кўтарганман. Ҳамма тенгқурларимиз урушга кетди, бизни юборишмади: шу ерда туриб ўқ отасиз фашистга, дейишди. Лашкарларимиз — нуқул хотин-кизлар. Курол яроғимиз ҳам — бободоҳқондан қолган оמוчу кетмон. Омоҳон ҳам эшак қўшамиз, аравага ҳам. Аммо лекин, назаримизда, колхоз бўлмаганида-чи, кўп қийин бўларди душманни енгилди. Ёки сўзим фалатим?

— Нуқул китобий сўзларни айт-яписиз, — деди Толоқвай.

— Китобни ку билмайман. Лекин ҳақ гап шу. Ҳа, уруш тамом бўлди. Уч йилдаёқ урушдан олдинги меърига етказдим пахтани. Колхозимиз ҳам районда биринчи ўрнига чиқди. Қолоқларни шатакка олмаслар, дейишди. Хўп деди. Бирин-кетин бешта хўжалик-ники улаб беришди колхозимизга.

Мадирнинг майдонидан Амурдёр бўйигача ёйилиб ётган ерлар бир колхознинг, бизнинг колхознинг мулки бўлиб қолди. Қирқта катта ариқдан сув ичади бу ерлар. Ҳа, майли, еринга ер қўшилса — ризқинга ризқ қўшилади, дейишган. Ҳақ гап... Лекин сизларни зериктириб қўймадимми?

— Қулгоғимиз сизда. Бу гапларни минг марта такрорласангиз ҳам, мана бу одам эшитишга тайёр, — деди Толоқвай менга қочитиб.

— Ёки илгари ҳам сўзлаб берганмидим?... Қувонганимдан сўзлайман. Палов қиймига етсин, даяман. Шундай қилиб, десангиз, бир кунни раис: Оллаёр ака, сайр қилиб келамиз, машинага ўтиринг, деди. Нақ тушгача тўқайзор айланиб, шу ерга келиб тўхтадик. «Нима кўрдингиз?» деди раис. «Тўқайни, Амударёни, қамишу ўланзорларни кўрдик» дедим. «Шу қамишу ўланзорлар ўрнида қовун экилса бўладими?» «Бўлади», «Сабзавот экилса бўладими?» «Бўлади». «Мақка экилса бўладими?» «Бўлади». «Шоли экилса бўладими?» «Бўлади», «Йннай кейин пахта экилса ҳам бўладими?» «Бўлади». «Йўқса шуларни ўзингиз экиб берасиз», деди раис. «Хўп», дедим. Бошқа нима дердим. Қишлоқдаги бригадани Дурмаматга топширдигу ўзимиз куч-қўланнимизни дарё бўйига кўтардик. Мана шу кулбани Аму лабига тикканман. Энди-чи?... Бу ерда туриб чақирсангиз, Аму бўйидаги одам эшитмайди овозингизни... Тонгда сизлар ўтиб келган пахта далапарни шовуллаб ётган қамишзор эди. Энди пиёда юрсангиз, бир соатда ҳам пахтазор ичидан чиқолмайсиз. Бултур минг тонна пахта кўтаришди. Бу йил бир ярим минг тонна кўтаришларига қафилман. У ерларни мен ўзлаштириб топширганман пахтачилик бригадасига. Бу йил эса, бу атрофни ўзлаштириб берасан, деб туриб олди раис. Зап ўғил бола чиқди-да раисимиз... Хўп, йигирми тонна шולי уруги беринг, дедим. Урганч каналининг бу томонига шולי, нари томонига — Амударё лабигага қовун, тарвуз, мош экиб юбордим. Келаси йил шолিপояни пахтага берамиз, полиз ўрнига эса шולי экамиз. Биласизми, кўҳна Тўртқўлнинг Шаббоз дарвозаси ўрнига худди шу бу йил қовун экканман. Амударё одамлар қўлидан олиб кўйган ерларни биз дарё гирдобидан тортиб ол-япмиз. Ҳа, дали дарё бу, жоҳил дарё бу! Лекин қачонлариди обод бўлган ер яна обод бўлмай қолмас, деган ҳикмат ҳақ экан. Изимиздан қадам-бекадам етил келаяпти қишлоқ. Тўрт-беш йилдан кейин кўрибсизки, Аму емириб кетган ерлар олдингисидан ҳам ободроқ бўлади!

— Янги ҳисилнинг паловидан кейин, биз—овга, бизни кузатиб чиққан мезбонимиз далага кетди. Унинг сўзига қараганда, кўн экинлар бригадасидаги ҳамма колхозчиларни пахта йғим-терийига олиб, пишиб етилган барча экинлар устида ёлғиз унинг ўзини «посбон» қилиб қолдиришди.

Хийла ўтириб қолган эканмиз, кун қизиб, шудринг кўтарилган, бутун борлиқ қуёш гигага ястанган эди. Жимжит. Илгари Оллаёр Балқоннинг остонасидан чиқиб биланок милтиқни қўлга олиб, қамишзорга кириб кетарди. Энди эса гир атроф кўкракдан шולי. Пайкал пайкалга туташиб ётибди. Увот бўйлаб кетдик.

СОХРАТИ

ЛУЧНО

Урганч каналининг бу томонида уфққача чексиз зар рўмол ёйиб қўйгандай, шолизорнинг охири кўринмас эди. Шой шу қадр серхосил бўлган эдикки, шода марвариддек оғир бошоқлар бири-бирига сунячик бўлмас, бу ноёб экин ўз юкини кўтаролмай қийраб қоларди. Ҳар ер-ҳар ерда тустувуқ изига дуч кела бошлади. Урдақ, пойхўрак ва бошқа балчиқлараст қушларнинг изи эса ҳар қадамда учарди. Уқариклар ичи, қўлмақлар атрофи қовун тўридайд ажи бўжи излар билан қопланган. Бироқ қушларнинг ўзи учрамасди. Демак, шолизорда тустувуқ бор. Урдақларнинг бир галаси, майда кўчманчи қушлар ўтиб кетишган. Энди фақат сўна урдақ бир неча кунга тушиб ўтиши мумкин. Ҳоздан умид йўқ. У кузакда бу атрофларда ўтламай катта сув ҳавзаларида атиги бир неча кун қўниб, ўтиб кетади. Чунки гоз шимолдан ҳамма кўчманчи қушлардан кейин кўтарилади ва узоқ сафарга чидамли бўлади.

Бечора қушлар! Қишда жанубда, ёзда шимолда. Шимолдан жанубга, жанубдан шимолга интилишади. Ҳар қутбада атиги уч ой яшаш учун сайёрининг у бурчидан бу бурчига уч ой қанот қоқишади. Баҳор билан кузаник — бутун олти ойни йўлда ўтказишади. Ҳар йил шундай. Бир умр шундай!

Қушларнинг умри-чи, узоқми? 1940 йилда Болтиқ бўйида обғига ҳалқа тақиб учирилган ўрдакни 1964 йилда яна шу Болтиқ бўйида кўришибди. Демак, ўрдакнинг умри чакимас. Лекин умрининг нақ ярми қутблар аро саргардон ўтиши бор. Шунинг учун табиат уларга қанот ата қилганмикин? Чиндан ҳам чидамли жониворлар экан бу кўчманчи қушлар!

Уларнинг ватани қазер? Шимолми? Жанубми? Йўқ, бутун планета. Демак, улар умумбашар мулки, умумбашар бойлиги. Кўчманчи қушларни авайлашимиз, қулай муҳдатлардагина ов қилиб, бошқа пайларда уларни кўз қорачигидай қўриклашимиз важи ҳам шундан. Ҳа, Еримиз бойлиги, табиат ноз-неъматлари, агар улардан оқилона фойдалансак, бутун планета аҳолисига қиёб ортади. Халқлар ўзаро низо қиқариб эмас, балки унинг бехисоб ноз-неъматларини бəрəбəр баҳам қўриш учун табиатнинг айрим тўсиқликларига қарши ўзаро бирлашиб курашмоқлари керак. Совет кишилари шундай қилишмоқда.

Локал, Оллаёр Балқонни олайлик бўлади.

Унинг сўзлари маҳоват эмас. Айтганларини ўз кўзимиз билан кўриб туришимиз. Қорақаппоситоннинг биринчи пойтахти, унинг атрофидаги обод қишлоқлар ҳаёлан кўз олдимда. 1940 йилда,



КПСС XXIV съезди делегатлари — Фарғона область, Кува райондаги «Коммунизм» колхозининг раиси Муса Шербўгаев Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводининг директори Рафил Шохназаров билан съезд қарорларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

Г. ГРАФКИН фотоси



Н. КУЗИБОВ. ЗИМЕ.

қирчиллама йигит пайтим, бу кўрам шаҳар кўчаларида адашиб, ўзим меҳмон тушган ҳовлини зўра тополганман. Беш йилдан кейин эса ана шу катта шаҳардан номиншон қолмади. Уни уруш эмас, Амударё тўлкинлари ер юзидан олиб кетди. Қорақалпоқ халқи ўн йил Аму билан курашди, лекин шаҳарни қутқариб қолмади. Эски Тўрткўл шаҳри ўрни энди чап соқилга ўтиб қолди. Гўё афсонавий аждаҳоннинг оғзидан кириб, нари ёғидан ёриб чиққан қахрамонга ўхшайди бу ерлар. Балки ҳозир, хотирамда яхши сақланиб қолган Революция майдони ўрнида юриб бораётгандирман. Ушбу соқин ва дим шилипоя ўрнида азамат гужум, терак, қайрағочларнинг яшил қуббасига бурканган ўша гажум шаҳар боғи шовуллаб турарди. Инсон қўли билан, Оллаёр Балқонлар қўли билан ўтказилган ҳар түп ниҳолда, ҳар тилла бошоқда ўша жўшқин ва қайсар ҳаёт яна бош кўтариб келяпти.

Ҳа, бу ерлар бир бўгин умридаёқ бир бузилиб, бир тузалди. Табиат нақадар тез ўзгарувчан! Унинг ўзига қўйиб берилса... Ҳа, унинг ўзига қўйиб берилса, дунё уч йилдаёқ тарихдан олдинги ёввойи кўринишига қайтарди. Хайрият, инсон уни жиловлаб ололган, ўжарлик қилса ёқамга ёқа олишиб, ўз хоҳиш ва иродасига бўйсундиради. Бир томондан Қорақум исканжаси, иккинчи томондан Аму ўлқонидан ота-боболаримиз бутун воҳани шундай тортиб олишган, дорилонан сақлаб келишган.

Оллаёр Балқон, аллақачон олтиш ёшни уриб қўйган бўлса

ҳам, ҳамон меҳнатни тарк қилмаган, жуссадор, қўйма пўлатдай мустаҳкам. Бу одам бирдан ҳавлимда оддий колхозчи эмас, зарбардаст қахрамон қиёфасига кирди...

Тустовуқ кўққисдан гуркираб ҳавога кўтарилди. У изма-из узган кўшалок ўқларимга парво қилмай, ҳавони яшиндай чишиб, дарё устида кўздан ғойиб бўлди. Олапар менадан ўн беш қадам нарида, «Нега ўлжани бой бердинг, хўжайин!» дегандек, бетимга маънос тикилиб турарди. Шундагина эски дарё ўзани ёқасида мош ва тарик экинлари аралаш серўт далага чиқиб қолганимни пайқадим.

— Нима қилай, хаёл элитди. Хафа бўлма, дўстим,— деб итни юпатдим. У яна қалин яшил май салар чодирини тумшуги билан ёриб, ис олиб кетди. Топоқвой менадан йироқлашиб, ҳамон шилизорда изирсиб юрарди. У ногаҳон шошилич ҳўштат чалиб, мени олдига чақирди. Тепасида қарға ва ҳаққалар қақирлаб давра айланишар, шилизор ўртасида қанқайиб турган ёлғиз ёввойи жийда бошига бири кўнса, иккитаси ундан кўтарилиб, Топоқвой тепасига учиб келарди. Биронта воқеа аломати эди бу. Итни йўлидан қайтариб, шу томонга жўнадим.

Топоқвой пайкаллар аро экилмай қолган қамишзор тепасида менга сабрсиз кўз тутиб турарди. Етиб келишим биланоқ даҳанини чўзиб, қамишзордаги кўлмакка имо қилди. Кўлмак булоқдек қайнаб-жимирлаб турарди. Фиж-ғиж балиқ!

Иккаламиз ҳам сарпойчан бў

либ, кўлмакка тушдик. Ҳадемай икки халта лик тўлди. Ҳаммаси қариб бўйи бир хил човоқ. Баъзилари биздан қочиб балиқчи ёки қуруқликка чиқиб қоларди. Уларни атрофимизда чарх ураётган Олапар билан Чақмоқ шу заҳоти илиб олиб, кўлимизга келтириб беришеди. Кўлмакда кузги уруғдан урчиган майда човоқларгина қолди.

— Биз бу ердан икки халта балиқ олган бўлсак, икки тонна балиқ нобуд бўлиб қолаётмир, — деб бутана сув бетига тутма кўзидай тумшугини очиб, қалқиб юришган човоқларга ишора қилди Топоқвой.

Халокатга маҳкум бўлган човоқларни бу ердан қутқариб юборган тақдирда, келаси йил шу пайтга икки тонна балиқ етилиши турган гап! Қутқариш иложини ҳам Топоқвой топди. У ич кўйлагини ечди. Сўнгра балиқларни ерга тўкиб, ов халтасини ҳам бўшатди. Кўйлаги билан кўлмакни сузиб човоқларни халтага солаверди. Мен ҳам ундан ўрнак олиб, ишга тушиб кетдим. Кўлмакдаги охириги човоққача тутиб олганимиздан кейин Топоқвой халтани Аму дарёга бўшатиб келди.

— Бизнинг олганимиз бу атрофдаги балиқнинг мингдан бир қисми, холос,— деди у.— Анув шилипоялардаги балиқ, чамада, шили ҳосилидан кўпроқ.

Халталарни кўлмак ёнида қолдириб, ўша томонга кетдик. Бу томондаги пайкаллар ва ўқариқларда сув сингмаган, уларда балиқлар тўда-тўда бўлиб бежавотир ўтлаб юришарди. Нахотки, тайёр ўлжани ҳеч ким кўрмаган бўлса? Шиликорлар пахта йғимтеримида. Бошқа ким кўрар, ким

пайқарди уни. Келаси яқшанба келадиган бўлиб орқага қайдик.

Тустовуқ отгани келиб бир халтадан балиқ кўтариб кетдик. Янага яқшанба келдик. Келдигу, пешанамизга муштладик. Шилипоя ва ўқариқларда сув сингиб, балиқлар уюм-уюм чириб ётибди. Шиликорлар бригадаси ҳосилни йиғишга киришган эди.

— Роса ўн тонна балиқни бой бердик,— деди Оллаёр Балқон маънос тортиб. — Колхознинг мон бошига тақсим қилганда ҳам ҳар кимга беш килодан тегаркан. Афсуски, билмай қолибмиз! Наҳора, пахта кистови.

Биз бир ҳафта олдин келганимизга ёки Оллаёр Балқонни оғохлантириб кетганимизга пушаймон қилдик.

Сўнги йилларда Хоразм сув хавзаларида ана шундай ўтхўр ва сергўшт балиқ навлари пайдо бўлди. Олимларнинг фикрича, узоқ Шарқдан келтириб урчитилган бу балиқ навлари шилипояларда яхши етилади. Баҳорда уруғдан чиққан човоқ кузакда уч юз граммгача гўшт беради. Бир гектар шилипояда эса, икки юз центнергача ана шундай балиқ урчитиб олиш мумкин. Бундан ташқари, ўтхўр балиқлар шилипоядаги гектарига уч-тўрт центнер оширишга хизмат қилади. Хоразм колхоз-совхозларида ҳар йили ўн минг гектарлаб шилипоя экилади. Ана шу гектарларда шилипоя билан айна бир вақтди балиқ урчитиб йўлга қўйилса-чи? Ана қўшимча бойлик! Ризқ-рўза! Ҳа, еримизнинг бойлик ва ноз-неъматлари беҳисоб. Афсуски, ундан гоҳо тўла фойдаланолмаймиз. Кечир бизни, Она ер.



Расмини М. ГРОМИКО чизган

ГУЛИСТОН

АНКЕТАСИ

Олимлар, ёзувчилар, китобхонлар республикада китоб савдосининг аҳволини таҳлил қиладилар.

Баҳри ҒУЛОМОВА:

— *Замонавий китоб дўконлари кўп-лб қурилиши керак!*

«*Китоб сотувчилар кимлар? Улар бошқа савдо ходимларидан қайси хислатлари билан фарқланадилар? Китоб дўконлари қандай жойлаштирилиши керак! Ёрдамчи бинолар етарлими? Қардош республикалар билан китоб алмашиб давримиз талабларига ярош бўлсин! Китобларни сифатсиз нашр этиш барҳам топиши керак! Китоб мухлислари нималарни таклиф этади, орзу қилади?»*—

Мухбиримиз **Маҳмуд САЪДИЙ** ана шулар ҳақида мулоҳаза юртади.

Михаил ШЕВЕРДИН:

— *Китобни таклиф этиш керак! Камёб китоблар савдоси йўлга қўйилсин!*

—СИЗНИНГ СЕВГАН МАШҒУЛОТИНГИЗ?
—КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛИШ.

К. МАРКС

КИТОБ—РИЗҚ-РЎЗ

Исониятнинг буюк кашфиётларидан бири—китоб босиш узоқ ва шонли тарихга эга. Лекин бу тарихнинг энг ёрқин саҳифалари Улуг Оқтябрдан кейин битилди. Доҳий Ленин социалистик революция галабасининг эртасига тундаёқ эндигина халқ маорифи комиссарлигига тайинланган А. В. Луначарский билан кутубхоналар ва китоб нашр этиш, китобни кенг меҳнаткаш оммага етказиш хусусида суҳбатлашган, конкрет кўрсатмалар берган эди.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда китоб босиш ишининг қай даражада юксалганини равшан тасаввур этиш учун баъзи тарихий факт ва рақамларни эслаб ўтиш ўринли бўлади: Иоганн Гутенберг жаҳондаги дастлабки босма китоб—икки жилдли Библияни уч йил, яъни 1452—1455 йиллар мобайнида чоп қилган эди. Иван Фёдоров китоб босишни бошлаб берган XVI асрда Россияда салкам 50 номда, XVII асрда эса 1000 га яқин номда китоб нашр этилди. XVIII асрда бу рақам 15 мингга етган бўлса, XIX асрда 500 минг номда китоб чиқарилди. Совет ҳокимияти йилларида-чи! Бу даврда СССРда 2 миллиондан зиёд номда, 36 миллиарддан ортиқроқ нуска китоб ва брошюра нашр этилди. Ҳозирги пайтда дунёда чиқаётган ҳар тўрт китобнинг бири совет китобидир!

Кечагина бўлиб ўтган шонли Ленин партиясининг тарихий XXIV съезди китоблар нашр этишининг ҳам порлоқ истиқболларини белгилаб берди. «Китоблар чиқариши,— дейилади КПСС XXIV съезди Директиваларида,—... янада кўпайтириш кўзда тутилсин, уларнинг безатилишини ва тематикасини янада яхшилаш таъминлансин... Энг янги ускуналарни, янги материалларни, қоғозларни... полиграфия sanoatiga... жорий қилиш таъминлансин». Бундан келиб чиқаётган хулоса шуки, тўққизинчи беш йилликда халқимиз илм-маърифат манбаи—китобдан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ баҳраманд бўлади!

Китобни халқимизга тарқатишда китоб савдоси нечоғли яхши йўлга қўйилганлигининг аҳамияти гоят каттадир. Шу сабабли редакциямиз республикамизда китоб савдосини яхшилашга ёрдамлашиш, бу соҳадаги ишни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида ёзувчилар, олимлар, нашриётчилар, китоб савдоси билан бевосита шуғулланувчи ходимлар ва оддий китобхонларга қуйидаги саволлардан иборат анкетани тарқатди:

1. Умуман, республикамизда китоб савдосининг, жумладан, ижтимоий-сиёсий ва бадий китоблар сотишнинг аҳволи ҳақида фикрингиз қандай?
2. Бу соҳадаги камчиликлар, Сизнингча, нималардан иборат? (Иложи бўлса, ўзингиз кўрган-билган воқеа ва фактлардан мисоллар келтирсангиз).
3. Китоб савдосини яхшилаш юзасидан қандай таклифларингиз бор?

Анкетамизга қўлаб жавоблар олдик. Қуйида шу жавоблардан баъзиларини ва муҳбиримизнинг китоб савдоси муаммоларини таҳлил этишга қаратилган обзор-мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

X

алқимиз китобни билдим манбаи, уни яратувчи ижодкорларни киши руҳининг инженерлари дейди. Ҳозирги пайтда бирорта ўзбек хонадони йўқки, жавониди ўз кўнглига ёққан бир тўп китоб сақламавса.

Биз халқимизни китоб билан янада яхшироқ таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солишмоқдамиз. Бу борада анчагина ютуқларни қўлга киритдик. Аҳолига китоб тарқатиш бўйича беш йилга мўлжалланган планимиз ўтган йилнинг август ойидаёқ бажарилди. Китобхонлар ўтган беш йил мобайнида 400 миллион нусхадан ортиқроқ китоб олдилар. Бу тарқатган китобларимиз фан-техника ва маданиятнинг турли соҳаларига оид бўлиб, анчагина қисми ижтимоий-сиёсий китоблардир.

Ижтимоий-сиёсий китобларни тарқатиш китоб савдоси ходимлари фаолиятининг асосини ташкил қилади. Ҳозирча В. И. Лениннинг ўзбек тилида чиқарилган асарлар тўпламининг 4-нашри 750 мингдан ошиқ нусхада китобхонларга тарқатилди. Доҳий асарлари тўпламининг рус тилидаги 4-нашри эса 360 минг нусхада тарқатилди. В. И. Лениннинг рус тилида чиқарилган 55 томлик тўла асарлар тўлами ҳам 256 минг нусхада тарқатилди. Биз шу

кунларда доҳийнинг ўзбек тилида нашр этиладиган тўла асарлар тўламига обуна қабул қилмоқдамиз.

Бадий китобларни тарқатишда ҳам анча муваффақиятларга эришдик. Фаннинг турли соҳаларига оид китобларнинг маълум китобхони бўлса, бадий китоблар барчага беради. Уни инженер ҳам, файласуф ҳам, студент ҳам, қўйинг-чи, хат ўқийши билган ҳар ким олади. Шундай экан, бу турдаги китобларни тарғиб этмаса ҳам бўлаверади, китобхон кўнглига ёққан бадий китобни олаверади, деб ўйлаш мумкин. Лекин аслида бундай эмас. Нашриётларимиз чиқарган ҳар бир китоб ўзига яроша тавсияни талаб қилади.

Китобларни тарғиб ва тавсия қилишининг йўллари кўп. Улардан энг асосийси китобни магазин жавонлариде кенг кўрсатишдир. Жавонларда қанчалик кўп китоб кўрсатилса, китобхоннинг ўзига кераклик асар танлаши шунча осон бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, айрим, унча катта бўлмаган магазинларда келган китобларнинг барчасини бира-тўла намойиш этишга имкон йўқ. Бу эса кўп ҳолларда баъзи китобларнинг суст тарқалишига сабаб бўлади. Ҳозирги пайтда республикамизда замонавий талабларига жавоб берадиган магазинлар қўлаб очилётган, бу китоб савдосининг янада ривожланишига ёрдам беради.

Тарғиб ва тавсия қилишнинг иккинчи йўли — янги чиққан китобни магазинларда қўзғатиб ташланадиган жойга кўргазма қилиб қўйишдан иборат. Харидор магазинга келган, даставвал янги китоблар қўйилган жойга қарайди. Тарғиботнинг яна бир муҳим хили — сотувчининг китобни тақлиф қилишидир. Бундан ташқари, китоблар турли-туман реклама материаллари воситасида ҳам тарғиб этилади.

Умуман олганда, тарғиботнинг тур ва йўллари кўп. Мақсадимиз китоб савдосининг турли шакл ва усулларидан фойдаланиб, харидорларга яхши хизмат қилиш, уларнинг китобга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришдир.

Китобхонлар қайси жанрлардаги китобларни кўпроқ эътиришади, деган савол туғилади. Бунга аниқ айтиб бўлмайди. Баъзи китобхонлар роман ва қиссаларни, бошқалари шеър ва асарларни, учинчи бири эса халқ достон ва эртақларини эътиради. Лекин бадиий адабиётга қизиққан ҳар бир киши янги асарга ташна.

Кейинги йилларда китоблар кўп қайта нашр этила бошлади. Оқибатда бундай китоблар магазинларда туриб қолмоқда. Мақсадимиз — китобхонларга манзур бўлган китобларни қайта нашр қилишни биз ўзимиз нашриётларга тақлиф этсак, неча нусхадан бўлишини ўзимиз белгиласак. Яна, иккинчи истагимиз шуки, нашриётлар бошқа халқлар ёзувчиларининг ўзбек тилида чиқадиган китоблари таржимаси сифатини яхшиласалар.

Республикамиз шаҳарларида кейинги йилларда янги магазинлар очилди, эски магазинлар жорий ва капитал ремонтдан чиқарилди. Кейинги икки йил ичида очилган китоб магазинларининг қарийб ярми ижтимоий-сиёсий китоблар магазинидир.

Китоб магазинларини мутахассис кадрлар билан таъминлашга ҳам эътибор бермоқда.

лаш 17-18 минг кишига хизмат этаётган бир пайтда, республикамизда бир магазин 20-25 минг кишига хизмат қилади. Тошкент шаҳрида эса бу рақам янада ортиқ—40-45 минг кишига бир магазин тўғри келади. Республика-миз совет ташкилотлари янги қурилаётган бинолардан китоб магазинлари учун жой ажратсалар ва бундай тадбирни бир меъёردа амалга ошира борсалар, айти мудоао бўлур эди.

Китоб магазинини аҳоли гавжум манзилларда жойлаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Токи, рўзгор ашёрлари олиш учун бир магазинга кирган киши китоб олиш учун қўшни магазинга ҳам кириб ўтсин.

Китобни тарғиб ва тавсия қилишда биз жамоатчилик, жамоат ташкилотларининг ёрдамига муҳтожмиз. Бу борада анчагина ишлар қилинди. Журналист ва нашриётчилар савдо тармоқларида бўлиб, китоб савдоси билан яқиндан танишдилар ва шу масалага бағишлаб катта кенгаш ўтказди. Бу ижобий натижа берди. Бундан ташқари, саноат корхоналарида, билим юртли ва кутубхоналарида комсомол, касаба союзи ташкилотлари томонидан белгиланган жамоатчи китоб тарқатувчиларимиз ҳам бор. Шу жонқуярлар тўғрисида қандай китобларга талаб ошиб бораётганини, қандай китоблар сўз тарқатилётганини билиб оламиз. Лекин жамоатчилик бизга ҳамма жойда ҳам яхши кўмаклашаётир, деб бўлмайди.

Сирасини айтганда, китоб савдосини яхшилашда, китоб тарқатиш ишида комсомол ташкилотлари биринчи кўмакчиларимиз бўлиши керак. Бу ҳолат ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитетининг 1967 йил февраль ойида биргаликда чиқарган қароридан ҳам кўрсатиб ўтилган. Лекин кўп комсомол ташкилотлари бу қарорни кўнгилдагидек бажараётган-

* * *

Китоб — ҳаёт ойнаси.

Китобсиз уй — қуёсиз кун.

Яхши китоб — садоқатли дўст.

Қардош халқлар мақолларидан

Китоб тахтдан афзал.

ШЕКСПИР

Китоб бўлмаганда биз ёввойилигимизча қолардик.

Клод ГЕЛЬВЕЦИЙ

Китоблар — тафаккур фарзандлари.

Жонатан СВИФТ

Китобнинг моҳияти — мангудир... Бу моҳият — тафаккурни абадийлаштириш.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Билим — мураббий; китоб эса, муаллимимиздир.

В. В. МАЯКОВСКИЙ

Тафаккурнинг толмас қанотлари — китоб.

ОЙБЕК

Одам мутолаани бас қилса, фикрлашдан ҳам махрум бўлади.

ДИДРО

Китоб ўқишни одат қилмаган оила — маънавий қашшоқ оилadır.

П. А. ПАВЛЕНКО

Қандай китоб ўқиётганингни айтсанг, сенинг кимлигингни айтиб бераман.

А. В. ЛУНАЧАРСКИЙ

ХАЛҚИМИЗ — БУЮК КИТОБХОН

миз. Утган йили бирлашмамиз системасида жами 1808 киши хизмат қилган бўлса, шундан 116 киши олий маълумотли, 115 киши ўрта махсус маълумотли эди. Ҳозир 7 киши Крупская номидаги Ленинград маданият университети сиртки икки йиллик — малака ошириш курсида ўқимокда. 112 киши эса ўрта ва ўрта махсус ўқув юртлирида таълим олаётир.

Илгари мутахассислар марказий институт ва техникумларда тайёрланарди. Эндликда улар Тошкент полиграфия техникумининг китоб савдоси бўлимида тайёрланади. Утган йили китоб мутахассисларидан йигирма киши Тошкент магизинларига ишга жойлашди. Бу йил ҳам йигирма олти ўрта махсус маълумотли кадр техникумини битириб чиқади. Яқин йиллар ичида республикамизнинг барча магазинларида Тошкент полиграфия техникуми дипломини олган мутахассислар китобхонлар учун хизмат қилишади.

Китоб савдосида камчиликлар йўқ, деб бўлмайди. Бизнинг ишимизда ҳали ҳал қилинмаган муаммолар, камчиликлар жуда кўп. Улардан бири ва айтиш мумкинки, энг асосийси, республикамиз шаҳарларида китоб магазинларининг етарли эмаслигидир. Умуман, китоб магазинларининг сони уларнинг ўрта ҳисоб билан неча кишига хизмат қилишига қараб аниқланади. Жумладан, Иттифоқимизда бир китоб магазини ўрта ҳисоб билан

лари йўқ. Шунинг учун ҳам Бухоро, Урганч, Нукус, Андижон каби шаҳарларда комсомоллардан бирорта жамоатчи китоб тарқатувчи йўқ, деса бўлади.

Китоб савдосини яхшилашга кўмак берадиган воситалардан яна бири қалам соҳиблари — шоирлар ва ёзувчилар билан мухлисларнинг учрашувларидир. Илгарилари, аиникса, ёз ойларида маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройларида шундай учрашувлар кўп бўлиб турар эди. Қалам соҳиблари сотилган китобларга дастхатлар қўяр эдилар. Аммо кейинги пайтларда бу яхши анъана анча сусайиб қолди. Фикримизча, шоир ва ёзувчилар асарларини тарғиб қилувчи бюро биз билан ҳамкорликда ишламаганиги тўғрисида шундай бўлаётир.


КПСС XXIV съезди китоб наشري ва савдоси масалаларига катта эътибор берди. «Мамлакатимизда китобга қизиқиш гоят каттадир. Совет халқи ҳақли равишда дунёда энг кўп ўқийдиган халқ ҳисобланади», дейилди ўртоқ Л. И. Брежнев докладыда. Съездининг халққа кўплаб китоб етказиб бериш ҳақидаги кўрсатмасини бажариш бизнинг энг шарафли вазифамиздир.

Б. ГУЛОМОВА,
Ўзбекистон китоб савдоси
бирлашмасининг бошлиғи



Тошкент. Пушкин кўчасидаги замонавий китоб дўкони.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



а, донишманд топиб айтган: сўзнинг қудрати поёнсиз!.. Сўз — одамлараро алоқа куроли; атрофимизни кўршаб турган олам сирларини англаш, табиат кучларини инсоният манфатлари йўлида бошқариш, дунёни ўзгартиришда қудратли воситадир. Ленин ана шундай буюк куч, энг аввал, китоб шарофатидагина мангунлик, насб этди. Авлодлар инсоният бунёдга келганидан буён ўтган узоқ асрлар мобайнида яратилган сўз дурдоналаридан китоблар орқали баҳраманд бўлди. Шунинг учун ҳам улуғ зотлар китобни мўъжизалар мўъжизаси деб таърифладилар.

«Китоблар,— дейди улуғ инглиз файласуфи Френсис Бэкон — замонлар тўқинларини ёриб ўтиб, қимматбаҳо ююларини авлодлардан авлодларга ардоқлаб етказувчи тафаккур кемаларидир». Мана шу мўъжиза ўз яратувчиси бўлмиш ҳалққа одатдаги савдосотиқ муносабатлари воситасида етиб боради: инсон мўъжиза билан гоят оддий тарзда учрашади...

Хар соҳанинг ўз мутасаддилари, ютуқ-намчиликлари ва муаммолари бўлгани сингари, китоб савдосининг ҳам ўз мутасаддилари, ютуқ-намчиликлари ва муаммолари бор. Демак, сўз китоб савдоси тўғрисида нетар экан, шубҳасиз, гап даставвал китоб сотувчилар устида бориши лозим.

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Китоб сотувчилиқ касби бошқа соҳадаги сотувчилиқ касбларидан, масалан, газмол ёни пойафзал сотувчилиқдан анча фарқ қилади. Тўғри, савдода ишловчи ҳар бир ходим маданият, хушмуомала бўлиши (афсуски, баъзи ҳолларда бунинг тескарсини ҳам кўриб келамиз), минозларга керакли маслаҳатлар бериши лозим бўлса-да, китоб сотувчисидан улардан талаб қилинганидан ортинроқ билим, эстетик дид, касбига муҳаббат талаб этилади. Китоб сотувчилар чин маънода элга зиё, маърифат тарқатувчи кишилар бўлмоқлари керак. Ҳақиқий китоб тарқатувчиларни кемаларни манзилга тўғри йўловчи мабғларга қиёс қилиш мумкин. Чунки ўз касбининг билимдони бўлган сотувчи тафаккур немалари — китобларни кўзланган манзил — ҳалққа ардоқлаб, вақтида етказилади.

«Ҳақиқий китобфуруш,— дейди таниқли рус совет ёзувчиси Владимир Лидин,— ўзгача истеъдод соҳиби. Мусиқа соҳасида истеъдод қанчалик муҳим бўлса, китоб ишида ҳам у шунчалик зарурдир». 25 йилдан бери китоб савдоси соҳасида ишлаб келаётган, ҳозирги пайтда Тошкент область кооператив китоб сотиш бирлашмаси ассортимент бўлимининг бошлиғи вафзидасида хизмат қилаётган Лидия Николаевна Краснигскаянинг мулоҳазалари ҳам адиб фикрларига ҳамоҳанг. «Иш ни яхшилаш учун,— деди биз билан суҳбатда Лидия Николаевна,— асосий эътиборни мутахассислар тайёрлаш масаласига қаратиш керак. Ва — асосий иш. Агар сотувчи билимдон бўлмаса, ўзи ишининг кўзини билмасга кўп китоблар эгасини топмайди».

Районларда махсус маълумот олган, мутахассис товаршуносларни кўпайтириш лозим. Китоб савдосини мутахассислар билан етарли таъминламасдан китоб савдосини некин яхшилаш қийин. Китоб сотувчилар эса жуда билимдон, истеъдодли бўлишлари керак...

Реданциямиз анкетаси саволларига жавоб қайтарган кўпчилик ўрқонлар ҳам китоб савдоси системасида хизмат қилувчи кишилар масаласига алоҳида тўхталиб ўтишган. Мана, улардан баъзиларнинг фикрлари:

Узбекистон КП Наманган область комитетининг инструктори ўртоқ О. Қамбаров:

— Китоб савдосида сиёсий савияси етук, билимдон, китобни севадиган ташилотчи мутахассислар ишласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. Китоб савдосида чала мулла, китобга беларво сотувчилар бўлмаслиги керак.

«Ўқитувчи» нашриётининг собиқ директори Воҳид Валиев:

— Баъзи китоб сотувчилар ҳатто ўзлари хизмат қилаётган магазинда қандай китоблар борлигини билишмайди. Махсус таълим олган, маданиятли сотувчиларни кўпайтириш лозим.

Республика «Союзпечать» бошқармаси чакана савдо бўлимининг бошлиғи Абдуфаттоҳ Набиҳужаев:

— Китоб тилини яхши биладиган мутахассислар тайёрлашни талаблар даражасига етказиш зарур...

Бизда халқимизга намунали маданий хизмат кўрсатаётган китоб савдоси ходимлари анчагина. Ана шундай кишилардан шахрихонлик Ашурали Розиев, пастдаргомлин Ноила Ҳабиева, олтиариқлик Юлия Никитина, тошкентлик Мастура Салохова, Одил Ортиқов, Алфия Назипова, Ширин Эрматова, Владимир Гекельман, фарғоналик Аминжон Халилов, кўзонлик Абдурахмон Мамаюсовларнинг номларини тилга олиб ўтиш мумкин. Бу савдо ходимлари ўз ишларини пухта билганликлари, ташаббускорликлари ва хушмуомалик-

нооператив техникуми китобшунослик бўлимини 1966—1970 йиллар мобайнида 217 мутахассис битириб чиқди. Ленин булар ҳали дарёдан томчи. Марказий олий ўқува юртыларда, Тошкент полиграфия техникуми ва Фарғона кооператив техникумининг китобшунослик бўлимларида ҳар йили ҳозиргидек 25—30 мутахассис эмас, балки замонамиз талаблари даражасида, кўпроқ мутахассислар тайёрлаш зарурати аллақачон келиб етган. Янги беш йилликда республикада кўпгаб янги китоб дўнонлари кўриш мўлжалланганини ҳисобга олсан (биргина «Ўзбекбирлашув» системаси бўйича 96 янги китоб дўнони бунёд этилади), маълумотли мутахассисларни кўпайтириш нақадар ҳаётий зарурият эканини янада равшан бўлиб қолади. Чунки юсак маданиятли, хушмуомала, билимдон китоб мутахассиси хизмат қилгандагина китобхон китоб дўнонларига, ҳозирги баъзи ҳоллардагидек, бирон

КИТОБ САВДОСИ МУАММОЛАРИ

лари билан кўпчилиқнинг нээат-хурматига сазовор бўлганлар. Ленин бундай анойиб ходимларимиз, очигини айтганда, китоб савдоси ходимларининг умумий сонига нисбатан озчилиқни ташкил этади. Ҳамма китоб сотувчиларнинг ўзлари ҳам, ёш адабиётшунос олим Камол Худойбергандон оруз қилганидек, яхши китобхонлар бўлишганларида, насбларига чинакамига ишчибозлик, муҳаббат билан қарашганларида эди, халқимизнинг маданий савияси яна бир поғона ошган бўлур эди. Афсуски, кўйидиги каби кўнгилсиз воқеаларнинг тез-тез гувоҳи бўлиб турамиз:

Китобхон магазинга кириб бирор китобни кўрсатишини сўрайди (бу ҳолни кўпчилик итотбни эркин танлаб олиш мумкин бўлмаган дўнонларда тез-тез учратамиз). Сотувчи асарни истар-истамас кўрсатади ёни луғма ташлайди:

— Бу шеър китоб...
— Буниси ўзбекча эмас. — Ва ҳоказо.

Баъзан эса сотувчи ўз насбига фақат сабаби тирикчилик деб қараганидан, ё қизиқмаганидан дўнонда бор киёбни ҳам, борлигидан беҳабар: «Йўй», дейди.

Бундай аҳволнинг сабаблари нимада? Ҳамма гап — китоб савдосида махсус таълим олган кишиларнинг кўпчилиқидир. Республика китоб савдоси бирлашмасининг бошлиғи Баҳри Фуломованинг берган маълумотига қараганда, бу системада ўтган йили ишлаган 1808 кишидан фақат 231 киши олий ва ўрта махсус маълумотли, қолган 1557 киши эса ўрта, тўлиқсиз ўрта ва бошланғич маълумотлидир. Бундан ташқари, «Ўзбекбирлашув»нинг Фарғонадаги

асарни сўрасам сотувчи жерниб солмасмикан, деган ўй билан юраги безиллаб эмас, балки шодликка тўлиб борадиган бўлади. Ана ўшандагина китоб сотувчиларимиз маърифат тарқатувчилар деган фахрли номга чинакамга муносиб бўладилар.

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИМИЗ

Коммунистлар партия китоб нашри ва савдоси масалаларига ҳамиша натта эътибор бериб келмоқда. «Мамлакатимизда китобга қизиқиб гоёт-наттадир,— дейилди ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезида қилган ҳисобот докладыда. — Совет ҳалқи ҳақли равишда дунёда энг кўп ўқийдиган ҳалқ ҳисобланади. Шунга айтиш нифоқли, КПСС XXIII съезидан кейинги даврининг ўзида бизда умумий тиражи 6 миллиард 500 миллион нусхадан кўпроқ китоб ва брошюра, шу нумуладан, бир миллиард нусхадан кўпроқ ижтимоий-сиёсий темаларга оид китоб нашр қилинди. Фақат 1969—70 йилларнинг ўзида Ленин асарлари ҳамда Ленин ва ленинизм ҳақидаги китоблар тиражи 76 миллион нусхадан ошди. Шу йиллар ичида қардош социалистик мамлакатларнинг китобларига талаб ўсди. Бу мамлакатлар китобларининг таржимаси 1966—70 йилларда бизда 72 миллион нусхадан ошди».

Ўзбекистонда ҳам китоб нашри ва савдоси йил сайин ривожланиб бормоқда. Масалан, республикада китоб босиб ўтган беш йиллик давомда адабиётлар номи бўйича 14,4 процент, ҳамми бўйича 17,8 процент ва тиражи бўйича 35 процент кўпайди. 1970 йилда

киноларнинг умумий тиражи 32 миллион нусхадан ташкил этиди. УЗССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг раиси ўртоқ З. Есенбоевнинг маълумотига қараганда, икки съезди оралиғидаги даврда Матбуот давлат комитети бўйича китоб ва брошюралар нашр қилиш 165 миллион нусхага етди. Республика, миз китоб чиқариш жиҳатидан мамлакатимизда Россия Федерацияси ва Украина ССРдан кейин учинчи ўринга чиқиб олди.

Ҳозирги пайтда республикамизда «Ўзбек-бирлашувнинг 300 китоб дўнони ва 181 китоб нисоси», «Союзпечать»нинг 12 китоб дўнони, Республика китоб савдоси бирлашмасининг 164 китоб дўнони, 12 кутубхоналар коллектори, 325 нисос ва павильонлари, Академиялар, транспорт ва ҳарбий адабиётлар нашриётларининг бир қанча дўнон ва нисослари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Утган беш йилликда «Ўзбек-бирлашув» системасида 42, Республика китоб савдоси бирлашмаси системасида 68 янги китоб магазини очилди. Албатта, бу тадбирлар натижасида халқимизни китоб билан таъминлаш аввалги йиллардагидан анча яхшиланди, 1966—1970 йиллар мубайида Республика китоб савдоси бирлашмаси 400 миллион нусха, «Ўзбек-бирлашув» 100 миллион нусхадан ортироқ китоб сотди. Шуниси қувонарлики, янгидан очилган китоб дўнонларининг асиратида харидорларнинг китобларни эркин танлаб олишлариغا имониёт яратилган.

Утган беш йилликда қишлоқ меҳнатқашаларига китоб тарқатиш анча яхшиланди. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг 1967 йилда «Қишлоқ жойларида китоб савдосини ташкил этишдаги жиддий камчилилар тўғрисида» деб чиқарган қарорининг аҳамияти катта бўлди. Бу қарорга асосан республикамизда ҳам 1968 йилнинг январидан эътиборан матбуот жамиятларининг китоб савдоси бўлимлари ўрнига Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона областларида ихтисослашган кооператив китоб сотиш бирлашмалари ташкил қилинди. Натижада сансозларни қамайдиган, Эндиликда китобларнинг қишлоқ аҳолисига етиб бориши тезлашди, адабиётлар ассортименти яхшиланди, қишлоққа эътибор аввалгидан кучайди. Ҳозирги пайтда кооператив китоб сотиш бирлашмалари ташкил этилган ҳар беш область Марказий нашриётлардан, қардош республикалардан тўғридан-тўғри буюртма орқали китоб олишлари мумкин.

Китоб ойланилари, ҳафталиклар, дўнондан ташқарида савдо (кўчаларга столлар қўйиб китоб сотиш, пахта далалари, турли йиғинлар, адиблар билан учрашувларга китоблар олиб чиқиш ва ҳоназолар) китобнинг нег тарқатишга имкон берадиган воситалардандир. Ленин, афсуски, бу истиқболли тадбирни республикамизда ҳали етарли даражада ривожланган деб бўлмайди. Масалан, кўпича китоб ойланилари ва ҳафталикларидан янги китоблар жуда кам бўлади. Аввал бор китоблар харидорга тавсия этилаверди. Республика китоб савдоси бирлашмасининг бошлиғи Б. Фуломова юқоридаги мақоласида кейинги пайтларда адиблар билан учрашувлар ўтказишдан яхши анъана сусайиб қолди, бундай учрашувлар китобларнинг халққа нег тарқатишга кўмаклашар эди, деб ёзди. «Фирминичча,— дейди Баҳри Фуломова,— шоир ва ёзувчилар асарларини тарғиб қилувчи бюро биз билан ҳамкорликда ишламаганлиги туйғайли шундай бўлаптир». Албатта, бу фикрда жон бор. Ленин қарс икки қўлдан чиқадиган, деганларидек, ташаббус биринчи навбатда китоб савдоси ходимлари тарафидан бўлиши керак. Ҳозир ҳам ёзувчи ва шоирлар билан катта-катта даргоҳларда тез-тез учрашувлар ўтказилиб турибди. Афсуски, бу адабий йиғинларда китоб сотилаётганини камдан-кам учратамиз.

«Мен бирор шахар тўғрисида гапирганимда унда қанча китоб дўнони борлигига асосланиб фикр юритаман», деган экан машҳур рус композитори Антон Рубинштейн. Юқорида айтганимиздек, республикамиз китоб чоп этиш бўйича мамлакатда учинчи ўринга чиқиб олди. Янги беш йилликда китоб нашр қилиш янада ривожланди. Республикамиз йилига 40 миллион нусхадан ортиқ китоб босиб чиқаради. Аммо мавжуд китоб дўнонларининг сони жиҳатидан ҳали бошқа қардош республикалардан анча орқадамиз. Иттифоқимизда бир китоб дўнони ўрта ҳисоб билан 17-18 минг нусхага хизмат этаётган бир пайтда, республикамизда бир дўнон 20-25 минг нусхага хизмат қилля-

ти. Тошкент шахрида эса бу рақам янада ортиқ—40-45 минг нусхага бир китоб дўнони тўғри келар экан.

Республикамиз совет ташкилотлари қурилайтган бинолардан китоб дўнонлари учун жой ажратиш ҳамда янги китоб дўнонлари барпо этишга етарли эътибор бермаёттирлар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 28 апрелда «Маҳаллий советлар томонидан янги китоб магазинлари очиб учун бинолар ажратиш тўғрисида» деб чиқарган қарори яхши бажарилмади. Бу қарорга асосан республикамизда янгидан 37 китоб дўнони очилиш лозим бўлгани ҳолда, бор-йўғи 18 дўнон очилган. Бухоро ва Тошкент областларидан бошқа ҳеч қандай область қарорини тўла бажармаган.

Кези келганда айтиб ўтиш кераки, китоб дўнонлари (айниқса, қишлоқ районларида) чекка, ноқулай жойларга урнаштирилган. Масалан, Тошкент шахрининг Черданчев кўчасида замонавий усулда барпо этилган катта китоб саломи бор. Ленин салон пастиника қурилганидан салгина шамолга ҳам ичи чангага тўлиб кетади. Бунинг устига-устун трамвай, автобус бенатлари салондан узоқда. Натижада одам кам келади. Луначарский таш йўли ёқисидagi ҳарбий китоблар билан савдо қилувчи дўнон ҳам аҳоли кам жойда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Китоб дўнонлари қурилайтганда уларни аҳоли гажум жойларда урнаштиришга алоҳида эътибор бериш жуда-жуда зарур. Қишлоқларда эса, дўнонларни мактаблар, колхоз идоралари ёнига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу масала совет ташкилотларининг ҳаммаша диққат марказида туриши керак.

Республикамиздаги кўп китоб дўнонлари, китобхоналар жуда тор сотувчиларнинг бемалол ишлашларига, харидорларнинг яйраб китоб танлашларига мулк қароити йўқ. Улар қишда совуқ, ёзда дим.

Бу ҳақда таниқли олим, география фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасанов куйиб шундай деб ёзди: «Кўпчилик магазинлар тор. Стол-стуллар йўқчи, китобларни баҳузур варақлаб, танишсангиз.

Тошкент китоб пассионинг расм-пакатлар бўлимига кирмоқчи бўлсангиз, қорнингизни ичингизга тортиб, зўрга ўтасиз.»

(Худди шу пасаж биринсидagi каталогдан хонага жойлашган пойтахтимиздаги ягона обуна нашрлар дўнонида ҳам аҳвол бундан яхши эмас).

Яқинда Республика китоб савдоси бирлашмаси Тошкент область асосий китоб базасига бориб, шундай манзаранинг гувоҳи бўлдим: китоб юнганган контейнерлар нетма-нет келиб турибди. Ленин китобхоналарда жой бўлмаганидан китоблар тўппа-тўғри ховли юзига тахлаб қўйилляпти. (Китобларни номлар бўйича ажратиб жойлаштириш ҳақида гапирмасам ҳам бўлади). Бундай шароитда ишлаш оғир, албатта. Ажабланирлики шунданки, бу ерда 3—4 йилдан бери ҳатто телефон ҳам йўқ экан. База бошлиғи Эргаш Ризаевнинг айтишича, шахар АТСига хат ёзиш, муножаат қилишда армон қолмабди. Тошкент шахрининг Пушкин кўчасидаги 1-китоб магазинида қирқдан ортиқ киши ишлайди. Бу ерга ҳам ҳалигача телефон туширилмаган.

Хуллас, замонавий китоб дўнонларини кўпайтириш, уларни яхши жиҳозланган ёрдамчи бинолар билан етарли таъминлаш— республикамизда китоб савдосини даврини талаблари даражасида намунали ташкил этишининг асосий омилларидандир. Шу масала кўнгидагидай ҳал этилмас экан, халқимизни китоб билан таъминлашда қийинчиликлар келиб чиқаверди.

ДУСТИК КЎПРИГИ

Халқимиз китобини дустлик кўприги, деб улуғлайди. Дарҳақиқат, мингларча километр олисдаги мамлакатлар халқлари бир-бирлари-

нинг қалби, ҳаёти, орзу-ўйлари, урф-одатлари билан китоблар орқали танишади. Китоб шу тариқа дустлик кўприғига айланади. Китобнинг бундай инсонпарварлини фазилати бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда айниқса улкан аҳамият касб этган. Кундан-кунда ҳаётимизда қардош халқлар билан ўзаро китоб алмашиш анъана тусига кириб қолган. Масалан, биргина 1970 йилда Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси қардош республикаларга 6 миллион нусхадан ортиқ, жами 1 миллион 479 минг сўмли китоб тарқатди. Ундан ташқари, ўтган йилнинг охиридан бошлаб чет элларга ҳам китоб жўнатиш ташкил этилди. Умуман, 1970 йилда 14279 сўмли китоб чет мамлакатларга чиқарилди. Биз ҳам Россия Федерацияси ва қардош республикалардан кўплаб китоб оллоқдамиз.

Ленин қардош республикалардан китоб олиш борасида ҳам камчиликларимиз бор. (Россияни бундан истисно қилиш мумкин. Бошқа республикалардан келтириладиган китобнинг асосий қисми РСФСР ҳиссасига тўшади.) Биз шу масала юзасидан Республика китоб савдоси бирлашмаси Тошкент область идораси савдо бўлимининг бошлиғи Эргаш Ризаевга учрашдик. У кишидан: «Қардош республикалар китоб савдоси ташкилотлари билан алоқаларингиз қандай йўлга қўйилган?», деб сўрадим. Э. Ризаев бунга жавобан: «Бошқа республикалардан асосан рус тилида китоб олаимиз Қозоқ, уйғур, татар тилларида ҳам китоб олинадиган. Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Токистон, Қозогистон республикалари билан алоқамиз ёмон эмас. Аммо қардош республикалар нашриётлари тематик планлари бўйича сўраган китобларимизнинг ҳаммасини юборишмайди», деди.

Уртоқ Ризаевнинг сўзларидан кўриниб турибдики, Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистон, Грузия, Армения ва Болтиқ бўйи республикалари билан китоб алмашиш мураккаб йўқ даражада. Қардош республикаларда пайдо бўлаётган диққатга сазовор асарларнинг барчасини Москва нашриётлари нашр этиб улгуролмайди, албатта. Демак, қардошларимизнинг энг яхши китобларини ўша республикаларнинг ўзларидан олиниши керак. Яна шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Озарбайжон, туркман, қозоқ, татар, қирғиз ва бошқа туркий халқлар тилларидаги китобларни ўзбек ўқувчиси аслида бемалол тушунади. Бу тиллардаги энг яхши асарларни ўзбек китобхонининг республикамиз дўнонларидан тополмаслиғи кечирилмас ҳолдир. Гоҳи-гоҳида қардошларимиз нашр этган кўп жилдли асарлар ҳам дўнонларимизга келиб қолади. Ленин бу тасодифий бўлиб, барча жилдларни тўла харид қилишининг иломи йўқ. Масалан, адиби туркман ёзувчиси Хидир Девлевнинг «Қисмат» эпопеясининг биринчи жилди (русчасини) топиб бўлмади. II—III жилдлари эса дўнонларимизда сотилди. Кўп жилдли «Татар халқ мақоаларининг сўнги томлари ҳам Тошкентга келиб етмади.

Пойтахтимизда республикамизда ягона СССР халқлари адабиети магазини бор. Ленин бу ерда асосан Ўзбекистон (қисман Қозогистон) нашриётлари чиқарган китоблар сотилади. 6—7 йил муқаддам келтирилган бир неча тўп озарбайжон, эстон, украин ва бошқа тиллардаги китоблар дўноннинг одам кам ўтдиган иккинчи армияда жавонларда ётибди. Бундай ачинарли ҳолга барҳам бериш керак. Ўзбек китобхонининг қардош республикаларда чиқайтган энг яхши асарлардан баҳраманд бўлишга ҳаққи бор. Туркий халқлар китобларининг эса ўз тилидагисини келтириб тарқатиш даркор. Эҳтимол, бунини йўлга қўйиш даставаб бир оз қийин бўлар. Ленин бу ишининг амалга оширилиши ҳаётий заруратдир. СССР халқлари адабиети магазини ўз номига муносив бўлмоғи керак! Умуман, Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси қардош республикалар билан ўзаро китоб алмашишни намунали йўлга қўйишнинг атрофлича, жиддий ўйлаб кўриб,

ижобий ҳал қилиши лозим. Чунки бу — савдосотиқ муносабатларидан кўра чўпроқ ўзаро ҳамдустлик муносабатларидир, бу — савдосотиқ масаласи эмас, балки ўзаро маданий ҳамкорлик масаласидир.

«ХАРИДОРДАН УЯЛИБ КЕТАСАН, КИШИ...»

Бундан 5—10 йил авваллари сотиб олган китобимизнинг муқоваси сал қийшайган, саҳифалари алмашиб кетган, хуллас, босмаҳона айби билан сифатсиз нашр этилган бўлса, маҳлмиз чиқар, редакцияларга хатлар ёзар эдик. Қизиги шунданки, китоб босиш кун сайин тараққий қилаётган эндиликда сифатсиз чиқарилган китоблар кўпайиб кетаётди. Бунга харидорлар ҳам, босмаҳоналар ҳам кўнглини қолишти, шенилли. Ваҳоланки, бу — китобхонга ҳурматсизлик, қолаверса — жиноят!

Тошкентдаги китоб пазасига ўзбек адабиёти бўлимининг сотувчиси Амина Зевадиновадан: — Босмаҳона сифатсиз нашр этган китобларни одамлар олишадими? — деб сўрадик.

Амина ола: — Сифатсиз бўлмагандан кейин олишадими. Баъзан харидордан уялиб кетасан, киши, — деди.

Аслида-ку, сотувчилар эмас, босмаҳонадаги масъулиятсиз кишилар уялишлари керак эди!..

Мана, Тургенев танланган асарларининг III жиғиди. Жиғиддаги ҳар иккала машҳур романи ҳам ёзувчи, бақувват таржимон Йўлдош Шамшаров ўзбекчалаштирган. Лекин китобни кўнглингизга олганнингиздан саҳифалари муқовасидан ажралая деб турибди... Мана, юпца, кўрмисиз муқовада 200 минг нусхада чиқарилган (дани эди, нундани турмушда тез-тез зарур бўлиб турадиган китобларни пишмиқ қоваларда, яхши қозғода нашр этилса!) «500 фойдала маслаҳати» («Ўзбекистон» нашриёти, 1970), М. Швердиннинг «Бўри узидан», Ш. Алдиннинг «Чиролар тоғгача порлади» романи (ҳар иккала асар ҳам Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўтган йили чоп этилган)... Яна бир талай майиб, тасқара ҳолида нашр қилинган шўрлик китоблар! Аксарияти Республика Матбуот давлат комитети полиграфия комбинатининг «кашфиёти!» Бу китобларнинг бирининг саҳифалари чалачан-чати тинилган бўлса, иккинчисининг муқоваси ажралиб кетган, учинчиси кўрмисиз туриб болганлигидан варақларни ёпишиб ётган бўлса, яна бошқасининг қозғоли нотўғри қирқилган ва қозғола. Хуллас, республикамиз босмаҳоналаридан чиқаяётган кўпгина китоблар гоёт ш ошма-шошарлик билан, «кўздан кетгунча» қабилида, ю малаюб-стиқ қилинаётди. Бу ўтакетган масъулиятсизлигини бошқача аташ мумкин эмас!

Шу тўғрида «Ўқитувчи» нашриётининг директори Наримон Ҳотамовга сўз очган эдик, Наримон ана гапнинг ростини айтди-қўйди:

— Босмаҳоналар билан нашриётчилар ўртасида кўзбўямачиликка ўхшаш нерса бор. Босмаҳона назорат ва кўрмана нухсини келтириганда ҳаммаси жойида — китоб кўнглидагидай нашр этилган бўлади. Оммавий тиражни кўрсангиз кўнглингиз хира бўлади. Қозғолар ҳар хил, ҳарфлар хира, саҳифалар чаллашиб кетган... Хуллас кўзбўямачиликнинг ўзи! Ҳамма бало сифатга эътибор бермай миқдор негидан нувишда, оқибатда китоблар дўнонларда туриб қолади...

Аслини олганда, сифатсиз нашрлар муаммоси алоҳида кенг мунозара-муҳокамага арзирлидир. Биз бу ерда сифатсиз чоп этилаётган китобларнинг китоб савдоси ривожига салбий таъсир кўрсатаётган тўсиқлардан фанат биригина бўлганлиги тўғриси йўл-йўланай баъзи мулоҳазаларини баён қилдик.

ЯНА МУАММОЛАР, ТАЛАБЛАР, ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАР ҲАҚИДА

Республикамизда китоб савдосини яхшилашга ёрдамлашчи, бу соҳадга муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш мақсадига редакция-ми тархатган аннега саволларига олинган жавобларда ҳам, ҳар хил насбдаги кишилар билан шахсан олиб борилган сўхбатларда ҳам ўртоқлар ўзларининг қимматли мулоҳазаларини билдирдилар. Кўпчилик китобхонлар ки-

тоб савдосидаги ижобий ҳодисаларни қайд этиш билан бирига, бу борадаги кўп намчиликларни ҳам кўрсатдилар, китоб тарқатишни давримиз талаблари даражасига етказиш ху-сусидаги монкрет таклиф ва истакларини айтдилар.

«Ўқитувчи» нашриёти педагогика редакциясининг катта муҳаррири Файзулла Эргозиев: — Бизда китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳақиқий илмий асосда ўрганиш ташкил этилмаган. Бунга Матбуот давлат комитети, на Республика китоб савдоси бирлашмаси қилган. Тематик планларнинг пишмиқ эмаслиги ҳам, баъзи китобларнинг ётиб қолиши ҳам шундан. Одатда, нашриётларнинг ванкллари йил охирида жўйларга бериб китобхонлар билан йўл-йўлақай учрашдилар-да, шунга қараб идораларига ҳисобот берадилар. Монкрет таҳлил бўлмади.

Бир неча йил илгари Ангрэн шахрига йўлим тушган эди. Шаҳардаги маданий моллар дўнонларидан учтасига кирдим. Гитара, мандолина, гармонь каби музика асбоблари яхши, кўзга кўрнарли жўйларга тартиб билан қўйилган. Лекин дўноннинг ҳеч ерида китобга ажратилган жўй йўи.

Ангрэндаги социалистик шахарчининг марказий дўнонига кирсам уч урам китоб ерда ётибди. Ўзбек тилидаги «Сўсий билим асослари» деган китоб экан. Қолбуки, бу теварақда ўзбеклар оз. Кўпчилик аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлган Фарғона томонларда эса бу китобни нундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Бизда бирор асарни нашр этиш, жўйларга тархатишда ансарият ҳолларда китобхоннинг талаб-эҳтиёжини ҳисобга олинмаётди. Мана, бир мисол. Бундан бир неча йил муқаддам «Ўқитувчи» нашриётда хевалик машҳур уста. Навоий театрининг Хоразм залини беаган Абдулла Болтаев ҳақида 2 минг нусхада китобча чиқарилди. Уч ояча вақт ўтди. Хевадан махсус бир одам келиб: «Халқ нақоши Абдулла Болтаев ҳақидаги китобдан минг нуха керак». Деги, У нишини Республика китоб савдоси бирлашмаси савдо бўлимининг бошлиғи Штромберг хузурига олиб тушдим. Маълум бўлишича, Хоразмдан 100 китобга талаб нома келган экан. Маг. Исосифович: «Бундан ортиқ китоб беролмаймиз» деди. Хевалик ўртоқ Уста Абдуланинг бутун Хоразмда азия ва машҳурлигини қайта-қайта писанда этиб, неча илтимослар қилган, ўртоқ Штромберг Тошкент дўнонларидан анча китоб топиб берди.

«Қобуснома»нинг тақдирини ҳам қизиқ бўлди. Китобни нашр этишни режалаштирганмишдан кейин Республика китоб савдоси бирлашмасига областлардан 30 минг нухсага талабнома тушди. Лекин тираж қабул қилишда Узикитоб қаттиқ туриб, 15 мингга базув рози бўлди. Китоб жўйларга бериб уч ой ўтар-ўтмас ҳамма ёқдан «Қобуснома»га талаб ёғилди, турли жўйлардан ванклар келишди. Талаблар шу қадар кўпайиб кетдики, Матбуот давлат комитетининг ўзи асарни 100 минг нухсада иккинчи марта босиб чиқаришни нашриётга таклиф қилди. Лекин хозиргача китобни излашди. Ҳатто «Қобуснома»га бошқа «ўтмай қолган» китобларни ҳам қўшиб сотишди.

Булар ниманинг оқибати? Ҳамма иллат, менимча, пайласлаб иш кўришди! Китоб савдоси хсидмлари, нашриётларнинг ванкллари йирин-йирин жўйларга бериб, китобхонларнинг миллий составини, қандай китоблар тез сотилиб кетаётганлигини, қайсилари ўтмаётганлигини, бунинг сабабларини мадада эканлигини аниқлашлари лозим. Ҳамма масалаларни атрофлича ўйлаб кўриш, қисқаси, китобхонларнинг талаб-эҳтиёжларини синчилаш ўрганиш керак.

Ҳамма гап китобхоннинг вийга, майя-қиқиқшига, сависисига қараб эҳтиёжини белгилашга келиб тақалаётди.

Назаримда, китоб савдосини бир қўлга марказлаштириш лозимга ўхшайди. Билишимча, қишлоқ дўнонларини китоб босиб «Ўзбекбирлашув» таъмин этади. Республика китоб савдоси бирлашмаси билан «Ўзбекбирлашув»нинг ҳамма вақт қўли-қўлга бериб ишлати қийин. Оқибатда қишлоққа нам эътибор

(Давлон 15-бетда).

«Гулистон» гурунги

КИТОБ ТАРҚАТИШ— МАФКУРАВИЙ ИШ

Муҳбиримизнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси
М. И. ШЕВЕРДИН билан сўхбати

— Михаил Иванович, журналистик анкетаси саволлари юзасидан фикрларингизни баён этсангиз!

— Аввало шунга айтишим керакки, менимча, бизнинг китоб савдосида муаммоси талабларига етарли жавоб бермайди. Негаки, хозирги пайтда миллионлаб нухсада китоб чиқаришмоқда. Китоб тарқатиш ишмиз эса ҳамон асосан эски усулда олиб борилмоқда...

Айниқса, кичик шаҳарларда, қишлоқларда ахол чоток. У ерлардаги дўнонлардан на Фафур Фулом, на Ойбек, на Абдулла Қаҳҳор, на Ҳамид Олимжон китобларини топиб бўлади. Чунки талабномалар пала-партиш тузилди, китобхонларнинг дида, эҳтиёжи ўрганмай маган ҳолда китоблар буюртма қилинади, нашр этилади.

Масалан, Урал ва Сибирдаги китоб дўнонларида ҳар бир китобхонга варақа берилди. Уларда: «Сиз қандай китобларни, қайси ёзувчининг асарларини, қандай жанрдаги асарларни ўқиниш истайсиз?», деган саволлар бўлади. Китобхонлар жавоб қайтариб, махсус кўтиларга ташлайдилар. Ўзбекистонда, афсуски, бу гап йўқ.

Ҳар бир магазинда бор китобларнинг каталоги бўлиши керак. Москва, Киев, Ленинградда бу тадбир амалга ошган. Бизда нега шундай қилиш мумкин эмас? Албатта, детектив фантастика учун каталогнинг ҳожати йўқ. Адабиётшунослик ва ганкид, классик адабиёт, танланган асарлар, кўп томликларнинг каталоги бўлиши лозим. Китоб савдосида коммерция принципи бўлмаглиги керак!

Ҳамма катта дўнонларда тажрибали библиограф-консультант бўлиши лозим. Менимча, биздаги товаршунослар консультация беришлари мумкин.

Мана бир мисол. Бундан бир неча ой бурун Тошкент китоб пазасига бордим. Менга Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи керак эди. Бўлимда турган йигит: «Йўқ», деди. Кейин қерасак, китоб бор экан. Консультант бўлганида бундай оворагарчилик бўлмади.

— **Ўзбек адаблари асарларининг қардош республикаларда тарқатилиши ҳақидаги мулоҳазаларинингизни ҳам журналхоҳларимиз билан ўртоқлашсангиз!**

— Мен китобхонларим билан катта ёзишма олиб бораман. Утган йили бир қанча китобхонларимга хат ёзиб: «Сиз қайси ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқийсиз?», деган савол билан мурожаат қилдим. Бизда халқларнинг ажойиб интернационал дўстлиги бор. Китоблар ана шу дўстлигини мустаҳкамлайди. Лекин мен ачинарли ҳодисанинг гувоҳи бўлдим.

Ростов областида Красный Сулин шаҳри бор. У ерда Туркистондаги граждандлар урушининг қатнашчиси, пенсионер А. И. Кравцов яшайди. Алексей Иванович ёзади:

«Мен Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳаёти билан жуда қизиқаман. Лекин ўзбек ёзувчиларининг асарлари бизнинг шаҳримизга келмайди. Беш кутубхонада менга: «Фақат Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести бор», дейишди. Бошқа ўзбек ёзувчиларининг китоблари йўқ...»

Украина ССР Сума областининг Новопетровка қишлоғида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан урушининг инвалиди В. А. Грещенко шундай ёзади:

«Дўконларда ўзбек ёзувчиларининг асарлари йўқ. Сума шаҳрига бориб у ердан ҳам тополмайди. У ерда менга, бизга ўзбек ёзувчиларининг асарларини юборишмайди, дейишди...»

Истеъфодаги авиация генерал-майори Я. И. Драйчук рафикаси билан Биргаликда ўзи туғилиб ўсган Могилёв областининг Ржев шаҳри яқинидаги «Советская Белоруссия» колхозида кутубхона ташкил этган. Драйчуклар ўзлари кутубхона қуриб, унга 20 йил мобайнида 23 минг сўмлик китоб совага қилганлар.

«Бизнинг китобхонларимиз,— дейди Яков Иванович мактубида,— шонли ўзбек халқининг ҳаётига бағишланган асарларни катта қизиқиш билан ўқийдилар. Лекин Ржевга улар жуда кам келади. Ф. Фулом, Ш. Рашидов китобларидан ташқари, биз бу ерда ҳеч нарса кўрмедик. Балки Ўзбекистон Ёзувчилар союзи билан бу масалада йўлбаш кўрарсизлар.»

Красноярск ўлкаси, Енисей районидagi Фомка қишлоғида яшовчи Е. П. Иванова эса бундай деб ёзади:

«Мен ўзбек китобларини йигирма йилдан бери кўрмайман...»

Шу мазмундаги хатларни Калинин области, Қорақалпоғистон АССР, Приморье ўлкаси, Львов, Рязань, Бугулла, Ереван шаҳарлари ва мамлакатимизнинг бошқа жойларида яшовчи китобхонлардан ҳам олдим. Ачинарлиси шундаки, ҳатто Тошкентнинг шундай биқинидаги Қозоғистоннинг Келес шаҳарчасига ўтсангиз ҳам ўзбек ёзувчиларининг китобларини тополмайсиз. Республика Матбуот давлат комитети, Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси қардош республикалар билан китоб алмашишни тубдан яхшилашлари керак. Негаки, бу фақат савдо масаласи эмас, мафкура масаласи ҳамдир.

— **Республикамизда китоб савдосини яхшилаш борасида яна қандай таклиф ва истақларингиз бор!**

— Республикаимизда букинистика — камёб китоблар савдоси ҳам ёмон аҳволда. Камёб китоблар дўконларида деярли ҳеч нарса йўқ. 10—15 йил аввал бу муаммо эмас эди. Эндиликда муаммо бўлиб қолди. Москвада ҳамма шароитларга эга бўлган 13 камёб китоблар дўкони бор. Бизда эса ҳозирча бу орау, ҳолос. Ёзувчиларни, маданият ходимларини бу масала ҳам ташвишлантираётган. Мен инженер-техник зиллиларни-ку айтаман. Ахир, ҳозир бизда қанча техник зиёли бор...»

Республикамизда камёб китоблар дўконларини зарур миқдорда очиб пайти этган. Шундай дўконлар ҳамма катта-кичик шаҳар ва шаҳарчаларда бўлиши керак. Чунки бу — ҳаёт талаби!

Яна бир таклиф. Иттифоқимизнинг талаб шаҳарларида қонуний тарзда патталар берилиб, шахсий китоблар билан савдо қилинадиган маҳсус бозорчалар бор. Нега, бизда ҳам шундай китоб бозорчалари очиб мумкин эмас! Менимча, шахсий китоблар сотиладиган бозорлар очиб ниҳоятда зарур. Тегилли ташкилотлар бу муаммони пайсалга солмай ҳал этишлари керак.

берилаётган. Ҳозирги колхоз қишлоғининг талаби ўрганилмаётган. Қишлоққа бадий асарлар кам юборилмоқда. Ҳолбуки, бугунги қишлоқ кишининг диди, тушунчаси, савияси ҳар қачонгидан ошиб кетган.

Ниҳоят, шунинг ҳам айтиш керакки, газета-журнал редакциялари, радио-телевидение китоб тарғиботи билан етарли шуғулланмаётган...

«Ўзбекбирлашув» китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи Мария Ивановна Прохорова:

— Биз асосан қишлоқларга хизмат қиламиз. Лекин ўзбек тилидаги адабиётлар кам. Бадий асарлар, болалар китоблари, ҳунар мактабларига дарсликлар етишмайди. Қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар ҳақидаги китобларни кўпроқ чиқариш керак. Транспорт қатнови гоё тезлашган ҳозирги пайтда, айниқса, «Куча қондалари» китобчасини етарли нашр этиш лозим. Шу мазмундаги талабномаларни ой сайин олмақдасиз. Ахир, бу инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ-ку!..»

Сўнги йилларда қишлоқ мактабларини дарсликлар билан таъминлаш анча яхшиланди. Лекин «Ўқитувчи» нашриети 1970-71 ўқув йили бошланғичига 5 номдаги дарслик бўйича 350 919 нусха кам китоб берди. 6 номдаги дарслик, умуман, босилмади.

Истагимиз шунки, нашриётларимиз тематик планларида ваъда қилган китобларни ўз вақтида нашр этса. Биз эса бурчимизни бажариб, китобларни эгалари — китобхонларимизга етказсак...

Тошкент шаҳридаги китоб пассажининг соҳувчилари — Алфия Назипова ва Амина Зевадинова:

— Турли ёшдаги кишиларга муҳажир асарлар чиқарилишини истардим. Чунки одам ўз ёшига қараб ҳам китоб танлайди. Баъзан қариялар нелишиб китоб сўрашади. Кўпинча уларнинг нўнглидаги асарни топиб беришга қийналамиз. Классикларнинг асарлари, фантастика, олий ўқув юрталари дарсликлар, турли методик қўлланмалар, спорт адабиёти, «Ажойиб» нишилар ҳаёти», «Мактаб кутубхонаси», «Эрика» туризмидаги китобларга ёшлар жуда муҳтож. Китоблар агар қамиша мазмунга мос кўркам безанлар билан нашр қилинса янада соз бўлар эди...»

Хоразмлин ёзувчи ва шоир Раҳим Бекниёз китоб савдосининг йил сайин яхшиланиб бораётганлигини таъкидлаб, бу соҳадаги камчиликларга тўхталади ва бир қанча мулоҳазаларини ўртага ташлайди:

— Бу соҳадаги камчиликлар нималардан иборат? Менимча, Ўзбек тилидаги оригинал бадий асарлар тур жиҳатидан, хусусан, тираж жиҳатидан, кўпроқ қишлоқларда, Масалан, Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт ва санъат нашриётининг 1971 йилда босилмаган китоблар рўйхатини кўздан кечиришимиз керак. Атиги беш-олта оригинал проза асарларининггина оммавий тиражда, кўпчилик оригинал проза асарларини эса минимум тираж — 15 минг нусхада чоп этиш белгиланган. Шеърий асарлар бундан ҳам кам — 3-10 минг нусхада нашр қилинган экан. Ахир, бундан 10-20 йил аввал, ҳатто урушдан олдинги йилларда ҳам бадий проза, шеърин асарлар ана шундай тиражларда нашр қилинган эди-ку!

Масалан, 3-5 минг нусхада чиқарилган шеърлар тўпламининг тарқалишини кўз олдимизга келтирайлик: ахир, у республикамиздаги шаҳар, қишлоқ кутубхоналари, ўқишхоналарига биттадан тансим қилганда ҳам етмайди-ку! Шу ваздан кам нусхада чиққан шеър тўпламлари, проза асарлари, таҳминан, ўндан бир китобхон қўлига ёки кутубхонагагина етиб бормоқда, ҳолос. Бу аҳвол нашриётларнинг молиявий кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган бўлса, эҳтимол.

Мен Хоразмдаги аҳвол юзасидан фикр юритдим.

Кўриниб турибдики, жуда кўп ўртоқлар китобхонларнинг талаб-эҳтиёжларини қинакам илмий асосда ўрганиш масаласига алоҳида эрг уеришмоқда. Дарҳақиқат, китобга бўлган эҳтиёжни аниқ билмай туриб, китоб савдосини замонамиз талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш қийин.

Мадааний ҳаётимиздаги эътиборга молик ҳодисалардан бири колхоз-совхозлар тарихининг ўрганилаётганлиғидир. Ҳозиргача «Колхоз-совхозлар тарихи»нинг икки жилди нашрдда чиқди. У з-ўзидан аёнки, бу «Тарих» республикамизнинг ҳар бир совхоз ва колхоз кутубхонасида бўлиши маъбул. Лекин асар бор-йўғи 5 минг нусхада чоп этилган. Ҳолбуки, ҳар бир область 25 минг нусхадан сўраётган экан.

Сирдарё Давлат педагогика институтининг ректори Худойберди Дониёров ҳам эҳтиёжнинг аниқ белгиланмаслигини китоб савдосидаги энг асосий камчиликлардан, деб ҳисоблайди ва кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи», Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асари, ёш қаламкашлардан Маъруф Жалил, Ойдин Ҳониева, Ҳалима Худойбердиеваларнинг тўпламлари мисолида кўп китобларнинг талаб-эҳтиёжларга нисбатан ниҳоятда кам нусхада нашр қилинаётганлигини кўрсатади.


Уртоқ Дониёров, бунинг асосий сабаби — сўнги вақтларда китоб тиражининг асосан китоб савдоси ходимлари томонидан белгиланишида, деб ҳисоблайди. У ёзади: «Китоб»

(Охири 18-бетда.)



Уячи районидagi китоб дўкони китобхонларнинг севимли масканига айланиб қолган.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Яйра САЪДУЛЛАЕВА,
«Гулхан» журнаlining редактори

МЕҲМОНИМИЗ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ САЛОМ ЙЎЛЛАЙДИ

камиз тарихини яратишда иштирок этган кишилар билан таништириш нияти пайдо бўлди. Бу ниятимизни икки йўл билан рўйбга чиқардик. «Булар ҳақида нималарни биласиз?» деган савол остида Султонхўжа Қосимхўжаев, Нурхон Йўлдошева, Маннон Уйғур, Хадича Сулаймонова ва бошқа сиймоларнинг суратларини бердик. Жавоб кутдик. Бу катта имобий натижа келтирди. «Булардан ўрнак олинг!» рубрикаси билан Йўлдош ота Охунбобоев каби атоқли кишиларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилдик.

Фарғоналик ўқувчи М. Сирожиддиновнинг редакцияга йўллаган хатида шундай сатрлар бор эди: «Хурматли «Гулхан»чилар! Математикани жуда севаман. Айниқса, бу фанга асос солган олимларнинг ҳаётини, хизматларини билгим келади». Шу хат буюн ўзбек олимлари ҳақида фикр

Салом, азиз «Гулистон!» Бугун муборақ хонадонингизга фарзандларингиз — «Гулхан»чилар меҳмон бўлиб келишди. Рапорти-мизни қабул қилинг.

Биз бахтимиз тўқинлигидан, шод-хуррам ўқиймиз, ўрганамиз, яйраймиз. Бу ҳаммаси буюк давримиз шарофати, партиямиз шарофати!

Очиғини айтсак, биз ҳам тетапоаяликдан аллақачон чиқиб кетганмиз. Қалбимиз пионеру, ўзимиз йигирма қишу, йигирма ёзининг гувоҳи. 1952 йилнинг январида туғилганмиз. Ушанда «Пионер» деб аталар эдик. Сонимиз ҳам атиги 15 минг бўлган. Йиллар ўтган сари болаларга айтадиган гапими кўпаяверди. Бизга янги-янги асарлар келиб турди. Меҳриғиёли Гафур Гулом, Ойбек боболаримиз, шеър ва дostonлари тонг навсидек ёқимли. Зулфия опа, Миртемир ака...

1957 йилдан бошлаб «Гулхан»чилар номини олдик. Бизни кўллаган одамлар гулхандай аланга олишимизни, қалбимиз сурурли, интилувчан бўлишини жуда-жуда исташарди.

1919 йилда Самарқандда икки ҳафтада бир чиқадиган «Болалар йўлдоши» номи адабий-илмий журнал нашр қилинган. Тошкентда 1921 йилдан Маориф халқ комиссарлигининг нашри «Болалар дунёси» чоп этилган. Ўз номини кейин «Шарқ чечаги» деб ўзгартирган бу журнал ойда бир марта чиқиб, ўқувчиларига илм-фанни тартиб қилган. 1931—1932 йилларда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитети қoшидаги Коммунистик болалар бюроси органи «Колхозчи болалар» журнали нашр этилди. Шулар ҳозирги «Гулхан»имизнинг ака-опалари эмасмикан!

«Гулхан» неъматларидан бир неча авлод баҳраманд бўлди. Катта авлод ҳам журналини унча-мунча арақлаб туради. Эрта индин етмишга тўлаё деб турган тошкентлик Иброҳим ота бизга шундай хат биттидилар:

«Ассалому алайкум, соҳиби қалам болаларим. Набираларингиз қаторинда каминалару ҳам журналингизни андак арақлаб турурман ва чунон хурсанд бўлурман. Инқи-

юретишимизга туртки бўлди. «Математика»—ақл гимнастикаси» клубини очдик. Унинг иши чакки бўлмади, чоғи. Клубнинг илк машғулоти VIII асрнинг гениал математиги, алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийга бағишланди. Навбати билан машҳур сиймолар ҳақида саҳифалар бериб борилди: Абу Райхон Беруний, Умар Хайём, Улугбек, Қори Ниёзий...

Кўзингиз тушган бўлса, «Илк марта» деган янги рубрика остида атоқли адилларимиз ва санъат арбобларининг ҳеч қаярда эълон қилинмаган фотосуратларини эълон қилмоқдамиз.

«Бинафша»ни кўрсангиз, болалар ижоди экан деб; «Сен чизавтганингда»ни кўрсангиз, расм чизиш иштиғида ёнганларга сабоқ берилаётган экан, деб тушунаверинг. «Жониворлар дунёсида» маймуналар, аралар, бўрлар, дельфинлар ҳақида ҳикоя қилинибди экан, деяверинг.

Ишқилиб, «Гулхан» Сизнинг қаторингизда туриб, болаларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиямиз XXIV сьезди қўйган вазифаларни бажаришга ҳисса қўшади.



ТОҒ ЭҶНИСИ — бир санраб, ўзим усган тоққа бориб тушсамми!

Азиз журналхон! Сизни 30-31-саҳифаларга — Тошкент ҳайвонот боғига сайрга таклиф этамиз.

лоб берган тонгнинг қизил шуъласи доим юзингизни ёритиб тургай.

Фарзандларим қаторинда, менга ҳам «Тиниб-тинчимас ва Зийраквойнинг саргузаштлари» жуда ёқади. Яна ҳар хил қизиқ-қизиқ шингил-шалоқ гапларингиздан хузур қилурман. Кўпроқ қизиқ хабарлар берсангиз. Невара-чевараларимизга ҳам ўқитиб, шод бўлур эдик.»

Тиражимизнинг йиллар оша ўса бориб, ярим миллионга яқинлашай деганида болаларимизнинг ҳам ҳиссалари борлигидан севиниб қўйдик.

Биз ҳаммаша журналхонларимизнинг истак-орзуларини амалга оширишга интилиб келамиз. Масалан, ўқувчиларимиз ўртасида «Яшашдан мақсад нима?» деб савол ташладик. Тўғрироғи, журналхонларнинг ўзлари шундай савол бериб, ўзлари жавоб қайтаришди. Бунда жуда кўп қизиқ, мароқли фикрлар туғилди.

Редакцияда журналхонларни республи-

Айтмоқчи, 1972 йилнинг 19 майида биз Пионер ташкилотининг ярим асрлик тўйини нишонлаймиз. Республикамиз пионерлари «Доим тайёр!» маршида фаол қатнашиб, тўйга катта соғва тайёрлаяптилар.

Журналимизда гоҳо-гоҳо таниқли адилларимизнинг имзолари кўришиб қолади. Агар билганингизда эди, шу тансиқ имзоларнинг саҳифаларимизда қанчалик кўп кўришини истаганимизни, агар билганингизда эди, ўқувчиларимиз Миртемир ва Уйғун, Саид Аҳмад ва Мирмуҳсин... номларини ўқишга қанчалик муштоқ эканликларини!

Болалар адабиётининг ўз тарихи—биноси бор. Агар атоқли адилларимиз унга ҳеч бўлмага яна биттадан гишт қўйсалар борми, эҳе, у қаддини ҳар қачонгидан ҳам юксак тиклаган бўлар эди. Ишқилиб, бахтимизга ҳаммалари соғ-саломат бўлсин, «Гулистон» саҳифалари хушбўй гулларга тўлсин, «Гулхан» эса ловулайверсин!

Шоди САТТОР

ЛАЙЛАК

— Айт-чи, дўстим,
лайлакжон,
Нега узун оёсан!
Гоҳ кўриниб, гоҳида
Нега биздан йироқсан!

— Узун оёқлигимдан
Жуда тез еламан-да.
Ез фаслини жаҳонга
Тақсимлаб келаман-да!



Ҳамидулла ЕҚУБОВ

ЖИГАРИМ

Айт, сенга қорақалпоқ
Ким бўлар! — десанг, ўртоқ,
Амудек жўшиб кўксим
Жавоб бераман, дўстим:
Қорақалпоқ жигарим,
Бахти порлоқ жигарим.
Мен оғаман, иним у,
Меҳнатда Бетиним у,
Тал-тақир ўриқ ерни,
Шўрхокка тўлиқ ерни
Улкан шолизор этган,
Мевазор, гулзор этган
Қорақалпоқ жигарим,
Бахти порлоқ жигарим.
Қақроқ чўлга сув элтган,
Нукусни сулув этган,
Мард балиқчи Мўйноқда,
Моҳир чўпон ўтлоқда,
Чин пахтакор, атоқли,
Донишманд халқ, ардоқли —

Қорақалпоқ жигарим,
Бахти порлоқ жигарим.

АКТЁР УКАМ

Асад укамни холам
Суноб дер: «Актёр болам».
Бу сўз ростми, кўрингиз,
Баҳо беринг ўзингиз,
Саҳнада юрган каби,
Роль ўйнаб турган каби
Укам ҳовли тўрида,
Нўхат полон ролида.
Жажжи телпак бошида
Дулдул тойчоқ қошида,
Қўлида қилич, қалқон,
Ёвни этгудек талқон.
Кичкина бўйи-баста,
Кучи танга сиғмасди.
— Актёрсан! — деб тенгдошлар
Табриклаб қарсақ бошлар.
Асад укам ёш ҳали,
Актёр бўлган маҳали,
Кўрасиз кенг саҳнада,
Завқ қайнатар ҳаммада.

Дўстжон МАТЖОН

ГУЛЧАМБАР

Сапунгора — ботирлик,
Қаҳрамонлик кўргони!
Матонатли юртимнинг
Бўлди темир қалқони.

Акаларим бу ерда
Фашист билан олишган.
Ажалдан ҳам ҳайиқмай,
Жон бериб, жон олишган.

Биз, артечки ҳамюртлар:
Қамбар, Аҳмад, Саодат
Бу мангулик кальсина
Бориб қилдик зиёрат.

Сукат сақлаб бош эгдик
Учимиз ҳам баравар.
Ёш авлодининг номидан
Қўйиб қайтдик гулчамбар.

Баҳодир ЭРМАТОВ

«Дангаса»

[Ҳазил]

— Уканг қалай, Алишер.
Чопқиллаб юрадимми!
Баззи ишларда сенга
Қарашиб турадимми!
— Бе, қаяқда, у менинг
Гапларимга кирмайди.
Гоҳ ухлайди, гоҳ йўғлар.
Ҳаридан ҳеч турмайди.
— Ие, бу қандоқ бўлди,
Кучи борми билмакда!
— Қизиқимсан, ўртоқжон,
Укам ҳали йўрғада.



Яйловда.

Самарқанд область, Нурота рай-
онидаги 28 мактабнинг 5-6-синф
ўқувчиси Фаридз Илҳомова чизган.

Ҳожиақбар ШАЙХОВ

„ТАЖРИБА“

Воқеа бундай юз берди. Саиданинг беш
яшар ўқаси Омон ёмғирдан кейин ҳовли-
да юрган бақалардан бирини деворда осил-
либ турган эски антенна симига осиб қўй-
ди. Саида мактабдан қайтиб, ўқасининг
ишини кўргач, уни койиди. Кейин симни
тортиб, бақанг ерга туширди. Шу пайт...
бақанинг оёғи ерга тегиши билан унга
«жон кириб», орқа оёқлари ирғишлай бош-
лади. Шундан кейин Саида бошқа ўлик

бақалар устидан ҳам «тажриба» қилиб кўр-
ди. Мактабга борганда физика ўқитувчиси
Салим акага бўлган воқеани айтди.

Салим ака аввал ҳузур қилиб кулди.
Кейин жиддий:

— Бу «тажриба»ни ўтказавганингда
тунука том хўлмиди, қуруқмиди? — деб
сўради.

— Хўл эди, — деди Саида.

— Тушунарли, — Салим ака бир нафас
ўйлашиб турди-да, воқеани изоҳлашга
киришди: — Биласанми, одатда хўл тунука
томларда «адашган токлар» бўлади. Бу
ток тунукага симёғочлардан уйга туташган
электр симлари, хўл изоляторлар орқали
ўтади. Уларнинг кишига сезиларли дара-
жада таъсир қилиши қийин. Улик бақага
эса антенна сими орқали худди ана шу
«адашган токлар» таъсир қилган. Бақанинг
оёғи ерга тегиши билан унинг баданидан
ўтиб, гўё унга «жон» киритган...

Саида физика ўқитувчисининг гаплари-
дан кўнгли бир оз хомуш бўлди-ю, лекин
Салим акадан бундан уч юз йилча муқад-
дам атоқли профессор Гальвани ҳам ана
шундай тажриба ўтказганини билиб олгач,
ўз ишининг буюқ олим тажрибасига ўх-
шашлигидан суюниб кетди.

Наримон ОРИФЖОНОВ

Қарши чўли

Сен мисли чипта ямоқ,
Улкам харитасида.
Ҳосилинг тикан, янтоқ
Қақроқ эдинг аслида;
Комсомол ака-опам,
Белга боғлаб камарин
Бағринга бошлар илдам,
Оби-ҳаёт каналин,
Қарши чўли,
Яхши чўл,
Энди сенга
Ойдин йўл!
Муборак, Толимаржон
Сингари етти шаҳринг
Ярқироқ юлдузсимон
Бўлиб қолди-ку фаҳринг,
Фарғонадек гўзал боғ,
Хазина бўлажаксан,
Элимга очиб қучоқ,
Бир умр кулажаксан.
Қарши чўли,
Яхши чўл,
Бахтинг кулди,
Бўстон бўл!

савдосининг янада яхшиланиши учун асарлар тиражи фақат китоб савдоси ходимлари иштирокида эмас, балки мутахассислар, нашриётчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳал қилиниши керак. Лозим бўлганда авторнинг фикрини ҳам эътиборга олинса ёмон бўлмас эди».

Ўзбекистон КП Наманган область комитетининг инструктори О. Қамбаров қишлоқ жойларида китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконлардан ташқари, барча савдо тармоқларида китоб бўлимлари ташкил этишни таклиф қилади. Сўнгра, аҳолининг миллий составига алоҳида эътибор беришга чاقиради. У ёзда: «Наманган область китобхоналарининг 77,7 проценти маҳаллий миллат вакилларида иборат. Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси ўзбек тилидаги адабиётларга бўлган талабимизни қондиролмапти. Утган йилнинг 9 ойи ҳисобига ўзбек тилида олимшиз лозим бўлган 324,7 миң сўмлик нашр ўрнига 71,8 миң сўмлик китоб олдик. Бу умумий рақамга нисбатан 22,1 проценти ташкил этади, ҳолос.

Қишлоқ жойларида сиёсий мавзулардаги асарларни катта томлар шаклида эмас, кўпроқ алоҳида алоҳида, юпқа муқовали, оммавий қилиб, арзон нарх билан нашр этиб тарқатиш мумкин бўлмасмикин? Бу, қишлоқ пропагандистлари ва китобхоналарнинг мазкур нашрлардан фойдаланиши учун катта қулайлик яратар эди. Жумладан, В. И. Лениннинг ер, давлат, революция, ишчи-деҳқонлар кооперацияси, ахлоққа оид ва бошқа айрим асарларини ўзбек тилида ўқимоқчи бўлган одам албатта кутубхоналарга бориб, «Асарлардан» қидириши керак. Тўғри, мазкур мақолалар айрим-айрим ҳам нашр этилган. Ленин жуда ҳам, Аскарияти, қалин муқовада, қиммат, пропагандистнинг ёнида олиб юриши ноқулай».

Бир қанча қишлоқларнинг жавобларида тилга олинган яна бир муҳим гап кўп жилдликлар масаласидир. Баъзи ўртоқлар бу муаммага мулоҳаза билан ёндашсалар, баъзилари мутлақо салбий муносабатда бўладилар. Масалан, ўртоқ Баҳри Ғуломова очиб айтмас-да, қайта нашр этилаётган китобларнинг дўконларда ётиб қолаётганини хусусида суз юритганда унинг кўп жилдликларни назарда тутганганини пайқаш қийин эмас. Шоир Раҳим Бениёз ҳам «бадий адабиёт бозори насос» деган ноутўғри тушунча» ҳақида тўхтаб, атоқли ёзувчиларнинг асарлари (кўп жилдликлари деб ўйлангангиз янглишмайсиз!) турли муносабатлар билан «танрор-танрор нашр қилинавериб, китоб дўконларини босиб ётмоқда», дейди.

Бунга жавобан шуни айтиш керакини, республикамизда фақат оммавий кутубхоналарнинг ўзи 5712 та экан. Бу жами кутубхоналарнинг яридан кўпрогини ташкил этади. Бундан ташқари, республикамизда яна олий ўқув юрталари, техникум ва турли билим юрталари, мактаблар, ҳар хил махсус кутубхоналар ҳам бор. Шундан 6 миң 386 кутубхона Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасидан китоб олади. Демак, фақат Ўзкитобдан китоб харид қилувчи кутубхоналаргина ҳар авторнинг икки комплетдан кўп жилдлик асарларини сотиб олган тақдирда ҳам 12 миң 772 комплет китоб тарқатилади. Энди, кўп жилдликларнинг неча нусхадан босилаётганига диққат қилайлик. Мана, Ғафур Ғулом, Обден, Мансуд Шайхзода, Миртемир «Асарлар»нинг дастлабки жилдлари, Тургенева танланган асарларининг III жилди. Ҳаммаси 10 миң нусхадан чиқарилган, ҳолос. Бошқа атоқли адабларнинг асарлари ҳам шу тираж атрофида. Бу умумий эҳтибга нисбатан гўлт оз. Демак, кўп жилдликларни кўп нусхаларда дадил чоп этиш керак. Халқимизнинг маданий савияси нўтарилиб, эстетик диди тобора қамол топиб бораётган, китобхоналар сонини йил сайин ошиб бораётган ҳазирги даврда атоқли сўз санъаткорларимизнинг «Асарлар»ни талаблар даражасида нашр қилмоқ керак. (Китобхоналар сонининг тез

суръатлар билан усмо бораётганлигини кўрсатиш учун биргина мисол келтириш kifойа. Масалан, 1966 йилда Ўзбекистондаги кутубхоналарнинг жами 1 миллион 630 миң китобхона бўлган эса 1970 йилда фақат республикамиз Маданият министрлигига қарашли 3546 кутубхонанинг китобхоналар сони 2 миллион 203 миң 500 кишига етди.) Тони, олий ўқув юрталари, техникум ва мактаблар, колхоз-совхоз ва бошқа ташкилот кутубхоналарининг ҳар бирида, энг камида 2—3 комплетдан; шунингден, шахсий кутубхоналарининг ҳар бирида 1 комплетдан ёзувчиларимизнинг кўп жилдликлари бўлишига эришайлик! Республика Матбуот давлат комитети, нашриётлариниз ва китоб савдоси ташкилотлари бу масалани жиддий ўйлаб кўриб, ижобий ҳал қилишлари керак.

Шу ўринда ўзбек тилида чиқаётган кўп жилдлик нашрларга обун ташкил этилмаганлигини афсус билан қайд қилишга мажбурмиз. Бу ҳақда пойтахтимиздаги ягона обун нашрлар дўконининг директори Флора Иксанова га гапирганимизда, у киши: «Алишер Навоий ўн беш жилдликга обун яхши ўтди. Ўзбек ёзувчиларининг ҳам кўп жилдликларига обун қабул этилса, яхши бўлар эди. Ленин на дўконимиз, на китобхонамиз талаблар даражасида эмаслигини, яъни ниҳоятда тор эканлигини айтишни керак. Шу сабабли биз чанана китоб савдоси билан ҳам шуғуллана олмаймиз», деди.

Кўпчиликнинг истак ва талаби шуки, ўзбек ёзувчиларининг «Асарлар»ига обун ташкил этилиши керак ва ниҳоятда зарур! Республика «Союзпечать» бошқармаси чанана савдо бўлимининг бошлиғи Абдуфаттоҳ Набиҳужаев ҳам журналистик анкетаси саволларига ёзиб юборган жавобларида диққатга сазовор мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

— «Союзпечать» киоскларига ҳам китоблар сотилади,— дейди А. Набиҳужаев.— Аммо бизларга ўзбек тилидаги роман-қиссалар, достонлар кам берилади. Асосан, брошюралар билан савдо қиламиз. Ўзкитоб «Союзпечать»га йиринк асарлар ҳам бериши керак...

Фирримча, ижтимоий-сиёсий ва бадий китоблар тарқатишда ҳали ташкилий-реклама ишлари етарли эмас. Китоб савдоси ташкилотларининг халқ билан алоқаси йўқ ҳисобида: китобхона конференциялари онда-сонда ўтказилади; талаб-эҳтиёжлар чуқур ўрганилмайди, китобларни тарғиб қилишда радио-телевизиендан кўпроқ фойдаланилмайди.

Китобларни қишлоқ жойларда тарқатиш иши ёмон аҳволда. Янги китоблар қишлоққа жуда кам берилади. Фирримча, қишлоқда китоб тарқатиш ишига пенсионерларни ҳам жалб этиш лозим. Огахонларимиз бажонидил роҳи бўлишди.

«Союзпечать» савдо оборотининг 5 проценти миқдорига китоб сотади. Аммо Ўзкитоб ўз савдо оборотининг чорак проценти миқдорига ҳам газета-журнал сотмайди. Бундай қилиш нотўғри. Газета китобни, китоб газетани етаклайди. Агар барча китоб дўконлари ва киоскларига ҳам газета-журналлар сотилса халққа фойдали бўлар эди.

Тошкентдаги 1-ўрта мактаб яқинидаги Муқимий маҳалласида янги китоб магазини очилган. Дўнонда Тулаган Махсумов ишлайди. У китобдан ташқари, газета-журналлар ҳам сотаёткири, аҳоли бу ташаббусдан жуда мамнун. Пойтахтимиздаги «Союзпечать» киоскларига ишлаётган Ш. Маназарова, М. Соиповалар эса кўп китоб сотиб китобхоналар хурматини қозонишган. Ўзкитоб ходимлари бундай хайрли ишни қўлаб-қуватлаш ўрнига баъзи ҳолларда тўсинилик қиладилар. Масалан, Тошкентдаги Асакинская бетида Асадullo Оңилов авваллари китоб сотиш билан бирга газета-журналлар ҳам сотарди. Ҳозир эса Тошкент область китоб савдоси бирлашмаси бунга руҳсат эмай қўйди.

Яна бир мулоҳаза. Баъзи район марказларига борганда ёнма-ён ҳам китоб, ҳам «Союзпечать» киоскиси жойлашганичи кўрамыз. Ахир, уларни бошқа-бошқа ўрини-

ларга жойлаштирилиб, ҳам китоб, ҳам газета-журналлар соттирилиб яхши бўлмасмики? Бундан дэвлат икни тарафлама фойда кўрган бўлар эди.

Биз бу ўринда Абдуфаттоҳ Набиҳужаевнинг бир фирмига диққатни қаратмоқчимиз. Гап китоб тарқатишга пенсионерларни жалб этиш ҳақида бораёткири. Дарҳақиқат, бу фирм КППС XXIV съезди минбаридан ҳам айтилди. «Пенсионерлар, уй бекалари, инвалидлар,— дейилади ўртоқ Л. И. Бренневнинг ҳисобот докладиди,— 8 ўйда, яна та тартибда ёки кооперативларга уюшган ҳолда— ўзи ва жамият учун фойда келтириб, қўлидан келганча маъий хизмат соҳасида ишлаши учун шароит яратиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак». КППС XXIV съездининг бу кўрсатмаси китоб савдосини замонамиз талаблари даражасига кўтаришда гўят катта аҳамиятга эгадир.

Яна шуни ҳам айтиш керакини, китобни дўкондан ташқарида тарқатишда мактаб ва колхоз-совхоз, завод-фабрика кутубхоначилари, номсолом ёшлар ташаббускорлини қилсалар, жуда соэ бўлар эди.

Бу дунё— орзули, умидли дунё. Чинкаким китоб мухлислари, ўзингизга маълум, келажакка улкан умидлар билан юзбеки оптимист, ҳатто хийла халпеластар одамлар бўладилар. Улар, энг аввало, ўз маънавий дунёларини янада бойитишга китобларнинг ҳар қачонгидан ҳам кўп нашр этилишига, китоб савдосининг намунали йўлга қўйилишига қаттиқ ишонадилар. Мана, география фанлари доктори Ҳамидулла Ҳасанов нималарни орзу қилади:

— Гўдакларни ва ўқувчиларни янги китобларга қизиқтиришга ҳеч эътибор берилмайди. Қани энди, «Гўдаклар шанбалиғи» ўтказилсаю, ота-оналар болалари билан дўконга келганда, хушовоз китобфуруш бир-икки кичик ҳикоя, достончанни ўқиб берса...

Китоб савдоси билан бир вақтда жавон савдосини ҳам уюштирмоқ керак. Чунки кўпчиликнинг йуларига китоблар тахланиб ётибди— жавон етишайди.

Икхам ва арзон жавонларни китоб дўконларнинг ўзида сотилса, жуда яхши бўлар эди...

Тошкент Давлат университетининг студенти Сулаймон Раҳмонов пойтахтимизда ва республикамизнинг бошқа шаҳар-қишлоқларида Лутфий, Навоий, Бобир, Бедил, Машраб, Оғахий каби буниқ шоирлариники номлари билан аталган, шунингден, «Шеъринат ошённи», «Сўз мулки», «Шашмақом», «Ғунча» сингари чиройли исмлар беришган кўнча, замонавий китоб дўконлари очилишини орзу қилади. Бошқа бир китобхона эса пойтахтимиз дўконлари сотилаётган, турли сабабларга кўра тарқалмай қолган керакли китоблар ҳақида маълумот берувчи бюро ташкил этилишини истади. Хуллас, китоб мухлисларининг орзулари инсоннинг қизиқишлари наби хилма хил ва кўпни, қуларнинг барчасини биргина мақолада баён қилишнинг имкони йўқ.

Хурматли журналхон! Биз юқорида республикамизда китоб савдоси муаммоларига доир бир қанча мулоҳазаларимизни, китобхоналарнинг фирқаларини эътиборингизга ҳавола этидим. Шубҳасиз, бу мақолада китоб савдосининг барча проблемалари хусусида батафсил фикр юритиш имкони йўқ эди. Шу сабабдан, бу соҳага оид баъзи муоммаларини тилга олиб, республикамиздаги мавжуд аҳволни таҳлил этишга интилдик. Ҳали китоб савдоси соҳасида амалга оширилиши керак бўлган ишлар шу. Бинобарин, республикамизда китоб савдосини намунали йўлга қўйишда бутун жамоатчилик фаол иштирок этиши лозим.

Бу ҳақдаги фикрларингизга мунтазиримиз!

Махдум САЪДИЙ,
«Гулистон» махсус мухбири.

Ҳозирги даврда китоб ўқимайдиган кишини учратиб амри маҳол. Китобхонларимиз айниқса илмий ва бадиий асарларга чанқоқ. Лекин, китобхонлар кўлига тушган ёки магазинда учраган ҳар қандай китобнинг мафтунлиги эмас, у гоёвий-бадиий юксак асарлариникина ўқишни истайди. Қорақалпоғистон автоном республикасининг районларида бўлсангиз, қорақалпоқ ёзувчиларининг яхши ва янги асарларини топиш қийинлигини шу билан ҳам тушунтириш мумкин. Шундай мисолни келтирмақчимиз: қорақалпоқ китобхонлари учун ёзувчиларимизнинг асарлари 5000 нусхадан ортиқ босиб чиқарилмас эди. Сўнги йилларда истеъдодли ёзувчи Тўлабберган Қайпбергановнинг «Маман бий арсониси» романи 10000 нусхада нашр этилди. Шу кунларда бу китобни магазинлардан топиш қийин.

Китоб савдоси билан шуғулланувчи ходимлардан бирининг наشريёт масъул ходимига шундай деяётганининг гувоҳи бўлдим:

— Катта прозаик асарлар беринг, ҳисса билан романларни хоҳлаган нусхада беринг. Лекин кичик шеърӣ тўпламларингиз зарур эмас.

Китоб савдоси ходимини мутлақо қораламоқчи эмасман, чунки у ўз тушунчаси ва манфати нуқтаи назаридан бу гапни айт-япти, фақат ишнинг моддий-мо-

диявий томонини ўйлапти. Лекин асарларга бундай кишиларнинг дидига мослаб тираж кўйиш мутлақо хато. Чунки, ҳаёт ранг-баранглиги билан гўзал бўлгани каби, адабиёт ҳам жанрларга бой эканлиги билан гўзалдир. Китоб магазинларидан яхши шеърӣ тўпламларини топиш қийин. «Қорақалпоғистон» наشريёт ўтган йили Т. Матмуродов, К. Раҳмонов, У. Хўжаназаров ва бошқа бир неча ёшларнинг дастлабки шеърӣ тўпламларини нашр этган эди. Шу кунларда уларни топиш мушкул. Лекин гоёвий-бадиий заиф прозаик асарларнинг 10—15 йилдан буён китоб магазинлари жавонларидан ётганини кўриб қоламиз.

Уйлаймизки, наشريёт ходимла-

ри босиб чиқарётган махсулотларининг сифатини китоб савдоси ходимларига нисбатан ўзлари яхши билишади (асарлар муқоқамалардан ўтади, тақризлар олин-нади ва ҳоказо), шунинг учун асарларнинг тиражини ҳам наشريёт белгиллагани мақсадга мувофиқдир. Китоб савдоси ходимлари асарларнинг китобхонлар томонидан қандай қабул қилинаётганини аниқлаб, наشريёт ходимларининг қанчалик тўғри ишлаётганини билиб олишига ёрдамла-шишлари, китобхонларга кўплаб зарур асарларни қайта нашр этишни ташкил қилишга кўмакла-шишлари керак.

Асарнинг бадиий-гоёвий юксак бўлиши, чиройли безатили-ши китоб савдосини яхшилашнинг

бош омилдир. Албатта, масъала-нинг ташкилий томонини ҳам ин-кор қилиб бўлмайди. Барча китоб сотувчилар яхши китобхонлар ҳам бўлишга қани эди, ўшанда улар ўзлари сотаётган асарлар ҳақида хабардорга тўғри маълумот ва мағлаҳатлар бера олар-дирлар.

Шоир ва ёзувчиларни китоб бозорларига тақлиф этиб туриш— синалган усулдир. Яхши безати-лган «Китоблар ошибёни», «Қардош халқлар адабиётлари мага-зини» ташкил этилса гоёй фойда-ли бўлар эди. Жумладан, Нукус шаҳрида Академия наشريётлари китобларини сотадиган махсус магазин ҳам жуда зарурдир.

Қамол ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари кандидати

БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ

МАЪРИФАТ ЭЛЧИСИ

Хурматли редакция!

Китоб ва китоб савдоси хусусида таркатган варақангиз «Гулистон» редакцияси социологик мулоҳазаларга ҳам эътибор бераётганлигининг далилидир. Бу, албатта, ижобий ҳол. Зотан, на турмуш ва маданият, на иқтисод ва сибаст, на фан ва санъат ҳозирги даврда социологик кузатишлариз, социологиянинг умумназарий қонунларини амалиётга татбиқ қилмасдан туриб тезкорлик билан ривож то-полмайди.

Бундан бир неча йил муқаддам Москвада Кўгирчоқ театрига билет олиш орасида эр-талаб касса олдиға бордик. Лекин ўша кунни бизга билет тегмади. Кейинги сафар эрталаб соат олтида етиб келиб, билет олишга муяссар бўлди. Ушанда, нон билан театрга эх-тиёжини қийслаб, ҳайратга тушгандим. Чунки фақат очарчилик даврида ёки кургоқчилик йилларидагина нон дўконлари олдида одамлар сахардан навбатда туришар эди. Худди шу муқоясани китобга ҳам татбиқ этиш мумкин. Ахир, яхши ёзувчи ва олимларимизнинг асарларини китоб дўконларидан ойнаб, гоҳо йиллаб қидирамиз-ку! Яхши китоблар хали магазинга тушмасданок қидир-қидир бошла-ниши шундан эмасми?

Буюк немис файласуфи Гегел асарларининг русча нашини (хали ўзбекчада бир томиги ҳам чиқарилмаган) роса икки ярим йил қиди-риб, кейин илтижо-муомалалар билан сотиб олганман. Файзулла Хўжаев асарлари бирин-чи жилдини роса уч ойдан бери қидириб то-полмайман. (У рус тилида жуда оз нусхада чиқарилибди. Бундай қимматли асарлар ўз-бекчада ҳам тезроқ чиқари-лса, соз бўларди.) Доғистон шоири Расул Ҳамзатов ва қирғиз

ёзувчиси Чингиз Айтматов асарларини китоб-хонлар севиб ўқишади. Ажойиб филолог олим Е. Э. Бертельс асарларини магазиндан қидирган одам бекорга овора бўлади. Аб-дулла Қодирӣ ва Ойбек асарлари ҳам доим талаб. Айни чоқда юзлаб китоблар дўконлар-да йиллар мобайнида чанг босиб ётади.

Хўш, нима қилиш керак! Назаримизда, ҳам-ма наشريётларимиз ҳузурда китобхонлар-нинг талаб, истак ва мулоҳазаларини тўплов-чи комиссия ташкил этиш лозим. Бу комис-сиялар билан республика газета-журнал ре-дакциялари ўртасида мунтазам алоқа ва ҳам-корлик ўрнатилиши керак. Мабуотимиз ор-ганларида ҳам китобхонларимизнинг нашр этилган китоблар ҳақидаги мулоҳаза-тавсия-ларини эркин мунозара йўли билан тўпловчи марказлар пайдо бўлса соз бўлар эди. Бун-нинг учун ҳар бир журнал ва газетада китоб-хонлар миқбери мунтазам олиб борилиши зарур. Шу йўл билан йил бўйи тўпланган та-лаб ва истаклар наشريётлар, китоб савдоси ташкилотларининг махсус комиссиялари томо-нидан ўрганилиб, нашр планлари тузишда, ки-тобларни неча нусхада чиқариш, қайси ки-тобларни қайси тиллардан таржима қилиш ва қайси китобларни қайта нашр этиш масаласи ҳал қилинганда, китоб нашр этиш ва китоб савдосидаги чалқашликларга бирмунча чек қўйилган бўлур эди. Китобхон мулоҳазалари-ни сўраб, китоблар охирида қилинган муро-жаатлар ҳозирча дуруст самара берганини билмаймиз.

Китоб китобхон учун чиқарилади. Биноба-рин, китобхоннинг ҳаққоний талаблари наشري-ёт ва китоб савдоси ташкилотлари учун қо-нун кучига эга бўлиши керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда на-фосатшунсликка, яъни эстетика ва эстетик тарбияга доир китоблар жуда оз чиқарила-ди. Бу соҳадан кейинги ярим аср мобайнида ўзбек тилида нашр этилган китоблар бармоқ билан санаридир. Ҳолбуки, марк்சча-ленинча эстетика ва эстетик тарбия назарияси ижти-моий-сиёсий адабиётга ҳам, бадиий адабиёт-га ҳам баббаравар тааллуқлидир. Ҳа, китоб савдосини яхшилаш учун китобхонларнинг эс-тетик маданиятини кўтариш зарур. Бунинг учун эстетик билимларни турли йўллар билан мунтазам равишда халқ орасига ёқиш ло-зим. Чунки эстетик диди паст китобхондан ду-руст мулоҳазалар кутиб бўлмайди.

Бу хил талаб ва истакларимизни ўрганган-да, яъни: «Китобхонларнинг муайян мулоҳа-залари ҳаққонийми ёки ҳаққоний эмасми?», деган саволга жавоб қидирганда, ана шу сав-олнинг ўзи социологик муаммо эканлигини ҳам эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ-дир.

Бу — шундай социологик муаммоки, уни ҳал этиш ҳозирги илмий-техника тараққиёти жарёвнида китоб ва унинг савдоси (китоб савдоси ҳам эндиликда илмий ташкил эти-лиши зарур!) қандай тарихий аҳамиятга молик эканлигини изоҳлаб беради. Зеро, китоб — маърифат элчиси! Усиз социалистик жамят-да фан ва техника иқтилобини тасаввур этиб бўлмайди. КПСС XXIV съездининг илмий-тех-ника тараққиёти ҳақидаги курсатмалари бу ҳа-қиқатнинг рад этиб бўлмайдиган далилидир.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати

— Мен ҳали муҳаббат нималигини тасаввур қилолмасдим.

У кунларни сен эсполмайсан, менга эса худди кечгина бўлиб ўтгандай. Ун еттига қадам қўйиб, буй етган чоғларим эди. Аажиб аз. Чорбоққа кучиб чиққан эдик. Бир куни катта йўлдан от чоптириб бир йигит келиб қолди. Мен унга отамнинг уйда йўқлигини айтдим «ҳой-ҳўй»лаб узуминни қўрибвердим.

— Овозинг мучна ширин, — деди тўсатдан ҳалиги йигит менга тикилиб.

— Боринг-э, — мен қўлимдаги таёқни унга ўқталдим. — Қани, жўнаб қолинг!

У муғомбирона кулиб турарди. Мен дағдаға қилдим таёғим қўлимдан тушиб кетди. Энди ўзимни койийман, унга таёқ кўтарган қўлларим узилиб тушмайдими! Унинг туташиб кетган тимқора қошлари, ўтдай чақнаб турган кўзлари сеникига ўхшарди, болам.

Шу йили тўйимиз бўлди. Гўё биздан бахтли одам йўқ эди жаҳонда. Бир парча еримизга дон сочиб, мол боқар эдик. Орзиқул ҳам етимлик, камлик билан ўсган йигит, «Тўқ куним — хуш куним» дегандай, оғзи қулоғида. Эл-юртда тинч-омонлик бўлса, бир парча ер, қулбамизга ўзимиз эғалик қилсак, кам бўлмаймиз, дер эди. Унинг ер ағдаришлари ҳали-ҳали кўз ўнгимда.

«Мўл ҳосил оламиз, ер бизни алдамайди, ризқимиз бут бўлади», деб қувонар эди. Бунча ширин сўз, бунчалар чиройли, очик, меҳрибон бўлмаганимда мени бунчалки куйдирмасдингиз?! Биринки кун тобим бўлмай қолса, шўрлик, атрофида гирдиқапа-лак бўларди. Сен у кунларни қаёқдан ҳам билардинг, болагинам. Унда ҳозирғидай, ҳамма нарса тўкин-сочин эмасди. Далаларда тўкилиб қолган машоқни битталаб териб олардик. Кун чиқмасдан хотин-халаж арава миниб, эркаклар пивда, эшакда бугдой ўримига қирға жунардик.

Меҳрибон Орзиқулим кейинги вақтларда қирға мени аравага чиқармай, эшакка мингизиб, ўзи ёнимда пивда борадиган бўлди. Ортиқча тихирлик қилсам, ҳазил бир гап айтарди-да, бақувват қўллари билан мени аравадан паства даст кўтариб олиб эшакка миндирарди. Ушанда қирға етгунча менга тикилиб, эрқалатиб боришлари! Шўрлик яқин орада бошимизга тушадиган воқеаларни сезганимкан, тўймаётгандек тикилар эди.

Бир куни мен тўлиқиб, ой-куним бир тутам бўлиб ўтирганимда эшикдан кириб келди. Менга аҳволини сездирмаслик учун тескари қараб ўтириб, чоригини ямай бошлади. Мен чидай олмадим.

— Нима бўлди сизга, бирор жойингиз оғрияптими!

У менга ғалати тикилди-да, оғир нафас олиб: «Уруш, уруш бошланибди, Хумор», деди. Мен бошимга қайноқ сув қуйилгандай ўтириб қолдим.

— Узингни тут, оғир бўл. У мени қўлтигимдан суяб уйга олиб кирди. Мен қайтиб тўшакдан туролмадим. Дард билан олишиб, кунни қандай кеч қилганимни билмайман. Аммо ташқаридаги шовқин-сурон ҳар кунгидан бошқача эди. Орзиқул кун буйи ёнимдан жилмади. Кечқурун уни қаёққадир чақириб кетишди. Мен ҳамон ўзим билан

МУҲАББАТ ЁҒДУСИ

ҲИКОЯ

ўзим бўлиб ётардим. Ярим кечада Орзиқул келди. Кўзлари қизарган, жуذا хафа қуринарди. Атрофимизда ўралашиб юрган хотин-халаж бизни холи қўйишди. Дард секинлашганда мени ҳорғин уйку элтар, дард кундан-кунга ўзимни қўярга жой тополмасдим. Ҳао гал бир оз ўзимга келганимда унинг шафқат, меҳр тўла кўзларини менга тикиб ўтирганини кўра, яна дард мени ўз исқанжасига оларди.

Оҳ, шу тун тоғли ҳаётимизнинг сўнги эканигини қайқдан билай! Орзиқулим илжин билан термиллишлари бежиз эмаслигини нега

менга айтмади, нега?! Эрталаб чиқиб кетаётиб юзини юзимга қўйиб узоқ турганда, неча бор дудуқланиб, шошиб: «Бардам бўл, бардам бўл, жоним, эсон-омон кутулиб оласан», деганида юрагим бир шув этувди-я. Агар ўшанда унинг қишлоқ йигитлари билан фронтга жўнаб кетаётганини билсам, ҳамма оғриқни ёнгиб, кузатиб чиқмасидим! Кўзи йўлда кетди бечоранинг.

Сен ўша кунни тугилдинг. Зорланиб-зорланиб, узоқ йилладинг. Мен қайдан билай, болагинам, бу дамда сени қаршилаб бошланаётган урушни лавнатлаб зор қар

шаганингни! Қайдан билай, илк бора ота дийдорини қўмсаб тугён кўтарганингни! Мен бунга фақат сени йўрқлаётган аёлнинг бош чайқаб шеригига: «Эси, сал олдинроқ тугилмайсанми, бўталоғим, отанг қўриб кетарди», деганидагина сезиб қолдим.

— Эна! Нима дедингиз, у кетдимки! Бутунлай кетдимки! — Менга ким бундай куч ато қилди, билмайман, ўрнимдан учиб туриб, эшикка отландим.

— Ҳой болам, майиб бўлиб қоласиз, ётинг! — кампирлар мени ўрнимга олиб бориб ётқи-зишди. Бу куч Орзиқулимга жоним туташлиги — муҳаббатим эканлиги ва гандираклаб, мадорсиз ташланган қадамлар, унинг орқасидан ташланган охири қадамларим эканлигини қайдан биллиман, тойлоғим.

Шу қўйи бир ой тўшак тортиб ётиб қолдим. Бу орада сен — бир парча этга қош-кўз пайдо бўлиб, мени овута бошлардинг. Бир куни сандал четида сени бағримга босиб ўтирганимда почтачи чол келиб қолди.

— Суюнчи бер, Хумор!

Бу отаннинг бизга езган биринчи хати эди. Бу хатни неча қайта ўқиганимни эслай олмайман, Саргайиб, титилиб кетган бу хат ҳали ҳам сандиғимда. Ҳар бир ҳарфи юрагимга муҳр бўлиб босилган. Унинг хати дармон бўлиб, аслимга қайта бошладим. Уруш кескинлашган сари кун кечириш қийинлашарди. Орзиқул уруғликка олиб қўйган бир қоп макка кунимизга яради. Ҳар куни бир ҳовуч қовуриб бодроқ қилиб қўярдим, эртадан кечгача шуни тамадди қилардик. Хотин-халаж чорбоққа ток чопиша чиксак, тушлик пайти давра қўриб ўтириб бормизми уртага ташлардик.

Шундай кунларнинг бирида эшигимиз олдида яна ўша почтачи чол кўрindi.

— Тоға, бизга ҳам хат борми? — дейишдан ўзимни тийлладим, ҳали ёш келин бўлсам-да. У мени кўрмаган экан. «Ҳа, йўндирав, йўқ, болам», деди. Қовоғи солиқ эди. Унинг қайси вақтда бу холга тушишини билардик.

«Бор, бермаепти, беролмаепти!» Шу ўй миямни тирмадиб ўтди. Югуриб етиб, ялиндим: «Тоғажон, тоға, нега бермайсиз хатни, беринг бу ёққа», дедим. Ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, унга оскилиб, дод солиб йғлайверибман. Одамнинг кўнгли сезар экан-да.

Мана, ҳозир ўшандан роса чорак аср вақт ўтди. Кўйдим, лекин кул бўлмадим. Чунки мен орзу, армоним — Орзиқулдан — отангдан жудо бўлган эдим, энди эса унинг киндик қони тўкилган, бағри кенг муқаддас ердан, қайғу-қувончмими тенг бўлишган одамлардан, сендан ажралишини истамасдим. Мана шу тўғу мени яшашга, курашиб яшашга ундади.

Муҳаббат исзис кетмади, умр боғимда унинг ниҳоли бўлиб, сен гуркираб ўясансан. Аммо мен ҳам қайғули, ҳам мағрур кечмишимни келинимга, дунёдаги барча келинларга раво кўрмаслигимни ҳайқириб айтишим керак. Орзиқулларнинг авлоди узоқ умр кўрсин. Тугилмажак гўдаклар ота қўлида қушга таппинишини отайман. Истайманки, гўдакларнинг беғубор қулгисини учирган ўқлар яшаш, севлиш, севиллиш истаги билан жўш уриб турган юракларга санчилмасин, беғуноҳ муҳаббат яраланмасин!



М. ГРОМИКО чизган

А

дабиёт қаҳрамон билан тирик. Адабиёт раванқи, камолот даражаси у яратган қаҳрамонларга қараб белгиланади. Адабиётдаги чинакам янгилик янги одам характери кифф этишдан бошланади. Янги одам образини яратиш — ҳаёт ҳодисаларига янгича ёндашиш, жиддий муаммоларни кўтариш, муҳим гап айтиш демакдир. Булар эса ўз навбатида янги инфо-да воситалари, оригинал усулларни тақозо этади. Тил, услуб, сюжет, композиция, конфликт ва ҳоказоларга оид изланишлар бош мақсадга — янги қаҳрамон характери кифф этишга бўйсундирилган тақдирдагина ўзини оқлаши мумкин. Мабодо ёзувчи янгича инфо-да воситаларини қидириб топиш пайда бўлса-ю, янги қаҳрамон образини яратишга интилмас, уни яратолмас, бу хил интилишлар бехуда, шунчаки бир шаклбозлик бўлиб қолаверади.

Ҳозирги буржуа адабиётининг инқирозу бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқ этмоқда. Модернистлар, авангардистлар деб ном олган буржуа адиблари ўз асарларини «санъатнинг сўнги кашфиёти», «новаторлик намунаси» деб атаётган бўлсалар-да, улар адабиёт раванқиға, бадий тафаккур ривожига бирон жиддий янгилик кўшаётганлари йўқ. Чунки уларнинг асарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан тамоман холи; бу хил адиблар адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси инсонни дуғулаш эканини унутиб қўйганлар, улар инсон имкониятларига, келажагига ишонч туйғусидан маҳрум. Бу ҳол буржуа оламидаги илғор фикрли ёзувчиларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Чунончи, таниқли инглиз ёзувчиси Р. Ф. Делдерфилд яқинда шундай деб ёзди: «Бир вақтлар биз билган қаҳрамонлар романларни тарк этиб кетди, ҳолбуки, бундай қаҳрамонларга ҳозирги кунда эҳтиж катта. Кўп ҳолларда уларнинг ўрни кўшириқ қаҳрамонлар эгаллаб олди. Бошқа ҳолларда эса ҳамма ёқни ҳатто, умуман, қаҳрамон дейишга ҳам нолойик, аллақандай маъмуликлар босиб кетди». «Авангардистлар», — деб давом этади у, — урушдан кейинги йилларда мингларча бадий усулларни кашф этдилар, аммо инсоний фазилатларни қандай тасвирлаш кераклигини унутиб қўйдилар. Аслида, менинг назаримда, бу нарса адабиётнинг тани-жони ва қоници ташкил этади».

Бунга қарама-қарши ўлароқ социалистик реализм адабиёти жаҳон адабиётининг мўтабар аъналарини изчиллик билан давом эттирмоқда, совет ёзувчиларининг энг яхши асарлари чуқур инсон-парварлик ва ҳаётбахшилик руҳи билан йўғрилган, уларда инсонга, унинг истикболига ишонч барқ уриб туради. Дунёни ўзгартирётган, уни қайта қураётган, шу билан баробар ўзи ҳам ўзгартириб, камолотга эришиб бораётган бунёдкор, қурашчан, ўйчан, мутафаккир инсон — бу адабиётнинг бош қаҳрамони.

Бунга ўзбек адабиётининг сўнги муваффақиятлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин, 60-йилларда яратилган йирик жанр намуналари — роман ва достонларга бир назар ташлайлик. Биринчи асарни мустасно қилганда, шу йиллар давомида пайдо бўлган барча йирик асарлар марказида ижобий қаҳрамон образи туради.

Ижобий қаҳрамон теварагида жуда кўп баҳслар бўляпти. Янги баҳс пайтида ҳар гал эски муаммо қайта тилга олинади: ижобий қаҳрамон қандай бўлиши керак? У идеал шахс бўлиши шартми? Оддий одам ҳам қаҳрамон бўла оладими? Ижобий қаҳрамон нуқсонли бўлиши керакми ёки нуқсонсиз? Баҳс қатнашчилари доим шу масалалар теварагида тортишшади ва одатдагидек бу саволлар ҳар гал ечилмай қолаверади.

Шундай бўлиши табиий. Чунки қаҳрамон ундай бўлиши керак, бундай бўлиши керак, деб кўрсатма бериш мумкин эмас. Чинакам санъаткор ҳеч қачон рецептлар асосида иш қўрмайди. Ҳаёт, бадий ижод шу қадар мураккаб, сеҳрли жараёни, кўпича янги одам образини яратишда энг доно маслаҳатлар ҳам иш беролмай қолади; ёзувчи кашф этган янги одам қаҳрамон ҳақидаги эски тасаввурларни бутунлай ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Адабиёт тарихида бундай ҳодисалар кўп бўлган.

Ижобий қаҳрамон ҳақидаги мунозаралар вақтида ҳар гал икки-та жиддий камчилик тақдорланяпти. Мухолифлар, биринчидан, ижобий қаҳрамоннинг қандай бўлиши лозимлиги устида кўп бош қотирдилару, энг муҳими, қаҳрамон — давр тип бўлиши кераклигини унутиб қўйдилар; иккинчидан, адабий жараёни, қаҳрамон характери яратиш бобидаги мавжуд тажрибани етарли ҳисобга олмайдилар.

Ниловна, Чапаев, Корчагин, Давидов, Фофир, Йўлчи, Навоий, Отабек, Кўкан, Саида, Абай, Танабой, Ойқиз каби совет ёзувчилари асарлари саҳифаларидан қад кўтарган машҳур қаҳрамонларни эсга олайлик.

Уларни эслаганда, ҳар қандай схема ва қолипларни, адабий усул ва қоидаларни тамоман унутиб юборасиз. Улар ҳақиқий маънода ҳаёт қаҳрамонлари, давр типлари, улардаги хислатлар конкрет тарихий шaroит ва муҳитнинг махсули, уларда илғор, етакчи социал кучларга хос хусусиятлар шу қадар тўлиқ, ёрқин ва бетакорор муҷассам этилганки, реалистик санъат сеҳри олдига лол қолсан киши. Ахир Горький Ниловнани асар бошида атайин содда, лоқайд этиб кўрсатган эмас. Бу аёл онги ва характеридаги ўсиш-ўзгаришлар қандайдир «янгича усуллар» махсули ҳам эмас. Горькийнинг бююклиги шундаки, Ниловна тисмолида асримиз бошида уйғонаётган, революция йўлига қираётган социал кучнинг моҳиятини кўрди, унда давр ҳақиқатини ифода этади. «Синчалек» автори Саидани ҳар тарафлама етук, оқила, тадбиркор, дадил, голиб раҳбар аёл тарзида талкин этар экан, конкрет тарихий шaroитга таянган; адиб Саидани сиймосида ўзбек аёлнинг бугунги камолотини кўради; партия XX съезидан кейинги муҳим жараёнлар эса Саидага куч-қувват, дадиллик бахш этади. Танабой табиатидаги жамикки кучли ва заиф жиҳатлар, ҳаётидаги барча қувонч ва ташвишлар давр билан боғлиқ. Бошқа энг яхши қаҳрамонлар ҳам шундай.

Бутуниттифоқ ёзувчиларининг

V съезидга

ҚАҲРАМОН-ДАВР ТИПИ

Муамали НОРМАТОВ,
филология фанлари кандидати

Биз моҳир санъаткорларнинг аъна ва тажрибаларини қадрлаймиз. Аммо аъна ва тажрибалар ҳар қанча мўтабар бўлмасин, уларни айнан такрорлаш мумкин эмас. Санъат ва адабиётда такрорийлик синғмайди, энг мақбул усул ҳам, энг етук қаҳрамон образи ҳам фақат бир бор кашф этилади. Нуқул бадий қашбиётлар таъсиридагина яратилган қаҳрамонлар шунчаки бир тақлид, соя бўлиб қолаверади.

Сир эмас, кейинги йилларда адабий таъкидчиликдаги айрим доғматик тасаввурлар ижобий қаҳрамон проблемасига салбий таъсир кўрсатди. Энг яхши қаҳрамонларга, чунончи Саида, Луқмонларга тақлидан яратилган қаҳрамонлар қўпайиб кетди. Айрим адиблар «оддий» кишилар ҳам қаҳрамон бўла олади, деган қоида асосида иш қураман деб, қаҳрамон обрусини, қаҳрамонлик мезонини тушириб юбордилар. Уларнинг асарларида анчайин жўн, тўпори, фаолиятсиз кимсалар қаҳрамонлик даъво қила бошлади. Ижобий қаҳрамонда нуқсон бўлиши мумкин ва ҳаттоки шарт, деган даъво баъзи қаламкашларни чалғитди. Бу хил ёзувчиларнинг катта меҳр-муҳаббат, зўр умид билан қаламга олган қаҳрамонларини бир хотирлаб кўринг. Улар ҳар қадамда адашардилар, кетма-кет хатога йўл қўзвердилар, автор қаҳрамон деб тақдим этган шахс ҳаёти ва фаолияти билан танишиб қачисизу, ундан бирорта ҳам ибратли фазилатни тополмайсиз. Баъзан эса, маҳоратнинг етишмаслиги тўғрисида, қаҳрамон жуда кўп хайрли ишлар қилади, кўпгина мақбул гапларни айтади. Автор унинг хайрли ишларини эринмай ипидан-игнасиғача тавсиф этади. Аммо улар сизни ҳаяжонга солмайди, бу таъсиротларни ўқиганда ўқувчининг эсноқ босади. Шундай хулоса чиқадики, ҳаёт қаҳрамонларини адабиётга олиб кириш нусхакашлик эмас. Ҳаётдаги донгдор кишилар портретини, фаолиятини батафсил тавсиф этиш билан ижобий қаҳрамон пайдо бўлиб қолаверади. Абдулла Қаҳҳор айтганидай, ҳаётдан тўғридан-тўғри кўчириб ёзиш китобдан кўчириб ёзишдай бир гап. Нусха, минг қилса ҳам нусха. Ундан ўзинга хослик кутиб бўлмайди. Ўзинга хослик ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни хис қилиш, унга хис-ҳаяжонларнинг, ўйлаб юрган гапларини сингдириш, тилек ва идеалларининг қўшиб ифодалаш, қисқаса, жон китрити билан юзага келари.

Шу хил камчиликларга қарамай, сўнги йиллар ўзбек адабиётида давр руҳини, ҳаёт нафасини, коммунизм бинокорининг энг яхши хислатларини ўзида муҷассам этадиган, қатор оригинал қаҳрамонлар пайдо бўлди. «Қудратли тўлкин»даги Пўлат, «Олтин зангламас»даги Содиқ, «Ўрқидоғи Икромжон», «Қора кўзлар»даги Аваз, Замонали, «Чинор»даги Очил бобо, Ориф, «Кунлар»даги Муаттар, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Эрқидоғи Саттор», «Сотволдин салом» достонидаги Сотволди образларини бадий кашфиёт, давр типлари десак бўлади.

«Қудратли тўлкин» қаҳрамони Пўлат жисман хаста, касалманд бўлишига қарамай, ўзини машаққатли ишларга уради. Пўлатдаги бу жонбозлик, фидойилик ўша даврни кўрмаган китобхон учун бир оз галати туюлиши мумкин. Аслида ҳамма нарсаини уруш ўз қонига тортаётган, инсониятнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган бир шaroитда танида жони қалбида виждони бор одам жим туршиш мумкин эмас, хаста бўлса-да жим туролмас эди. Пўлат ўзингидан кечиб, шахсий ҳузур-ҳаловатини унутиб, касаллигига қарамай она-юрт учун фойдали ишлар қилишга бел боғлаган экан, уни давр, шaroит шунга мажбур этади. Ш. Рашидов қаҳрамондаги худди ўша давр шaroит тақозо этган хислатларини бир оз бўрттириб, қабатыриб кўрсатган экан, бунга унинг ҳаққи бор. Қолаверса, «Қудратли тўлкин» романтик услубга мансуб асар, романтик услуб эса қаҳрамондаги маълум хусусиятларни кучайтириш учун авторга маълум ҳуқуқ беради.

Шунга ўхшаш манзарани «Олтин зангламас» романида ҳам кўраемиз. Роман қаҳрамони Содиқ мураккаб вазиятга тушиб қолади. Ниҳоятда пок, халқиға, Ватанига садоқатли бу одам айбдорлар қаторига тирақб қўйилади. Аммо у, энг оғир дақиқаларда ҳам виждонига, коммунистик этиқоидига гурд юқтирмайди, оғир синовлардан матонат билан ўтади. Ахир, бундай оғир вазиятга тушиб қолган одам баъзан иккиланши, шубҳаға бориши, умидсизликка тушиши ҳам мумкин-ку! Шухрат юз бериши мумкин бўлган бундай руҳий ҳолатларни атайин четлаб ўтади, қаҳрамондаги конкрет вазиятда юзага қалжи чиққан ижобий фазилатларни бўрттириб, пафос, патетика даражасига кўтарди: Содиқ ҳеч қандай куч бўлмайдиган коммунистик этиқоиднинг рамзига айланади.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ип йиғурувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати Буолма Жўраева ҳаммасларига номинистларнинг улкан анжуманидан олган таассуротларини сўзлаб бермоқда.

«Чинор»даги Очил бобо характери тасвирида бўрттириш, муболага яна ҳам кучли. Тўқсондан ошган бир одамнинг шу кунги ҳаёт ҳодисаларига, ахлоқий-этик масалаларга янгича, тўғри ёндашиши, бу оддий чолнинг ҳаёт жумбоқлари устида донишмандларча фикр юритиши, ижтимоий бурчни чуқур ҳис этиши, бир қарашда бир оз ғайри табиий туюлади. Бу образнинг туб моҳиятини англаб етган китобхон учун эса бундай ажабланишга ҳеч қандай ўрин йўқ. Очил бобо романтик ҳамда рамзий образ. Бу чол — ўзбек халқининг йиғма образи, у халқ етуқлиги ва донишмандлигининг рамзи. Асқад Мухтор Очил бобо образини атайлаб идеаллаштирган. Бироқ автор шунда ҳам ҳаётга, ҳақиқатга зид борган эмас: Очил бобо сиймосида давр ҳақиқатини мужассам этган.

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида эса бошқачароқ манзарага дуч келамиз. Романнинг етакчи персонажларидан бири Икромжон ҳам ижтимоий бурчни юксак қадрлайдиган, ватан, халқ, партия ишига фидокор шахс. Мана шу пок қалб эгаси бошига катта мусибат тушади. Унинг кўз қораси, якка-ю ягона фарзанди юрт ишидан ўзини четга олади. Бу ҳол Икромжонни ларзага солади, унинг кўнглида хилма-хил, зиддиятли туйғулар жўш уради. Икромжон, бир чеккаси, ўғлидан ғазабланади, уни нафратлайди, оқ қилади, дуч келганда, ҳатто ўқ узеди; иккинчи томондан, ота, бари бир, қалбининг қаеридадир ўз фарзандига нисбатан оталик туйғуси зарраларини асраб қолади.

«Қудратли тўлқин», «Олтин зангламас», «Чинор», «Уфқ» романларида, боя айтилганидек, қаҳрамонлар кескин, мураккаб вазиятларда кўрсатилади, шунинг оқибати ўлароқ, улардаги воқеа ҳам фаёқлоқда характер касб этади, персонажлардаги хусусиятлар хийла кучайтириб, бўрттириб берилди. «Қора кўзлар», «Эрк» «Қанот жуфт бўлади», «Кунлар» типидagi асарларнинг авторлари эса ўзгача йўл тутадилар. Бу асарлардаги қаҳрамонлар талқинида биз айтарли бўрттириш ва муболагаларни учратмаймиз: улардаги қаҳрамонлар ҳақиқий маънодаги оддий кишилар, оддий фазилат эгалари, улар кишини лол қолдирадиган бирор фаёқлоқда жасорат кўрсатмайди, шунчаки кундалик ишлар билан банд бўлишади, оддий ижтимоий ва оилавий бурчларини адо этишади. Шундай бўлса-да, улар ҳам бари бир қаҳрамон, давр типлари даражасига кўтарилди. П. Қодиров, О. Ёқубов, У. Назаровларнинг маҳорати шундаки, улар оддий кунларимизнинг чуқур маъносини, оддий одамлардаги оддий хислатларнинг сеҳри ва жозибасини очиб беришга муваффақ бўлганлар.

Очи, Муаттар типидagi ёш, замонавий, зиёли ўзбек қизи портрети «Кунлар»га қадр ўзбек прозасида кам эди. Муаттарнинг кийинши, кўриниши, фикрлаши, муомаласи, юриш-туриши — ҳаммаси янгича, замонавий. У ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ҳаётда ўз йўлини топиб олган, ҳамма жойда ўзини эркин ҳис этади, сеғги бобида эркин йўл тутайди, аёллик нафсониятини ҳар қандай вазият-

да ҳам ҳимоя эта билади. Бизда баъзан янгилки шиори остида бе-ҳаёликни тарғиб этиш ҳоллари учрайди. Улардан фарқли ўлароқ, У. Назаров Муаттар тимсолида янгилки ахлоқий етуқлик тарзида талқин этади, янгича хулқнинг нафосатини китобхонга етказиб беради. Зотан, Муаттардаги янгича кайфиятлар нозик ҳаё, одамлар, удумлар олдидagi масъулият ҳисси билан қўшилиб кетган. У эскича қарашлардан томонан холи, замонавий аёл, унда ибод, орият туйғуси ниҳоятда кучли.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Эрк» қаҳрамони Саттор характерида ҳозирги илғор ёш зиёлиларга хос кўпгина хусусиятлар ифода этилган. Уларнинг кундалик ишлари, ўй ва интилишлари, оилавий ташвишлари замирида катта ҳаёт ҳақиқатининг жилваларини пайқаш қийин эмас. Акрам ҳам, Саттор ҳам интеллеktуал жиҳатдан бой, билимдон, кенг фикрлайдиган, ўйчан, мулоҳазакор кишилар. Улар айрим асарларда учраб қолаётган нуқул ўй суриб, ўйининг поёнига етолмай қолган, ўйлашдан, шикоят қилишдан нарига ўтмайди фаолиятсиз зиёлилар тоифасидан эмас. Акрам билан Саттор, аввало, фаол кишилар, улар кўнгилларидаги ўй ва режаларини рўёбга чиқариш учун дадил кураш олиб борадилар, уларда мулоҳазакорлик, ўйчанлик, курашчанлик ва тadbиркорлик билан қўшилиб кетади. Кўпинча ўй-мулоҳаза ҳис ва майллардан устун ҳам келади. Чунонки, Акрам кўп мулоҳазалардан кейин ўзидаги майлларга қарши иш кўради. Саттор эса, гарчи хотини Ойшахонга кўнгилисиз бўлсада, оила олдидagi, ёрдамга муҳтож бу содда, муштирап аёл олдидagi масъулиятини ўйлаб, у билан бирга қолади...

Ҳ. Шариповнинг «Сотволдидан салом» дostonида ҳам қаҳрамон характеридаги оддий хислатлар қаламга олинади. Сотволди — оддий кишлоқ кишиси, шу кунги раҳбар ходим. У ерга меҳр қўйган, ўз ишининг илмини сув қилиб ичиб юборган, бир оз қув, муғамбир, ammo ниҳоятда ҳалол, дилкаш, тadbиркор меҳнат кишиси. Дoston автори қаҳрамондаги мана шу оддий хислатларини табиийликка пурта етказмаган ҳолда, анча бўрттириб, уларга фаёқлоқда тус беради. Натижада Сотволдидаги оддий фазилатлар ўткир таъсирчанлик касб этади. Сотволди бутун фазилатлари билан хотирамиздан муштакам ўрин олади. Шоирнинг тажрибаси оддий одамларнинг оддий хислатларини ҳам фаёқлоқда даражага кўтариш мумкин эканлигини яна бир бор исбот этади.

Хуллас, ижобий қаҳрамон ҳеч қандай андозани тан олмайди. Қаҳрамон яратилишининг усуллари, йўллари, беадад. Бу борада ҳали кашф этилмаган имкониятлар бeҳисоб. Ижобий қаҳрамон гоят хилма-хил бўлавериши мумкин, фақат биргина талабга жавоб берса бас — у ҳар қанча хилма-хил бўлса ҳам, ҳаммадан бурун давр типли бўлсин, даврининг етакчи, илғор кучлари моҳиятини ўзида ёрқин, бетакрор мужассам этсин.

Таклифлар, истаклар

Урта Осиёнинг иқлим шароити жуда хилма-хил. Бу ўтмишда халқ меъморлари олдига кўпгина муаммолар қўйган. Улар кишиларни иссиқ, гармсел, қиш изғиринидан муҳофаза қилувчи ҳовли, уй-жойлар қуриш устида бош қотирганлар. Шу жиҳатдан Урта Осиё территориясида шу эътибор билан сақланиб келган архитектура ёдгорликлари бизларга қимматли материаллар берадики, уларнинг баъзиларидан ҳозирги давр меъморчилигида ҳам фойдаланиш мумкин.

Шаҳар карвонсаройлари одатда тўрт бурчак шаклида қурилган. Ҳовли атрофида айвонли хоналар, юк, туя ва от-улов учун алоҳида жойлар солинган, улар бир-бирига мутаносиб, қўлай қурилган. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз, ёнида шийпон, кечки пайтларда йўловчиларнинг хордиқ чиқарадиган жойлари бўларди.

Шаҳар карвонсаройлари иқлим шароитини ўрганиб, кўёш иссиғидан, шамолдан муҳофаза қиладиган, йўловчилар учун ҳар томонлама қўлайлик яратадиган лойиҳалар асосида бир ёки икки қаватли қилиб қурилган.

Қадимий меъморчилигимизнинг яхши намуналаридан ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. Халқимиз кўп асрлар давомида яратган, синодан ўтган усуллар иш бермоқда. Масалан, «Тошкент» меҳмонхонасининг қошини пештоқи, юқори қаватдаги кўп ус-тунли айвонлар ва унинг безаклари диққатга сазовордир. Уртадаги кайта ҳовли, ҳовуз, фонтан атрофидаги бинолар ҳам бир-бирига уйғун тушган. Аммо бу меҳмонхона биносининг нуқсонлари ҳам боо. Ҳовли ресторани, кафе ва бошқа хизмат хоналари билан, юқори қаватларда пастки қаватлар билан ўзаро яхши боғланмаган. Ҳовлида гул, дарахтлар оз. Ҳовуз кичик.

Йўлдаги БЕКАТЛАР

Санъат ва адабиёт асарига қаҳрамоннинггина эмас, авторнинг ҳаёт йўли, кўрган-кечирганлари, ҳис-туйғу ва ўйлари ҳам катта ўрин тутади. Асар билан танишган китобхон ва томошабин ўзи севган авторнинг ҳаёт йўлини, унинг маънавий дунёсини, ижодий лабораториясини яқиндан билгиси келади. Ҳамза, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон каби санъаткорларнинг ижод жараёнини ўрганишдаги баъзи изланишлар, улар ҳақидаги хотиралар бизни жуда қизиқтирди.

Тошкент телестудияси «Ёзувчилар ижодхонасида» номи билан таниқли ёзувчиларнинг ижодига бағишланган кўрсатувлар уюштириб, маъқул анъана бошлаган эди. Бу киноленталар авторларнинг турли-туман ўқиш манераларини, маълум даражада характерларини ҳам очиб беради. Биз бу ташаббус давом эттирилишини истардик.

Шоирларнинг баъдий ўқишини пластинкага ёзиб олиш ҳам нима учундир тўхтаб қолди. «Лирика кутубхонаси»да авторларнинг ўзлари ҳақидаги сўзлари босилар эди, ҳозир бу нашр ҳам давом этмапти.

Тошкентдагина эмас, республика областларида яшаб ижод қилаётган кекса ва таланти ёш санъаткорларни ҳам кинолентага тушириб олишга киришилса яхши бўлмасмикан? Ахир фан-техникамиз ривож топган ҳозирги даврда халқимиз севган Маъмуржон Узоқов, Муқаррама Азизова каби санъаткорлар ижросининг кинолентада йўқлиги кимни афсуслантирмайди?

ЯХШИ ТАШАББУСЛАР ТЎХТАБ ҚОЛМАСА...

Бизнингча, сайёҳлар учун алоҳида, хизмат йўланмаси билан келганлар учун алоҳида, йўловчилар спортчилар, машинали сайёҳатчилар учун алоҳида, махсус меҳмонхоналар қуриلسа соз бўлар эди. Болгария Халқ Республикаси сайёҳатчилар учун меҳмонхоналар қуришда жуда катта ютуқларга эришган. Ҳамма меҳмонхоналар ва улардаги маъмурий-маиший (кинотеатр, ресторан, спорт зали, магазин ва ҳокзо) бинолар бир ташкилот — «Балкантуристга» қарайди. Бу эса, бир томондан, меҳмонлар учун кўп қўлайликлар туғдирса, иккинчи томондан, меҳмонхонанинг рентабеллигини ҳам оширади.

СССРда, шу жумладан Урта Осиё республикаларида автомашиналарда сайёҳат қилувчилар кўпайиб бормоқда. Сайёҳлар ўз машиналарида ёки кўпчилик бўлиб автобусларда шаҳарма-шаҳар сайр қилишда, ўлкани ўрганишда. Машина йўлларида, маълум масофа оралигида, йўлнинг оғир участкаларида, хушманзара, дам оладиган жойларда мотель ёки кемпинглар қуриلسа мақсадаги мувофиқ бўларди. Ушундай жойларда йўловчиларга хордиқ чиқариш бекатлари, охиона, чайхона, устакхона, кичкина ётоқхона, дам олиш хоналари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бўлиши керак. Бу соҳада Болтиқ бўйи ва Кавказдаги республикалардан ибрат олсак бўларди.

Бу фикр ва мулоҳазаларга Ўзбекистон давлат Қурилиш бошқармаси, Маиший хизмат министрлиги, Автомобиль ва тош йўллар министрлиги нима деркин?

Э. ЗИЁЕВ,
архитектор

Шу муносабат билан яна бир нарсани айтмоқчимиз.

Мактабларда кўргазма материал талаб этилади. Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриети чикарган баъзи қоғоз портретлардан (ўз ўрнида бу ҳам яхши) бошқа ҳозирги ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижодига оид қандай кўргазмалар материаллар бор? Санъат ва адабиёт арбоблари ҳақида монографиялар ҳам кам, уларнинг ижодий таржimaiи ҳолига оид маълумотларни аниқсиза ўқитувчилар қидириб топишмайди. Ҳамза, Сўфизода, А. Қодирий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулум, А. Қаҳҳор М. Шайхзода, Яшин, Уйғун, Ш. Рашидов, Зулфия, Миртемир, Н. Сафаров, Ғайратий ва бошқа шоир ҳамда адибларимиз ҳаётига оид кўргазмалар материаллар нашр этиш пайти келмадимикан? Бундай таъбир баъдий адабиёт тарғиботида, ёшларни тарбиялашда, ижодий жараёни ўрганишда катта ёрдам бўларди. Аниқсиз, адабиёт ўқитувчиларининг ишини енгиллатар, янада жонлироқ қиларди, деб ўйлаймиз.

Нуриддин БОБОХУЖАЕВ,
Тожибон ҒОЗИБОВЕВ,
Ўғилхон АЗИМОВА,
Каримжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ақромжон ИБРОҲИМОВ,
Ҳасанали РУСТАМОВ.

Наманган.

СУВ СЕРОБМИ?

Қорнинг қалинлигини ўловчи мутахассислар ҳар баҳор тоғларга чиқиб кетадилар. Урта Осиё дарёларида сув берадиган қор қатламларининг қалинлигини олдиндан белгилаш жуда муҳим. Чунки водийларда сувдан фойдаланиш жадвалини тузганда гидрологлар ана шу қор запасларини ҳисобга оладилар, ҳосил эса мана шу қорга боғлиқ.

Мутахассисларнинг тоғдаги ишлари оғир ва хавфли. Шунинг учун Урта Осиё гидрометеорология илмий текшириш институтининг олимлари ҳозир бу ишни кибернетик машиналар зиммасига юкламоқда. Энди одемларнинг ҳар баҳор тоғқа чиқшига

эҳтиёж қолмайди. Об-ҳаво станцияларининг ёғин, ҳарорат ҳақидаги маълумотлари «электрон мия»га етказиб берилса бас. Кибернетик машина шу маълумотлар асосида, тоғда қор қатламларининг пайдо бўлиш моделидан фойдаланиб, дарёлардаги йиллик сув миқдорини ва оқиб режимиини бир ярим минутда аниқлаб беради. Бундай математик моделини техника фанлари кандидати Ю. Денисов ишлаб чиққан. Машина қор запасининг кундалик ҳолатини ҳам аниқлаб туради. Олимлар машинадан сўрайдилар: — Бугун сув серобми? Машина аниқ жавоб беради.



Халқ нақшоши, Давлат мунофоти лауреати Уста Кули Жалилов.



Халқ нақшоши, Давлат мунофоти лауреати Уста Жалол Жўраев.



Халқ нақшоши, Давлат мунофоти лауреати Уста Болта Жўраев.

Е. ЮДИЦИЙ Фотолари

Самарқанд меъморлари

Ўрта Осиё меъморчилиқ санъати узоқ тарихга эга. 1963 йилда Афросиёбда олиб борилган археологик қазув вақтида топилган ганч нақшлар, гуллар, айниқса деворга ишланган гўзал суратлар бунга гувоҳ бўла олади. Бу халқ санъати асрлар оша бизнинг давримизга етиб келди.

Ганчорлик устадан ўттир зеҳн ва қобилият, сабот, тоқат талаб этади. Тажрибали, қўли гул халқ усталари томонидан ганчга юнсан дид билан ўйиб ишланган турли хилдаги безанларни қўлгина замонавий бинаоларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Алишер Навоий номидagi Ўзбек Давлат академик опера ва балет театри, Бенебод металлургия комбинати саройининг ганчорлик нақшлари ниҳоятда нафисдир.

Республикамизда бу санъатнинг қўлгина машхур усталари бор: фарғоналиқ Юсуфали Мусоев, тошкентлик Усмон Икромов, Тошўлат Арслонқулов, хевалин Рўзимат Машарипов, самарқандлик Абдиҳамид Юнусов, Болта Жўраев, Жалол Жўраев, ана-ука Рашид ва Кули Жалиловлар аjoyиб халқ меъморларидир.

Уста Абдиҳамид Юнусовнинг ота-боболари ганч ганчор, дурадгор ўтган. У Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ отаси уста Юнус билан вна-ён туриб, Самарқанддаги меъморчилик обидаларини сақлаб қолдиш ва уни қайта тиклашда актив қатнашди. У тарихий ёдгорликларни тиклаш ишида энг моҳир ва тажрибали мутахассис ҳисобланади. Абдиҳамид ота, Хотам Мўминов, Кули Тоҳиров, Шамши Сайфиев, Анвар

Қулиев каби маланали шогирдлар етиштирдик, ҳозир у шогирдларнинг ўзлари устоз бўлиб қолишди.

Абдиҳамид ота Самарқанддаги ноёб минора ва мадрасаларнинг кошчинок деворларини қайта тиклашда ўзининг бутун куч-қуввати, илм ва хунарини сарфлади. У 1960 йилда Улугбек мадрасасининг олд томонини асли ҳолига келтирди. 1961 йилда эса Шердор мадрасасини тиклашда қунарини яна бир бор намойиш қилди. У минорадаги қадимий кувий хати билан ёзилган арабча жумлани асл ҳолига келтиришда айниқса маҳорат кўрсатди. Умрини ганчор-гилкорлик хунарига бағишлаган Абдиҳамид ота Юнусовнинг хизматлари юнсан тақдирланди. Халқ меъмори 1950 йилда республика Маданият вазирлигига қарашли архитектура бошқармасининг фахрий ёрлиғи, 1957 йилда «Аъло хизматлари учун» медали, 1960 йилда «Социалистик мусобаба аълочиси» нишони, 1964 йилда Ўзбекистон Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Моҳир бинокор уста 1943 йилдан буён СССР Архитекторлар союзининг аъзосидир. Жалол Жўраевни Самарқанддагилар тирик Моний деб ардоқлайдилар. Дарҳақиқат, Жалол ота Навоий қаҳрамонининг меросхўридир. Унинг тиги тенкан мармар жонланади, гўзал шакл насб этади.

Уста Жалол болалигида тоғаси Абдирахим Обидовга шогирд тушади. Ундан бинокорлик санъатининг сир-асрорини ўрганиб олгач, 1908 йилдан бошлаб ўзи мустақил усталик қила бошлади. Ус-

та Жалол иш билан бирга 1923—1925 йилларда САГУнинг ишчилар факультетида сабоқ олди. Кейинча ўз санъатлари билан элгач танилган машхур халқ меъморлари Абдукарим Раҳимов, Болта Жўраев уста Жалолнинг шогирди бўлганлар. Уста Жалол 30 йилларда Тошкент мармар заводида инструментор бўлиб ишлаганида ҳам мармарга «тил иритувчи» кўплаб шогирдлар етиштирди. У 1944 йилда Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни тиклаш ва янги ремонт қилиш илмий устанонасига ишга тақлиф этилди. Уста Жалол Шарқнинг аjoyиб меъморчилиқ ёдгорлиғи бўлган Гўри Амир мақбарасини тиклаш ва тузатишда бутун билим ва хунарини сарфлади. Устанинг чинакам санъати Навоий номидagi Ўзбек Давлат опера ва балет академик катта театри биносидаги мармар нақшларни бажарганида айниқса яқнол намойён бўлди. Зинапола панжараларидаги кунгурлар мармар безанларни бир эсланг-а. Нақадар нафис! Уста Жалол Жўраев шу ишлари учун 1948 йилда СССР Давлат мунофоти лауреати бўлди. Шу йили у яна Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ҳам тақдирланди. Ота аллаҳчон пенсияга чиққан бўлса-да, ҳамон сафда: ўз хунарини ишларга ўргатмоқда, у ёш усталарнинг мураббийси, маслаҳатгўйдир.

Бошқа бир мураббий уста Кули Жалиловнинг ҳаёт йўли ҳам худди Абдиҳамид, Жалол оталариникига ўхшаб кетади. Самарқандлик халқ меъмори Кули Жалилов ўймакорлик ва ганчорчиликнинг мураккаб сирларини даставвал отасидан ўрганди. Унинг нозин

дид ва юнсан маҳорат билан яратган асарлари тезда кўпчилиқнинг эътиборини жалб этди. Шундан сўнг уста Кули Москвадаги Халқ хўжалиғи ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон павильонини нуриш ва безашда қатнашди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биноси ва бошқа маъмурий ҳамда турар жой биналарига миллий сайёл беришда катта ишларни амалга оширди. Уста умрининг сўнгги йилларида бор маҳоратини Самарқанддаги ёдгорликларни тиклаш, янги биналар қуриш ва уларни ганч безанлар билан нафис безашга сарфлади. Ўзбекистонда халқ меъморчилигини ривожлантиришдаги хизматлари учун у 1947 йили Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 1948 йилда эса Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрининг Самарқанд залидаги ганч ўймакорлик безан ишлари учун СССР Давлат мунофоти лауреати деган унвонни олишга муяссар бўлди.

Юқорида уста Жалол ҳақида ҳиноя қилганимизда у кишининг шогирди Болта Жўраевни тилга олган эдик. У ганчорчилик отасидан ўрганган бўлса, мармарга сайёл беришини уста Жалолдан ўрганди. Болта Жўраев ҳамма номидagi Ўзбек давлат академик драма театри, Республика Министрлар Совети биналарини, Тошкент Қизил майдондаги В. И. Ленин ҳайкалини нурнам ва юнсан дид билан безашда катта ҳисса қўшди. Уста Нурота районидagi Фозгон, Самарқанддаги Омонқўтон мармар конларини очиб, ишга туширишда фаол қатнашди. Тажрибали меъмор Болта Жўраевнинг ўзбек миллий меъморчилик санъатини ривожлантиришдаги хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Халқ меъмори 1947 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Қиёқ санкизиличи йилда эса Навоий театри нурилишида уста Жалол билан ҳамкорликда бажарган ишлари учун СССР Давлат мунофоти лауреати бўлди. Уста етмиш ёшдан ошган бўлишига қарамай, Шердор ва Улугбек мадрасаларини қайта тиклашда ҳамон фаол қатнашиб келмоқда. Болта Жўраевнинг Тошкент ва Самарқандда юздан ортиқ шогирдлари бор.

Самарқанд меъморларининг бошқа шахарларда ҳам ҳаммаслари кўп. Ўзбекистон фанлар академиясининг Фахрий академиклари моҳир уста ва олим Ширин Муродов, Давлат мунофоти лауреатлари Абдулла Болтаев, Республинада хизмат кўрсатган санъат арбоблари, ҳамма мунофоти лауреати Маҳмуд Усмонов, Қодир Ҳайдаров, Маҳмуд Қосимов, халқ усталари Шамсиддин Гофуров, Абдирашид Жалилов, Мирхамид Юнусов, Анвар Қулиев, Иброҳим Шермухамедовлар шулар умумисандир. Улар Ўзбекистонда халқ меъморчилигини ривожлантиришда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Виз у индолари билан меъморчиликимиз хазинасига бебаҳо бойлик қўшган ва қўшаётган моҳир усталарнинг ижобий тажрибализамини мурфассал ўрганишимиз, умумлаштиришимиз, йилларга ўргатишимиз керак. Замонавий меъморчиликда халқ меъморчилигининг аънъаларини, бой меросидан ижодий фойдаланишга қўрилайётган биналар ўзига хос миллий, қулай, кўркам бўлиши турган гап.

Рашид БАЙТУЛЛАЕВ





В. БУРМАКИН. - БОЙСУНЛИК ОНА.



Саид НАЗАР

Ҳади

Саодат кечалари меҳр билан тайёрлаётган бу нарса қайси бахтиёр йигитга аталган экан? Ким бу кўжам қизнинг диққатига сазовор бўлган экан? Бу сўроқлар Саодатни таниган ҳар бир қиз ва йигитни ўйлантирар эди. Охири улардан биттаси пайтини топиб сўради.

— Соғангиз кимга аталганини билсан бўладики?
— Бўгади, — деди қиз сирли кулиб, — бир гузал йигитга аталган.

— Исмини эшитсан мумкинми?
— Исмини билмайман.
— Ғойибона ошиқ бўлган экансиз да.
— Топдингиз, — деди кулиб Саодат ва шу пайт унинг оқ юзида қизиллик балқиб кетди.

Қизлардан яна бири сўхбатга аралашди:
— Саодат кўрмай ошиқ бўладиган қизлардан эмас. Қўймайиз, исмини айтиб берсин. Гузаллик ва назокати билан ҳаммага маълум бўлган бир қизнинг муҳаббат қўйган кишини билишга ким қизикмайди? Ҳаммалари бирдан Саодатга ёпишдилар:

— Айтиб берасан!
Саодат «ҳозир» деб, сўз бошлади.
— Чиндан ҳам отини билмайман. Лекин оти жуда чиройли...

— Қизиқ, — деди Қумри, — исмини билмас эмиш, лекин оти жуда чиройли эмиш. Ахир у ким?

Саодат, ҳамманинг диққати бир нуқтага тўплангандан кейин мағрурлик билан:

— Қизил аскар, — деди.
Бу сўз ҳам улугвор, ҳам салобатли, ҳам ёқимли жарангади.

Саодат эртасига иссиқ жун қўлқопни битказиб, комиссияга топширди.
1943 йил.

Мунаввар

Чол шилдир-шилдир оқаётган ариқча бўлаб борарди. Унинг узун ҳассаси г-ҳ шудгор қилинган тупроққа тушар, гоҳ ариқча лабидаги қаттиқ ерга тираларди. У ёнма-ён бораётган меҳмонга экинлар ҳақида сўзлаб келаркан, қуюқ кўланкали сада тагида тўхтади. Бир лаҳза даммини ростлаб олган, икки кўлини ҳассага устмат-уст қўйган ҳолда оқ чўққи соқолини сал кўтариб, шолликорликда ишляётган хотин қизлар томонга қараб қичқирди:

— Мунаввар, хо Мунаввар!

Дуркунгина, гавдали Мунаввар галтакнинг икки дастаси орасида тўғганиб борарди. У ўз иши билан бўлиб, ҳеч нарса эшитмади.

— Мунаввар, Мунаввар дейман!
Бу гал ҳам жавоб бўлмагач, чол ҳижолат тортди ва меҳмон «қизини анча одобсиз ўстирипти», деган фикрга келмасин, деб изоҳ бера бошлади:

— Сабабини билмайман, ўн беш кундан бери қизим бирданга ўзгариб кетди — жон аймай ишлайди. Ишга шўнгиб кетганим дан қулоғига гап ҳам кирмайди. Ававал ҳам тўз эдику-я, лекин, бунчалик эмасди.

Чол йигирма қадамча илгари босди:
— Мунаввар, хой Мунаввар!
— Лаббай!

— Қизим, дарров дастурхон келтир. Мунаввар ишини қўйиб, югурганича уйга кирдию, дастурхон олиб чиқиб, ёзди. Бир ко-а қаттиқ келтириб, меҳмоннинг олдига қўйди. Сўнгра ўн қадамча нарига бориб рўмолининг бир учини тишлаганча ушлибинга қараб турди.

— Синглим, сўнги кунларда сизни ишга жудаям шўнгиб кетган дейдилар-а!

— Шундай, кўпроқ меҳнат кун ишламоқчи эдим.

— Янги иморат сомоқчиюсиз?
— Йўқ. Болаларга арзирли бирон нарса бўлсин, дейман.

Меҳмон ҳайрон бўлди: «Қанақа билай Худди бир неча боланинг онасидан гап-ради-я!»

Чолнинг ҳам эсига ҳеч нима келмагач, сўроқ назари билан қизга қаради. Аҳволдан огоҳ бўлган Мунаввар, кулимсиради:

— Ленинград! — деди.
Чолнинг чеҳраси бирдан очилиб кетди ва завқланди:

— Ҳа... Ленинград... Ленинград! — деди. Меҳмон ҳам тунчудди.
Мунаввар шу ўч беш кунда ишлаган меҳнат ҳақини Ленинград болалари учун ёрдам фондига беришга аҳд қилган эди.

1944 йил.

Саид Назар ўз ижоди билан ўзбек совет адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса қўшган адиблардан бири эди. У салнам ўттиз йиллик ижодий меҳнати билан, адабиётимизнинг кўзга кўринган вакиллари қаторидан жой олди. У ҳам поэзия, ҳам проза, ҳам драматургия соҳасида талайгина асарлар яратди.

Саид Назар бундан 60 йил аввал Хоразм областининг Ҳева шаҳрида туғилган. Беш ёшга кирганида отасидан жудо бўлиб, хунарманд онасининг тарбиясида юлган. Аввал эски мактабда, сўнг эса совет мактабларида таълим олган. Бўлгуси ёзувчи 1925 йилдан 1935 йилгача халқ маорифи соҳасида ишлаб, Хоразмда саводсизлиқни тугатиш ва маданий революция ишларида фаол қатнашди.

1937 йили Саид Назар ўқитувчилар институтини тамомлади. Сўнгра неччи педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқиди. Худди шу йилларда ёш ёзувчи ўзининг илк шеърларини эълон этди. Саид Назарнинг бу йилларда яратган шеърлари бахтиёр ёшлиқни, улуг Ватанимизни, жонажон партиямизни улуғлашга қаратилган эди.

Ёш шоир педагогика институтини муваффақиятли тамомлагач, Самарқанд область «Ленин йўли» газетаси редакциясига ишга келиб, маданият бўлимини бошқарди. 1944—1947 йиллар давомида эса Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университетининг аспирантурасида ўқиди, яқин вақтда Ўзбекистон ёзувчилар союзи Самарқанд область бўлимининг масъул секретари вазифасида ҳам ишлади.

Саид Назар асарларида овоз социалистик Ватанимизни, Улуг Октябрь гоъларини, бахт-саодатга эришган халқимизнинг эзгу ниётлари ва меҳнат фаолиятини нуйлади. Советлар элининг, бахтиёр халқимизнинг тақдиридан бениҳоя мамун бўлган шоир ўз шеърларида биринчи марта мароқ билан ёзди:

Кимга кулиб бонса кўшди даврон,
Саодат ўлкаси бўлса дёри,
Бўлмас юрагида заррача армои,
Йшнар меникндай кўнгиб баҳори!

Унинг ижоди қирқинчи йилларнинг бошида ҳамда Улуг Ватан уруши йилларида айниқса баранала бўлди. Худди шу даврда шоирнинг янги-янги лирик шеърлари ва дostonлари, ҳикоя ва очерклари биринчиси босилди. «Эрназар» (1940 йил), «Саодат» (1941), «Муҳаббат ва ҳижрон» (1943 йил), «Ваъда ва амал» (1948 йил) каби дoston ва шеърлари, «Лавҳалар» (1943 йил), «Баҳор» (1949 йил) сингари тўпламлари ана шулар жумласидандир. С. Назар турли мавзулардаги поэтик асарлар яратиш билан бирга, қалам кучини насрий асарлар ёзишда ҳам синаб кўра бошлади. Унинг «Олтин», «Мадамин бобонинг узри», «Илқ жилваси» каби кўнгина ҳикоя ва очерклари худди шу даврда ёзилди.

Классик адабиётни мутлола қилиш, таниқли совет ёзувчилари

УНИНГ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

билан доимо мулоқотда бўлиш Саид Назар ижодининг ўсишида муҳим роль ўйнади. Айниқса атоқли адиб Садриддин Айнийнинг оталигида бўлиш ва унинг тенгдошлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш Саид Назарнинг ўсиб-ўлғайишига натта даража кўрсатди.

Ёзувчи Улуг Ватан уруши даврида яратган «Ики ботир», «Совет тўпчисига», «Қанотли дўст», «Юрагим — Москва», «Мардлар қўшиғи» сингари асарларида совет кишиларининг қаҳрамонликлари, дўстлик гоъларини, Ватанимиз нудратини тараннум этган бўлса, «Зафар таронаси», «Янги фасл», «Илгор пахтаорлар», «Бахт ва байрам», «Ҳиммат» каби асарларида тинч қурилиш давридаги ижодий меҳнатни мақд этди.

Улуг Ватан урушидан сўнги тинч қурилиш йиллари Саид Назар ижоди учун анча сермаҳсул ва барангаи давр бўлди. Бу йилларда унинг бир неча шеърӣ китоби, ҳикоя ва очерклар тўпламлари, «Ваъда ва амал» деган музикали драмаси нашр этилди. Уша йили унинг асосий асари «Яшил бойлик» романи ҳам босилди. Кейинчалик, 1958 йилда бу роман рус тилига ҳам таржима қилинди.

«Яшил бойлик» романи ёзувчи ижодидагина эмас, балки ўзбек совет романчилигида ҳам ўз ўрнига эга.

Талантли адиб, таниқли шоир ва ёзувчи, истеъдодли драматург ва журналист Саид Назар ижоди айни гуллаб турган бир пайтда — 1959 йилда бемаҳал вафот этди. Аммо унинг қалб ҳароратини сақлаган асарлари китобхонлар хотирасида домн яшайди, ёшларни коммунистнинг руҳда тарбиялашда ҳамон хизмат қилади.

Душан ФАЙЗИЯ

Самарқанд

ЎЗИНИ КЎТАРАДИГАН ОДАМ



Ҳажвия

Эшик очилиб, бир кишининг боши кўринди:
— Мумкинми?

Фельетончи янги фельетонига сўнги нуқта қўёлмай эзилиб ўтирган эди. «Яна бир шиоқотчи», деди ичида баттар эзилиб. Ҳалиги киши хонанинг ўртасига келди:

— Утирсан майлими?

Нотаниш киши ўтирдиги сайрай кетди:

— Касбингизга барана... Чарчамайгина ёмонларнинг жазосини бериб юрибсизми? Бола-чақа, дегандай, ҳаммалари саломатми?

Фельетончи «дардингизни айтақолинг», дегандай, унинг юзига тинилди. Нотаниш киши бидирлади:

— Сиз олижаноб одамсиз. Сизнинг шарофатингиз туфайли велосипедга қудрати етмайди-ган одамлар «Волга» миниб юрибди. Энди... биз бечораларга ҳам бир ёрдам қилиб юборсангиз. Ула-ўлғунча хизматингизда булардик... Хона эгаси индамади. Келувчи буни рўйхушликка йўйиб, давом этди:

— Аввало танишиб олайлик, — у отини айтди, — 15-магазинда сотувчи бўлиб ишлайман... Останонгизга бош уриб келишимдан маъсад шуни, мени фельетон қилиб, газетга ўзиб чиқсангиз...

Фельетончи бақрайиб қолди:

— Нима дедингиз?!

Сотувчи чўчиб тушди, диванни гичирлатиб, бир қимирлаб кўйди.

— Мени фельетон қилсангиз, деб келувдим, — мингирлади у, — агар иложи бўлса-да... Тагин хафа бўлманг, ана...

Фельетончи қўлоқларига ишонмади. Неча йилдири редакцияда ишлайди, ўнлаб фельетон ёзди. Лекин, бунақа ўзини ўтга уриб келган парвонани биринчи кўриши.

— Калана қиласизми?— деди у ўзини босиб.

Сотувчи яна безовталанди. Жон ҳолатда тилга кирди:

— Йўр-э, йўр-э... Шундай улуг даргоҳда сизни калана қилиб... мени жин урдими! Бир газетга уриб чиқинг мени. Утиниб сўрайман...

Фельетончи базўр тиржайди:

— Хўш, қанақа айбингиз бор?

— Айбим кўп, жуда кўп, — деди сотувчи жонланиб, — Улғудай кўполман. Менинг дастимдан дод демаган харидор йўқ. Сал нарсага жеркиб ташлайман, ёшроқларини сўйиб юбораверман...

— Шиоқот қилишмайдимми?

— Бизга худди мана шу шиоқот керак-да, ана! Қани энди устимдан қоп-қоп ариза ёғилса! Жон дердим...

Фельетончининг тоқати тоқ бўлди:

— Сизга тушунолмаялман. Ўз ёфгингизга ўзингиз болта уришдан муддао нима?

Сотувчининг юзига кулги югурди. Лаблари ип қочирди. Юраги алланечун, лаззатли бир туйғу билан тепа бошлади:

— Гап бар... Сиз ёзаверинг. Бир ғарибнинг кўнглини овламоқ — бир мачит кўрмоқдан афзал, дейдилар. Сиз бир мачит эмас, ўнта шаҳар курганнинг савобини топасиз. Хўп денг...

Қаламқаш бош чайқади:

— Бўлмайди.

Сотувчи ўрнидан туриб кетди. Юзидаги боғи табассум сўнди, ранги оқариб, лаблари учди.

— Ахир... мен сизга... сиздан шундай умид қилувдимки... Ахир, сиз ҳам йигитсиз... Умрингизда биздай... бир ночорга яхшилиқ қилсангиз...— У йиғлаб юборди.— Менга раҳмингиз келмаса... Ҳиқ-ҳиқ... Олти боламга раҳм қилинг... Ҳиқ-ҳиқ... Сизнинг ҳам... Ҳиқ-ҳиқ... Қора кўзларингиз бордир, ахир, ҳиқ?!

Фельетончиларнинг қаҳри қаттиқ бўлади, дейишади. Эҳтимол. Лекин фельетончимизнинг кўнгли ҳалимдай мулойим бўлмаса-да, ҳаққалай, тош ҳам эмас эди. Рўпарасида пиқиллаб турган эриканга қараб, кўнгли бўшади. Унга жиндай раҳми, жиндай нафрати келди.
— Эшингизни артинг, уят бўлади!— деди у.— Бўпти, ёзаман.

Сотувчи севиниб кетди. Кафтарларининг орқаси билан қовоқларини ишқалади:
— Артаман... Илов, кам бўлманг, илов...
— Эртага ўша шиоқотлару мажлис қоронларини, хаммасини олиб келинг,— деди ходим новогини осиб, — 8 қўлингизга беришмайдим?

Сотувчи кўйиб-пишди:
— Йўқ, беришади... Олиб келаман. Хўжайиндан сўраб оламан... Энди рухсатми, келаверайми?

Эртасига редакция очилмасдан сотувчи етиб келиб, йўланга ўтириб олди. Бир вант фельетончи ҳам кўринди. У хонани очди. Сотувчи унинг ортидан йўргалаб ичкари кирди. Газета бежиримгина қилиб уралган хужжатларни столга қўйди. Кейин фельетончидан ижозат олиб, тавозе билан чиқиб кетди.

Ходим шиоқотларни ўқий бошлади. Сотувчи алдамаган экан. Бу одамнинг дастидан харидорлар фарёд кўтариб ёзишарди. Фельетончи баъзи жумлаларни кўчириб олди: «Сўхтаси совуқ, худди тўқайда ўсганга ўхшайди. Сотувчининг уруғи Ҳиротдан келган бўлса ҳам, алмаштириш керак бу юзи қорани. Карим партизан»; «Тили мунча заҳар, онаси қалампирга бош қоронги бўлиб туққанми, нима бало!.. Тоҳир, студент»; «Турқини кўришга тоқатим йўқ, гаплари арзон атирдай бошингни оғритади. Артистка Сайёра».

Фельетончи магазин мудирига телефон қилди. Мудир сотувчининг гапларини тасдиқлади. Шундан кейин ходим фельетон ёзишга қарор қилди.

Икки кундан кейин сотувчи хабар олгани келди. Ходим уни тинчитди.

— Яқшанба кунни чиқасиз. Отингиз «Дилозор».

— Раҳмат,— деди сотувчи, худди ўзининг дилозорлигига кўвонгандай. Ходим нулди:

— Энди ҳам айтмайсизми сирингизини? Сотувчи қизаринди:

— Йўқ, йўқ... Аввал чинсиз, кейин... Орадан бир ой ўтди. Фельетончи янги асарига сарлаҳқа кўйиб, хаёл суриб ўтирганди, гул-гул очилиб сотувчи кириб келди:

— Ассалому алайкум, халоскорим!.. Яхшимисиз, чарчамайгина ёмонларнинг жазосини бериб юрибсизми? Сиздан яна мадад истаб келдим. Ўша фельетонингиздан кейин мени ишдан ҳайдаб, 7-гастрономга бўлим бошлиги қилиб тайинлашди... Энди, ўзингиз айтгандай, тагин бир пўстагимни қоқсангиз, 19-магазинга директор керак экан, лип этиб шу ёққа ўтиб олардим...

Фельетончининг бошига биров гўрзи билан ургандай бўлди. Ҳамма ёғи музлаб, ўтирган ерида қимирламай қолди.

С. СИЕЕВ


МАЙМОҚ ПОЛВОН:— Ҳей бола, морене-ноенгдан менга ҳам жиндай бер!

ХАЙВОНОТ
БОҒИДА


НАЪМАТАХ




ҚОРА ОҚҶУШ:— Томошбинлар келишига оз қолди. Қанотларимга бир пардоз бериб олай.




ФИЛ:— Ҳа, майли, жим тураман, бир томоша қилиб олинглар!



ТИМСОҲ:— Мен даҳшатли тимсоҳ бўламан, оромимни бузманглар!



МИЛЬҒАУ ОҲУСИ:— Мана, курсанглар кўриб олинглар: томогимнинг таги оппоқ!



ТОНДОР ТУРНА:— Мен қушларнинг подшосиман!




ДИЛЛОЛ АИФИ:— Сув қандай яхши-я! Қани энди бирпас изғиб олсанг...



СССР спорт мастери
М. МУХИДДИНОВ
таърири остида.

Марказдаги шоҳга ҳужум

Дебют — уйиннинг пойдевори. Модомики, шундай экан, кимки уйиннинг бошланғич қисмида лала-партишликка йўл қўйса, кейин азобини тортаверади.



Илгари айтганимиздек, сипоҳларни жой-жойга чиқариш — дебютдаги асосий омиллардан бирidir. Шоҳни вақтида рокировка қилиш ҳам шунга киради. Амалий уйинларда томонлардан бирининг шоҳи марказда ўралашиб қолиб кетиши мумкин. Иккинчи томон эса, ўз навбатида дарҳол уни нишонга ола бошлайди. Баъзи ёш шахматчилар мастерлар прантинасида одат тусига кириб қолган сон-саноксиз вариантларни асосий гояларга тушунмай туриб, нўр-нўрона ёдлайдиларки, бунинг оқибати, албатта, яхши тугамайди. Масалан, икки ёш шахматчи ўртасидаги бир уйинда 9-ўришдан сўнг диаграммадаги вазият рўй берган эди.

Малакаси нам шахматчига бу вазият қоралар учун ёмондек туюлиши турган гап, негаки, пиедаларни жойлашуви жиҳатидан оқларники афзалроқда... Ленин ас-лида бундай эмас: қоралар ҳам яхши имкониятларга эга. Ҳозир оқлар уйини 10. e4: f5 Сс8: f5 11. Кс3—d5 тарзида давом эттирса, томонларнинг имкониятлари тахминан баравар бўларди. Бунинг ўрнига улар 10. Фd1—f5? ўйнаб, балога қолди. Баъзи уйинларда диаграммадаги а3 даги от b1 да туради. Ёш шахматчи шунинг фарқига бормайди. Отнинг а3 да-лиги қораларга актив ҳаракатлар бошлаш имконини беради. Натижада ўйин куйидагича давом эттирилади:

10. Фd1—b5? d6—d5! 11. e4:d5 Сf8:a3 12. b2:a3 Фd8—a5 13. Кp1—d2 Кс6—e7 14. Сf1—e4 Сс8—e6! 15. d5:e6 0—0—e4 16. Сe4—d3 Кe7—d5 17. Фh5:f5 Фd5:c3+ 18. Кp2—e2 Кd5—f4+ 19. Кp2—e3 f7:e6 20. Фf5—e4 Ld8—d4. Оқлар таслим бўлади, чунки энди 21. Фе3 бўлса, 21. e4! ва хо-казо.

5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРД-ЧАЙВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

I. КРОССВОРД

Буйига: 1. Симоб. 2. Волга. 5. Кобра. 6. Минск. 9. Пафос. 10. Радиф. 13. Титан. 14. Париж. 17. Дунай. 18. Ҳирот. 21. Работ. 22. София.

Энига: 3. Лимож. 4. Коинго. 7. Қофия. 8. Брест. 11. Газал. 12. Помир. 15. Милан. 16. Дания. 19. Сурия. 20. Тагор. 23. «Сароб». 24. Солиҳ (Муҳаммад Солиҳ).

II. ЧАЙВОРД

1. Юнусова. 2. Абдуллаев. 3. Васко да Гама. 4. Айтматов. 5. Вургул. 6. Нодира. 7. Альманах. 8. Хамса. 9. Авлоний. 10. Нилнома. 11. Андигон. 12. Нева. 13. Амазонка. 14. Антракт. 15. Терашкова. 16. Амур. 17. Раҳимов. 18. Воркута. 19. Альп. 20. Перу. 21. Уйғун. 22. Нукус. 23. Складовская. 24. Яшин. 25. Нигерия.

Муҳаммад ЎРОЗБОЕВ



Совет фани оғир жудоллика учради — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, улкан олим ва мураббий Муҳаммад Тошевич Ўрозбоев вафот этди.

Муҳаммад Ўрозбоев 1906 йилда Қўнон шаҳрида темир йўл ишчиси оиласида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1932 йилда бошлади. Москва давлат университети механика институтининг аспирантурасида ўқиди, 1935 йилда кандидатлик, 1947 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақият-ли ёқлади.

Муҳаммад Ўрозбоев ёшларнинг севимили ва талабчан устози эди. У 1963 йилдан умрининг охиригача Тошкент политехника институтининг ректори вазифасида ишлар экан, бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини билимдон ёш мутахассислар тайёрлашга сарфлади. Унинг ўз илмий мантаби бор эди, 1952 йилда назарий механикага доир яратган икки жилдли дарслиги учун СССР давлат мукофоти ва 1967 йилда ўзбек тилида материаллар қаршилиги соҳасида икки жилдли асар яратганлиги учун Беруний мунофотига сазовор бўлди.

Совет фанини ривонклантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги фолт натта хизматлари учун Муҳаммад Ўрозбоев Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари ҳамда ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мунофотланди.

Атоқли олим, толмас захматкаш, ажойиб ўртоқ ва олижаноб инсон Муҳаммад Ўрозбоев «Гулистон» редколлегиясининг аъзоси сифатида ҳам натта ижтимоий иш олиб бормоқда эди. У энди сафимизда йўқ, бу жудолинини ҳеч бир нарса билан тўлдириб бўлмайди. Ленин унинг сиймоси минглаб дўстлари ва шогирдлари қалбида абадий сачланиб қолган, доно фикрлари асарлари саҳифаларида яшаб, ҳали қанча-қанча авлодларга фан соҳасида дастурил амал бўлади. Ана шу кўнглимизга бир оз таскин берди.

«ГУЛИСТОН» РЕДКОЛЛЕГИЯСИ.

МУҚОВАЛАРДА: Биринчи бетда: КПСС XXIV съезди делегати, «Таштекстильмаш» заводининг йиғувчи слесари **Уринбой Алимов** ўгли Вахтиёр билан.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Туртинчи бетда: Қулупнай пишиди.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

Бош редактор—Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Умар ИБРАҲИМОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРИФОВ, Комил ЯШИН, **Муҳаммад ЎРОЗБОЕВ.**

Ҳарбий-маданий вакиллик бўлими асосида ташкил этилган илмий-публицистик ва адабиёт-маданият журнал-газетаси. Ҳарбий-маданий вакиллик бўлими асосида ташкил этилган илмий-публицистик ва адабиёт-маданият журнал-газетаси.

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.**

Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресиниз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси 30 уй. 1-қ. 30-қ. 33-35-90, масъул секретарь—33-35-90. Ҳажми: 100 бет ва санъат бўлими—33-35-19; фан ва маданият бўлими—33-35-19.


Восмаҳонага тушири.

Ҳажми 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобон.

Тиражи 587. 1-нумари 1987.

30 т. Нашр. А—3570.

Изданов Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси. Тошкент.



УРГУТ МАНЗАРАСИ.

С. БЕЗНОСОВ ФОТОСИ.



Индекс 75233.
Баҳоси 30 тийин.